

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

*Кўлёзма ҳуқуқида
УДК 013.17*

ЖУМАБОВ ОЛИМЖОН АБДУЛЛАЕВИЧНИНГ

**ЖАҲОН ЖУРНАЛИСТИКАСИДА NONFICTION (ЯНГИ
ЖУРНАЛИСТИКА): РИВОЖЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ
ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**
(хорижий ва миллий тажриба мисолида)

**МАВЗУСИДА 5A220102 — ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА ТАЪЛИМ
ЙЎНАЛИШИ**

МАГИСТР АКАДЕМИК ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН ЁЗИЛГАН

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

“ҲИМОЯГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ”

Халқаро журналистика назарияси ва
амалиёти кафедраси мудири

_____ ф.ф.н., доцент Н. Тошпўлатова

2017 йил “ ____ ” _____

ИЛМИЙ РАҲБАР:

Ф.ф.н., доцент,
Н. Тошпўлатова

2017 йил “ ____ ” _____

Тошкент – 2017

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Биринчи боб. ЯНГИ ЖУРНАЛИСТИКА ФЕНОМЕНИ	
1.1-§. Жаҳон журналистикасида янги журналистика феномени.....	8
1.2-§. АҚШда янги журналистика: ривожланиш омиллари ва таракқиёти.....	17
1.3-§. “The nature of news” аудитория талаби. “Мих материал” реализмнинг муҳим унсури сифатида.....	28
Иккинчи боб. ЯНГИ ВА АНЪАНАВИЙ ЖУРНАЛИСТИКА	
2.1-§. Анъанавий журналистика ва янги журналистика: уларнинг ўхшашликлари, ўзаро фарқли жиҳатлари, ўзига хосликлари.....	36
2.2-§. Янги журналистикада ёзиш услуби. Репортёр вазифаси.....	43
2.3-§. “Воқеани кўрсатиш — асосий мезон” принципи. Янги журналистика кашфиётчиларининг янгича услублари.....	53
Учинчи боб. ЖУРНАЛИСТИКАДА ЖАНРЛАР ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИ	
3.1-§. Журналистикада жанрлар инқирози ва интеграциялашув.....	70
3.2-§. Nonfiction жанрлар синкретикаси.....	81
3.3-§. Ўзбек матбуотида янги журналистика.....	87
Хулоса	104
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	109
Иловалар	114

“Бизнинг вазифамиз — тўпланган тажриба ва
илғор халқаро амалиётга суянган ҳолда,
ўзимизнинг тараққиёт ва янгиланиш моделимизни
қатъий амалга оширишдан иборат. Шу борада яқин ва
ўрта муддатга белгиланган марраларга эришиш учун қатъият билан
ҳаракат қилишимиз зарур”¹.

Кириш

Ахборот асри инсониятнинг ахборот борасидаги эҳтиёжини шу қадар кенг миқёсда амалга оширдики, буларни санаб адоғига етиб бўлмайди. Улар ичида шубҳасиз, ҳар бир инсоннинг жамиятда маълумот олиш ва етказиш борасидаги коммуникатив ўрни юқори даражага кўтарилаётгани, яъни ҳар бир кишининг бевосита ахборот тарқатувчига айлангани алоҳида аҳамиятга моликдир. Албатта, ахборот билан ишлашда ижобийлик бўлганидек салбий жиҳатлари ҳам кўп. Ижобийлиги ҳақида гап кетса, ахборот оқимининг тезлашгани, жамият ва давлат ўртасидаги алоқаларни такомиллаштиришдаги ижтимоий-сиёсий аҳамияти, воқеаларни ёритишда турфа хил усул ва методлардан фойдаланиш... буни узоқ давом эттириш мумкин.

Масаланинг кейинги томони ҳам мавжуд. Салбийлиги сифатида ахборотга эгалик қилишнинг кенгайганлиги оқибатида кўчириб босиш, муаллифлик ҳуқуқининг бузилиш ҳолатлари кўпайгани, материалга бир вақтнинг ўзида муносабат билдириш пайдо бўлгани, шу маънода, оммавий ахборот воситаларига нисбатан танқидий фикрларнинг кўпайиб бораётганлигини айтиш керак. Бу сингари камчиликлар четдан келаётган ахборий хуружларни келтириб чиқармоқда.

¹ Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. (Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ) — Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2016. 20-бет.

“Халқимиз оммавий ахборот воситаларидан мамлакатимиз ва хорижда содир бўлаётган воқеалар тўғрисида холис ва тезкор ахборот олишни... кутади”².

XXI асрда ахборот энг ишончли ва совуқ қуролга айланганини ушбу фикрларнинг ўзиёқ асослаб турибди. Халқимизни эса турли хил ахборий хуружлар таъсири тушмай, ишончли ахборот манбаларига бўлган инфомаданиятини шакллантириш муҳим масала саналади. Ахборий таҳдидларга тайёр эмаслик ортидан маънавий таҳдидлар келиб чиқмоқда.

“Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим, деб ўйлайман”³.

Шу маънода ахборот олиш ва тарқатиш жараёнида ҳуқуқий тизимнинг яратилганлиги миллий журналистикамизда ахборот билан ишлаш жараёнига ижобий таъсир ўтказмоқда. Бош қомусимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67-моддасида ҳам таъкидланган:

“Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар.

Цензурага йўл қўйилмайди”⁴.

Журналистиканинг қуроли сифатида фикр, сўз ва ғоя муҳим аҳамиятга эга. Аммо ўтган давр мобайнида эркин фикр билдириш, муаллиф ўз сўзи эмас, балки ҳукумат буйруғи асосида қаламини “юрғизиш”и журналистиканинг халқ манфаатларини эмас, собиқ тузум асосига қурилган ҳукумат манфаатларини ҳимоя қилиши кузатилган. Бу авторитар тузумнинг ва авторитар назариянинг элементлари сифатида белгилаш мумкин. Матбуот ва журналистиканинг бўғилишига сабаб бўлиши ҳам кузатилган.

² Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. — Т.: Ўзбекистон, 2005. 51-бет.

³ Каримов И. А. Юксак маънавият-енгилмас куч. — Т.: Маънавият, 2008. 14-бет.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. — Т.: Ўзбекистон, 2012. 13-бет.

Мустақиллик эришганимиздан сўнг оммавий ахборот воситаларига нисбатан қараш тубдан ўзгарди. Оммавий ахборот воситалари халқ ва ҳукумат орасидаги муносабатларнинг янада такомиллашишига ижобий таъсир ўтказди. Бу борадаги ишлар самараси ўлароқ журналистика соҳасига доир ҳукуматимиз томонидан бир қатор қонунлар қабул қилинди, оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришнинг демократик андозаларини яратиш йўлида муайян ишлар амалга оширилди ва оширилаяпти.

Ўзбекистон Республикаси “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонун 1991 йили қабул қилинган бўлса, кейинчалик 1996 йили “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги, 1997 йили “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинликлари тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йил апрелида қабул қилинган “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ва 2002 йилда “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги қонун ва қарорлар мамлакатимизда миллий журналистикани ривожлантириш борасида ташланган дадил қадамлардан эди. Кейинчалик 2011 йили 30 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 6 ноябрдаги “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни албатта, соҳа ривожига муҳим ўрин тутди.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти. Бугун Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев томонидан амалга оширилаётган улкан ислохотлар замирида ҳам давлатни ҳар томонлама ривожлантириш мақсади ётибди. Шу маънода ОАВга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яқинда Президент Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 30 мартдаги селектор йиғилишида Оммавий ахборот воситалари, хусусан, Ўзбекистон телерадиокомпанияси фаолиятини яхшилаш, “ура-урачилик замони”ни тугатишга доир танқидий фикрларни келтириб ўтди.

Маълумки, Биринчи Президентимиз томонидан оммавий ахборот воситаларининг эркинлигини таъминлаш ва ОАВ фаолиятини демократлаштириш, ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислохотлари ҳам “тўртинчи ҳокимият”нинг ҳуқуқий фаоллигини оширишга қаратилган муҳим вазифа, дейиш мумкин. Мисол тариқасида, шу йилга назар ташласак, оммавий ахборот воситалари тизимида кўпгина эътиборга молик ишларга қўл урилганлигининг гувоҳи бўламиз. Хусусан, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимида “Маданият ва маърифат”, “Дунё бўйлаб...”, “Оилавий”, бундан ташқари, хусусий “Zo’r” ва “Миллий ТВ” каналларининг ташкил этилишиёқ бу соҳага қаратилаётган эътибор самарасидир.

Матбуот тизимида ҳам газеталар сони кун сайин ошиб бормоқдаки, бу албатта, жамиятнинг оммавий ахборот воситаларига бўлган қизиқишларининг исботидир.

Шу билан бир қаторда бугунги кунга келиб жаҳон тажрибасини миллий журналистикамизда қўллаш зарурати пайдо бўлмоқда. Интернет тармоғининг ҳаддан ортиқ салбий таъсири, муаллифлар орасида кўчирмакашлик ҳолатининг кучайганлиги, журналистиканинг тезлашганлиги боис журналистларнинг саводлилик даражаси сустрлашиши оқибатида жамиятнинг етук журналистларга талаби кучайди. Бундан ташқари, замонавий талаблар журналистларнинг ўзларида ҳам ОАВда янги усулларни қўллаш ва аудиторияни бунга йўналтириш масъулиятини пайдо қилаяпти.

“Оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларига биноан ахборотни излаш, олиш, тарқатиш ҳуқуқига эга ҳамда тарқатилаётган ахборотнинг ҳолислиги ва ишончлилиги учун белгиланган тартибда жавобгар бўлади”⁵.

Холислик ва ишончлилик айнан журналистнинг масъулияти билан белгиланади.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари. — Т.: Ўзбекистон, 2007. 5-бет.

Магистрлик ишининг мақсади ва ундан келиб чиқадиган вазифалар. Маълумки, АҚШ матбуоти узок ўтмишдан олган бой тажрибага эга. АҚШ матбуоти доимий янгиланиш ва изланишда бўлганидан жаҳон журналистикасига катта таъсир кўрсатади. Америка журналистларининг методларини ўрганиш ва амалиётга тадбиқ этиш зарурати бугунги кунда соҳани ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Америка журналистикасининг муҳим жиҳати уларда воқеа жанрларга солинмайди, балки жанрлар воқеаларга мослаштирилади. Боз устига бирор жанрнинг ичида турфа хил жанр элементлари учраши, бир-бирини тўлдириб воқеани ёритишда асқотиши турган гап. Шу маънода ўзбек журналистикасида ҳам усул ва услуб, янги жанрлардан фойдаланиш миллий журналистикамиз ривожланишига бир омил дейиш мумкин. Шу маънода АҚШ матбуоти янги журналистиканинг йирик вакиллари — Том Вулф, Барбара Л. Голдсмит, Хантер С. Томпсон, Рекс Рид ва Трумен Капотенинг журналистик фаолиятида миллий журналистикамизга олиб кирадиган муҳим омиллар мавжуд.

Миллий матбуотимиздаги айни пайтдаги жараён журналистлардан тиришқоқлик ва янги изланишлар бошлашни талаб этаётган бир пайтда янги журналистикадан фойдаланиш барча таҳририятларнинг фаолиятига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Бундан ташқари, янги журналистикага оид материалларни қўпайтириш ва шу соҳага тааллуқли таълим муассасаларида ўқитиш, бугунги куннинг энг долзарб вазифаси саналади. Янги журналистика янги номларни кашф этиши баробарида, ёш журналист кадрларни тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади. Янги журналистикадаги ўзига хос принциплар бугунги кундаги ёш кадрларнинг оммавий ахборот воситаларига бўлган қарашларини ўзгартириши, аудиториянинг талабларига жавоб бериши мумкин.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқотнинг асосий объекти сифатида Том Вулфнинг “Янги журналистика ва унинг антологияси” олинган. Мазкур китоб ичидаги мақолалар, шунингдек, S.Brian Brooks,

George Kennedy “The Missoure group: News reporting and writing”. Lloyd Chiasson “Three centuries of American Media”нинг ичидаги тадқиқотлар ишнинг предмети ташкил этади. Бундан ташқари, ўзбек матбуотида шаклланаётган янги услублар ва ёш ижодкорларнинг асарларида юзага чиқаётган янгича ёндашувлар ҳам тадқиқот предмети орасига киритилган.

Янги журналистлар орасида Хантер С. Томпсон, Трумен Капоте ва Том Вулф, Рекс Рид, Барбара Л. Голдсмит сингари муаллифларнинг фаолиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

Миллий матбуотимиздаги ўзига хос услубда ёзилган Маҳмудхўжа Бехбудий, Ҳусан Нишонов каби ижодкорлар мақолалари келтириб ўтилган. Бир-бирига ўхшамаган бекиёс асарлар орқали уларнинг фаолияти ва янги журналистика унсурларидан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари очиқ берилади.

Ишнинг тадқиқ этилганлик даражаси. Янги журналистика бўйича ҳали миллий матбуотимизда илмий ишлар қилинмаган бўлса-да, АҚШ журналистикасини ўрганган олимлар — Ф. Мўминов, Ф. Нестеренко, Қ. Эрназаров, Ё. Маматова ва А. Нурматов америка журналистикасининг ўзига хос жиҳатлари ҳамда ундаги сариқ матбуот ва даврий нашрларнинг пайдо бўлиши ҳақида тўхталиб ўтади. Албатта, янги журналистиканинг пайдо бўлишида сариқ матбуот типидagi газеталарнинг ўрни катта, бироқ улар кўтарган мавзу доирасида янги журналистикага оид маълумотлар учрамайди. Шу маънода тадқиқотнинг ҳали тадқиқ этилмаганлигини ўзбек матбуотига олиб кирилмаганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Рус олимлари ҳам буюк АҚШ матбуотини тадқиқ этган. Михайловнинг “Современная зарубежная журналистика: правила и парадоксы”, “История становления и развития американской журналистики”, Прутковнинг “Введение в мировую журналистику” сингари асарларида янги журналистикага доир фикрлар келтириб ўтилган. Фақатгина янги журналистика пайдо бўлиши келтириб ўтилган, холос.

Янги журналистиканинг юзага келишига доир маълумотлар америка матбуотига доир инглизча, русча дарсликларда учраса-да, айнан янги журналистиканинг пайдо бўлиши ёки муаллифлари, умуман, янги журналистика оид маълумотлар миллий журналистикамизда учрамайди.

Тадқиқот ишининг илмий янгилиги. Ишнинг илмий янгилиги шундаки, “янги журналистика” истилоҳи ўзбек матбуотида пайдо бўлгани йўқ ва унинг методлардан ҳали муаллифларимиз тўла фойдаланишмаган. “Янги журналистика”нинг баъзи унсурларидан журналистлар миллий матбуотимизда фойдаланишса-да, уларнинг илмий тилда қандай аталиши, қандай хусусиятга эга эканлиги хусусида маълумотга эга эмаслар.

Бугун XXI асрга келиб гўё матбуотда жанр тушунчаси йўқолгандек, бироқ ундай эмас. Замон ўзгаргани сайин янгича журналистик қарашлар пайдо бўлишини унутмаслик керак.

Янги журналистикани фақат олий ўқув юртларида ўқитиш эмас, балки миллий матбуотимизга тадбиқ этишнинг афзаллиги шундаки, матбуотнинг янгича қиёфасини яратиш имконини беради. Бир хилликдан ва оммавий ахборот воситаларидаги узоқ вақтдан бери давом этаётган “анъанавийлик”дан зериккан жамоатчиликка янги журналистика ижобий таъсир кўрсатади.

Ишнинг методологик асослари. Мазкур ишнинг методологик асослари бўлиб Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ОАВ тўғрисидаги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг нутқлари, маърузалари, асарлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И. А. Каримовнинг асарлари ва нутқлари, маърузалари хизмат қилади.

Ишнинг таркибий тузилиши. Ишнинг таркибий тузилишини ишнинг долзарблиги, илмий янгилиги, мақсад ва вазифалари ташкил этади. Тадқиқот иши уч бўлим (уларнинг ҳар бири учтадан параграфга ажратилган), хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловадан иборат. Иловадан янги журналистикага доир материаллар жой олган.

Биринчи боб. ЯНГИ ЖУРНАЛИСТИКА ФЕНОМЕНИ

1.1-§. Жаҳон журналистикасида янги журналистика феномени

Янгилик яратиш доимо инсониятга хос бўлган тушунча саналади. Шу даврга қадар ихтиро қилинган, яратилган кашфиётлар, ихтиролар, шубҳасиз, кейинги ихтироларга замин ҳозирлайди. Бу биринчидан, кишиларда, айнан журналистика соҳасида аудиторияда янгича фикр ва ғоялар туғилаётганини кўрсатса, иккинчи томондан, жамият одатийлик, анъанавийликдан, жўнликдан зерикканини исботлайди. Журналистика соҳасида ҳам фикримиз тасдиғи кўринади.

Маълумки, илгариги даврларда ўша Рим империяси даврида аввал давлат шаклланиб, кейингина давлат ташаббуси билан матбуот (“Акта Синатус” тахтага ёзилган хабарномаларни шундай атайдиган бўлсак) юзага келган эди. Бироқ даврлар ўтиб, матбуот давлатдан аввал вужудга келди.

“Америка матбуоти такрорланмас ва ўзига хос тарихга эга. Унинг ўтмиши мамлакатнинг давлатчилик тарихидан ҳам анча илгари бошланган: “Америка Қўшма Штатлари” деган давлат дунё харитасида пайдо бўлишидан қарийб бир аср олдин бу заминда илк газета чоп этилди”⁶.

Чиндан ҳам бу муҳим далил. Буни Америка Қўшма Штатлари матбуоти мисолида кўриб ўтамиз. АҚШ матбуоти ривожланиши баробарида турли хил усул ва услуб, йўналишга асосан аудиторияни ахборот билан таъминлашга, уларнинг ишончини қозонишга уриниб борди. Шундай йўналишлардан бири янги журналистика ҳисобланади.

Янги журналистика пайдо бўлишининг асосий икки омили мавжуд:

1. Иқтисодий омил.

⁶ Мўминов Ф., Нурматов А. Жаҳон журналистикаси тарихи. — Т.: Фан ва технологиялар марказий босмахонаси. 2008. -210-бет.

2. Ижодий омил.

Шубҳасиз, иқтисодий омилнинг ҳам бунда ўрни катта. Буни ҳар бир корхона-ташкилот чуқур англаган ҳолда газеталарнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашга куч-ғайратини сарфлаган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, Америка журналистикаси “3S” назарияси асосига қурилган. Бу эса, журналистдан ўшанга мувофик изланишда бўлиш ва айнан шундай хабар, янгилик ҳамда маълумотларни топиш, ёритишни тақозо этади:

А. Шов-шув (Сенсация).

В. Ўлим (Смерть).

С. Шаҳвоний хирс (Секс).

Кириш қисмида ҳам айнан 3 S назариясининг белгилари кўринади. Эътибор қаратилса, берилаётган янгиликларга оммавий ахборот воситалари фақат кириш қисмига янгиликнинг мағзини қўяди. Бу асосан ўқувчида вақтнинг тиғизлигини инобатга олиш, дея баҳоланади. “Медиа-бизнес”да эса ахборот даромад топишнинг энг қулай усули сифатида кўринаркан, демак, бунда лиднинг алоҳида ўрни бор.

Молиявий самарадорликни таъминловчи мазкур назария ҳам бора-бора эскираётгани баробарида ўша давр(1960-йиллар атрофи)да жамиятнинг ахборот холислигига бўлган эҳтиёжи сусайиб борарди. Шунини инобатга олсак, услуб ичидан янги жиҳатни топиш ёки янги методларни қўллаш орқали аудиториянинг босма нашрларга нисбатан эътиборини жалб этиш зарурати америка журналистикасининг асосий вазифасига айланганди. Бироқ берилаётган маълумотларнинг рўй-рост, ҳаққонийлигига ўша пайтда кенг аудитория шубҳа билан қарай бошлади. Негаки, шуҳрат орттириш ва газетанинг обрўйини кўтариш, тиражини кескин ошириш, иқтисодий катта фойда олиш мақсадида журналистлар миш-миш, сафсата, уйдирмалар чоп эта бошлаганди.

Айнан шундай чигал (аудиторияга бу “реал воқеалик” деб тушунтириб бўлмасди), муаммоли вазиятда журналистлар узоқ давр мобайнида

шаклланган бой проза услубларига таянишди. Улардан услуб ва усул ўзлаштиришди. Журналистика ва адабиёт ўртасидаги бир нуқта орқали жамиятнинг матбуотга бўлган қизиқишларини тиклашга ҳаракат бошлашди. Бунинг замирида ҳам энг биринчи навбатда, жамиятнинг ахборотга бўлган талаби инобатга олингани унинг энг муҳим унсуридир.

“Ахборот бозорида маълумот — товар, аудитория эса капитал”⁷, деган атама бежиз айтилмаган.

Ҳамма ОАВ муассасанинг иқтисодий ривожланишини таъминлаш ва унинг молиявий сенишининг олдини олиш мақсадида турфа хил усулларни ўйлаб топадики, бу рақобатда ютишнинг энг муҳим жиҳати ҳисобланади. Аудитория эса доимо сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-маърифий ёки молиявий масалаларга қизиқавермайди. Бундай аудитория эса қисқа вақт учун иқтисодий аҳволни тиклаб бериш имконига эга.

Таҳририятларнинг фаолиятида эндиликда муайян аудитория ва мақсадли аудиториянинг иштироки катта аҳамиятга эга. Оммавий ахборот воситалари муайян аудиториядан кўра мақсадли аудиториянинг талаб-истакларини инобатга олган ҳолда ёндашади. Америка матбуотидаги янгилашларини бевосита у ерда пайдо бўлган “Сариқ матбуот” сарф-ҳаракатлари билан белгилаш, боғлаш мумкин.

Илк бу типдаги матбуот “аждод”и “Sandi World” ҳисобланиб, бунга 1883 йили Жозеф Пулитцер томонидан асос солинган.

“XIX аср сўнгида журналистика индустриал характерга эга бўлди. Концернлар, трестлар, синдикат матбуотлар пайдо бўлди. Энг биринчи матбуот магнатларидан бири АҚШда Жозеф Пулитцер бўлган, у ўз бизнесини унчалик катта бўлмаган Сент-Луисдаги шаҳарда бошлаган”⁸.

Маълумки, Жозеф Пулитцернинг бу кашфиёти — кўнгилочар саҳифаларни кенгайтириш орқали аудиторияни жалб этиш, ҳар бир қатламга

⁷ Михайлов С. Современная зарубежная журналистика: правила и парадоксы. — СПб.: Михайлова В.А., 2002. —С.162.

⁸ Прутков Г.В. Ведение в мировую журналистику. evartist.narod.ru

мос, макбул янгиликларни топиш ва чоп эттириш, ҳар хил эътибортортар рангли сариқ сураатлар (сариқ матбуот деб аталиши ҳам айнан шундай сураатларнинг берилиши билан ҳам боғлиқ) орқали газетани безаш, ўтган 100 йилча вақт мобайнида янада такомиллашганди.

“АҚШда газета-журнал нашр этишнинг ўзига хос мактаби яратилди. Тўрт-саккиз саҳифадан иборат бўлиб чиқадиган газеталар ўзини оқлай олмаслиги, бундай газеталар асосан муассис ёки маълум бир кишиларгагина маълум фикрларни ёритиб, кенг омманинг ахборотга бўлган эҳтиёжини кондиролмаслиги тўғри англашилди. Шу боис газеталар етмиш, саксон, ҳатто юз саҳифагача ҳажмда чиқиб туриши одатий ҳолга айланган”⁹.

Мана шу жараёнда ҳақиқатдан, журналистика аудитория талабларига мувофиқ ҳаракат бошлаганлигини, уларнинг эҳтиёжларига монанд ижод қилинганлигини кўриш мумкин.

“1910 йиллар охирида журналистика фақат матбуотдан иборат бўлган. Матбуотга қудратли бир рақобатчи пайдо бўлди бу — радио. 1919 йили Европа ва Америкада биринчи радиостанциялар фаолияти йўлга қўйилди”¹⁰.

АҚШ матбуоти бу қадар ривожланишининг бош омили мутахассислар томонидан таваккалчилик, дея эътироф этилади.

“...1962 йили йирик молиявий гуруҳлар томонидан 68та янги газета чиқарилди”¹¹.

Эътибор қаратсак, бу рақамларда ҳар бир газетанинг кейинги фаолияти унинг муассисининг қай даражада молиявий таъминланганлиги ва аудиториянинг эҳтиёжлари, қизиқишлари ва ўша маҳсулот(газета)ни харид қилиш ёки қилмаслиги билан боғлиқлигини кўрамай. Бу даврда баъзи бир газета “хўжайин”лари ададни ҳаддан ортиқ кўпайтириш, саҳифалар сонини янада ошириш эвазига жамият эътиборини тортиш мумкин, деган фикрга келсалар-да, аммо бу жуда катта таваккалчиликка маълум фоиз босма

⁹ Мўминов Ф., Нурматов А. Жаҳон журналистикаси тарихи. — Т.: Фан ва технологиялар марказий босмахонаси. 2008, 267-бет.

¹⁰ Прутков Г.В. Введение в мировую журналистику. Evartist.narod.ru

¹¹ Михайлов С. Современная зарубежная журналистика: правила и парадоксы. — СПб.: Михайлова В.А, 2002. -С. 162

нашрларгина уринди, холос. Барча бирлашган муассисларни бундай таваккал ишга жалб этишнинг имкони йўқ эди. Чунки газеталар ҳам барчаси бир хилда таъминланмаган, бунинг устига жамоатчилик бирлашган нашрларнинг ахборот, маълумот беришига қандай муносабатда бўлиши, қандай ракурсда қараши шубҳали эди. Боз устига газеталар орасида кечаётган катта рақобатда енгилш учун қуйидагиларни амалда қўллаши зарур эди:

- ✚ нархни бироз пасайтириш;
- ✚ ишчига камроқ ойлик таклиф этиш эвазига кўпроқ маълумот топишга йўналтириш;
- ✚ ахборот майдонидаги аниқ бир ихтисосликни ёритиш;
- ✚ рекламаларни кўпайтириш орқали моддий аҳволни яхшилаш.

Шу маънода янги иш бошлаган журналист, мухбир учун газета яшаб қолиш-қолмаслиги унинг фаолиятига бевосита таъсир ўтказар, шунинг учун янги иш бошлаган ходимлар жон-жаҳди билан янгилик топишга, сенсация кўтаришга ва, шу орқали, ўзи учун яхшироқ моддий имконият яратишга қаттиқ киришарди.

Йирик медиумагнатга айланган Хёрст ўз олдида қўйган мақсадлари сари дадил қадам ташлаш баробарида янгилик учун ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштирди. У шунинг баробарида ўз мухбирларига қуйидагича тавсиялар бериб борарди: “Муштарий ҳаммасига қизиқади, воқеаликка, уни қўллаш мумкин бўлган элементлари бор.

- ✓ Ўзини асраш
- ✓ Севги ва кўпайиш
- ✓ Манманлик, кеккайиш”¹².

Албатта, АҚШ матбуотидаги сариқ матбуот қанчалик кучли бўлса, шунчалик сиёсий газеталар билан беллашар эди. Унинг таъсири остида йирик давлат арбоблари ишдан четлатилади, урушлар авжига чиқади ва ўз

¹² Особенности журналистики США в XIX веке. Учебное пособие. studopedia.org

хуқуқларини инсонлар тушуна бошлайди. Шунинг учун ҳам аудитория АҚШ матбуотидаги ушбу жиҳатларни бир овоздан маъқуллайдилар.

Жаҳон матбуотига кўрсатишдан чарчамайдилар.

“...1950 — 1975 йиллар оралиғида АҚШда кундалик газеталар сони 12155тадан 11400тага қисқарди, журнал ва бошқа турдаги нашрлар эса айнан шу даврда 6960тадан 9657тагача ўсди”¹³.

“Газеталар эрозияси”нинг асосий сабаби сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- Молиявий таъминланмаганлик;
- ўзига хосликнинг йўқлиги;
- маълум йўналишга ихтисослашмаганлик;
- журналистик ёндашувнинг сустлиги;
- корпорацияларнинг кичик газеталарни сиқиб қўйганлиги.

Журналлар кўпайганлиги сабаби эса уларда таҳлилий материаллар жуда кўплаб чоп этила бошланди. Шу сабаб газеталар ўзига хос йўлни танлаши зарур бўлиб қолганди. Хоҳ жанр, хоҳ йўналиш нуқтаи назаридан аудиторияни жалб этиш зарур эди.

Умуман олганда, ҳар бир жанрнинг таракқиёти, пайдо бўлиши сабаблари жанр ихтирочиларининг саъй-ҳаракатлари ва аудитория талаб-истаклари асосида шаклланади.

“Америка журналистикасининг муҳим белгиларидан яна бири 1960-1970 йилларда «янги журналистика», журналистика ва адабиёт орасида пайдо бўлди. Журналистик ифодаловчи бирикмалар бадиий адабиёт билан қоришиб, шундай жозиба берардики, кўпгина америкаликларнинг адолат тушунча ва қадриятлари ортидаги шубҳаларини ёрқин ифодаларди.

Янги журналистлар қотиб қолган ва эскирган АҚШнинг конформистик журналистикасига қарши равишда бадиий тасаввур ёрдамида ўз даврида воқеани аниқ тасвирлашга асос солдилар”¹⁴.

¹³ Михайлов С. Современная зарубежная журналистика: правила и парадоксы. — СПб.: Михайлова В.А, 2002.-С.163.

Ўша даврдаёқ америка матбуоти ҳам ахборот етказиш воситаси, ҳам йирик даромад келтирувчи энг яхши манбага айланганди.

Маълум бир муддат давомида америкаликлар газета харид қилишда сустлашади. Ўз навбатида, бу сустлашув тахририятнинг иқтисодий фаолиятига жиддий таъсир ўтказади. Уларнинг даромадлари ўз-ўзларини таъминлашга етмай қолди ва аста-секинлик билан газеталарнинг харидорлари қисқариши баробарида уларнинг сони ҳам камайди.

“1950–1960 йиллар ичида америка матбуоти жиддий танглик даврини бошидан кечирдилар”¹⁵.

Мутахассислар томонидан, америка матбуотидаги бу давр “Газеталар эрозия”си деб аталиши ҳам иқтисодий тангликнинг таъсирини изоҳлайдики, 10 йил мобайнида уларнинг синиб-тикланишидаёқ жараённинг қай даражада кечганини кўриш мумкин. Газеталар ўзини ўзи таъминлаши қийин кечган бир шароитда бу жараёнга албатта, қўшимча куч келиши керак эди.

Кейинчалик бу иқтисодий синиш мамлакатга чет эл капиталининг кириб келиши ва америка ахборот бозорида монополлашув, ахборотнинг бир нуқтага тўпланиши ҳамда бошқарилишига олиб келди.

Бу эса чет эл капиталининг мамлакатга кириб келишига катта таъсир кўрсатди. Иқтисодий жиҳатдан ниҳоятда чарчаган газеталар чет эллик тадбиркорларнинг қўлига ўтди. Бундай вазиятда америкадаги кичик хусусий газеталар ҳам синишидан кўрқиб фаолиятини тўхтатиш ёки бирлашиш ҳаракатига тушиб қолишди.

“Инглиз-канада компанияси “Томпсон нюспейперс инк.” 1970 йилга келиб 56та америка газеталарини бошқара бошлади, 1980 йилга келиб бу кўрсаткич 119га кўпайди. 1978 йили эса магнат В. Хармсворт “Эсквайр”ни

¹⁴Соколов В.С. Американский «новый журнализм» — концепция социальной мифологии //Демократический журналист. — СПб.: Амфора, 1977. №4-6.

¹⁵ Михайлов С. История становления и развития американской журналистики. (Журналистика США в 1945-1995 годы). www.evartist.narod.ru

сотиб олди, немис компанияси “Грунер унд Яр” эса “Пэрентс”(“Ота-оналар”) журналининг кўлига ўтди”¹⁶.

Ўша даврда америка аҳолисининг барчасини англиз тилини тўлиқ тушунади, деб бўлмасди. Уларнинг ичида француз, немис ва португал, ирланд, норвег сингари халқ вакиллари борлиги мамлакатда айнан шу тилда газеталар чоп этиш заруратини туғдирарди. Швед, шотланд каби кичик элатлар кириб келишининг кучайиши эса бир газетанинг бир неча тилда чиқарилишига биринчи сабаб эди. Шунинг баробарида газета турлари ҳам ортди. Баъзида газеталарнинг саҳифаси ҳам жиддий кўтарилди.

“1963 йили 7 апрелда “Нью-Йорк таймс” газетаси ҳажми 702 саҳифадан иборат бўлиб чиқди ва унинг оғирлиги 3 килограммни ташкил этди...”¹⁷.

Умуман олганда, аҳолининг даврий нашрларга бўлган талаби йилдан-йилга ошиб борарди. Нафақат бу даврда АҚШ аҳолисининг сони кўпайди, балки уларнинг босма нашрларга бўлган талаби ҳам анча ортди.

Аҳолининг аксарият қисми саводли бўлганидан, жамиятда кечаётган жараёнларга беэътибор эмасди ва кундалик янгиликларга “ўч”лигидан яқшанбалик газеталарни сотиб оларди.

“...1961 йилда 82% америкаликлар оиласи кунда битта газета харид қилар ва ўқирди (1920 йилда 78% бўлган)”¹⁸.

Назар ташласангиз, рақамларда ўсиш кузатилгандек. Бироқ ўтган 40 йил мобайнида бор-йўғи 4 фоизга кўтарилиш бор. Статистика АҚШ матбуотининг ўша давр учун хос бўлган инқирозини ҳам исботлайди. Албатта, бу чигал вазиятда оммавий ахборот воситаларининг энг катта вазифаси аҳолининг ахборотга бўлган талабини қондириш эди. Бунинг бирдан-бир тўғри йўли эса газеталарда кишиларда янгича қараш уйғотувчи мақола ва материалларни чоп этиш эди. Бир хилликдан задаланган омма шубҳасиз, янгича фикрларни кутиб турар, эътибортортар материалларни ўқишга интиларди.

¹⁶ Ўша манба.

¹⁷ Ўша манба.

¹⁸ Ўша манба.

Хулоса.

Умуман олганда, доимо америка матбуотида мурожаат қилишимизга сабаб ривожланишнинг барча йўллари босиб ўтганида кўриш мумкин. Шунингдек, доимо ривожланаётган тизим ривожланиш йўлини босиб ўтган тизимдан ўргани бор ҳақиқат. АҚШ журналистикасининг муҳим тамойилларидан бири унинг барча тўсиқларни енгиб ўтганида, деб ҳисоблаш мумкин. Узоқ тарихий жараён АҚШ матбуотида жуда кўп синаган ва бу унинг ривожланишига туртки берган.

“У ерда (АҚШда) тажрибали ҳамда холис журналистларнинг муҳим ишлари ўқув дастурларига киритила бошланди. Бу ишлар ҳам амалиёт, ҳам назарияни тенг миқдорда ўз ичига қамраб олади.

Колумбия университети тақдим этган яхши мисоллардан бири шуки, журналистдан профессорга айланган тарих фани ўқитувчиси Анди Тучер фикрига кўра, журналистика тарихида нима ва нега ўзгарганлигини билсак, демак, биз келажакда нималарни ўзгартириш кераклигини ҳисобга олишимиз мумкин бўлади”¹⁹.

Юқоридаги фикрдан билиш мумкинки, шу тобда юқори тажрибага эга давлатлар журналистикасини бугун биз амалиётга тадбиқ этсак, кутилган натижани бериши мумкин.

¹⁹ Martin Conboy. Journalism studies. Printed in USA, 2013. - P. 39.

1.2-§. АҚШда янги журналистика: ривожланиш омиллари ва тараққиёти

Бирор янгиликка жамият ўрганиб олгунча анча вақт кетади. Шу маънода журналистикадаги янгиликлар ҳам дарров ўзлаштирилмади. Бирок аудиториянинг талаб-истакларини қондириши унинг дастлабки қадамлари ижобий бўлганини кўрсатарди.

Янги журналистика замонавий адабиёт ва публицистика уйғунлашувида яратилган, ёзувчи-журналистларнинг изланишлари маҳсули эканини келтириб ўтдик. Умуман олганда, юқорида таъкидланганидек, бу усул тарихи ўз-ўзидан пайдо бўлмаган, бу жараён қарийб 60-70 йиллик даврни ўз ичига камраб олади. Бундан ташқари, метод янгича услуб юзага келгунча ўтган давр ҳам бевосита унинг тараққиётига сабаб бўлиши турган гап. Эътибор қаратсак, кейинчалик бир гуруҳ таниқли журналистлар шу иш билан шуғулланиши албатта, янги журналистиканинг ўрни ахборот тарқатишда муҳим эканидан далолат беради. Бу ўз навбатида, соҳа тараққиётига ҳам хизмат қилади.

Баъзан янги методларни фанга олиб кириш соҳа тараққиётида муҳим ўрин тутди. Янгиланишлар узлуксиз давом этиши натижасида сайқалланиб, мукаммалашади. Буни бир киши ёки бир неча гуруҳ фаолиятида кўриш ва кузатиш мумкин.

Америка матбуотида 1960-йиллардан кейин пайдо бўлган “Янги журналистика” истилоҳи, шубҳасиз, муҳим босқич сифатида журналистика соҳасини бегади. Хўш, нега айнан АҚШда, Европа ёки бошқа жойда эмас? Нима учун XX асрнинг иккинчи ярмидан сўнг?, — деган саволлар туғилиши табиий.

“Янги журналистика, бу проза устига кийдирилган “зут” костюми!”, дея таъриф беради, “New York Times” тақризчиси бўлган Жон Леонард. Ренат Адлер эса уни: “Кичик қаҳрамонлар ҳақидаги нозик ёзишмалар”, деб атайди.

Маълумки, 1930 — 1940-йиллар атрофида АҚШда “зут” кийими — узун пиджак, кенг, шалворсифат шим ва каллага бостириб кийиб юрадиган шляпалар роса оммалашган. Бундан асосан, латинамерикалик ёшлар ва қоратанли аҳолининг ўсмирлари фойдаланиб, кўчаларда кийиб юришган ҳамда барчанинг эътиборини ўзларига қаратишган.

Айнан шу даврда АҚШ матбуоти чинакам маънода юқорига силжиди. Айнан шу даврда матбуотда “янги журналистика” атамаси кенг ишлатила бошланди. Матбуот аудиторияни газеталарда чоп этиладиган бетакроп nonfictionларга жалб этди.

Албатта, янги журналистиканинг матбуотга кириб келиши мамлакат аҳолисининг ахборотга бўлган талабини янада оширди ва матбуотнинг аввалги “обру”си бир қадар тикланди. Бу янгиланиш ва ўзгаришлар тезда ўз самарасини кўрсатди. Орадан маълум вақт ўтиб, газета теражлари кескин ошди.

“1970 йили Америкада 1748та кундалик газеталар нашр қилинар, уларнинг умумий теражи 62 млн.ни ташкил этар, ер шаригаги тўртта йирик газета ўша ерда бўлиб, дунёнинг 1/17 қисми Америкада яшарди”²⁰.

Бу кўрсаткич билан Америка Қўшма Штатлари матбуоти ҳозирги пайтда ҳам журналистикаси аста-секинлик билан ривожланаётган кўпчилик мамлакатларни ортда қолдиради. Ўша давр учун бу қадар тараққиёт ҳам чин маънодаги ҳозирги АҚШ журналистикасининг ривожланишини белгилаб бергани бор ҳақиқат.

Аҳоли таркиби хилма-хиллигига қарамай, америкаликларнинг аксарият қисми кундалик воқеалар ва янгиликларга қизиқар, олдингига нисбатан газеталарнинг сотилиши ҳам янада тезлашганди.

“Кундалик газеталарни 100 нафар америкаликдан 31 нафари сотиб оларди, бу кўрсаткич бўйича Америка Қўшма Штатлари дунёда еттинчи

²⁰ Ўша манба.

ўринни эгалларди, Буюк Британия, Швеция, Люксембург, Япония, Швейцария ва Германия Демократик Республикасидан кейин”²¹.

Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики, АҚШ нашрлари ривожланиши баробарида жамоатчилик қизиқишларини ҳам жадаллик билан шакллантира борган. Гарчи дунё миқёсидаги ўрни анча паст кўрсатгичда бўлса-да, бора-бора бу жараён ҳам тезлашган.

XX асрнинг 70-йилларида Америка журналистикаси авангард даражада ўсди. Бир қанча муаллифларнинг эссе, мақола ва журналистик ижод намуналари кенг оммани хайратлантирди.

“Матбуотда жамиятга ёқимли маълумотларни бериш бўйича кураш бўлди, бу услуб бутун матбуотни қамраб олди ва шу орқали таҳририят ишлари йўлга солинди, матбуот ўзгарди. Ёш, янги иш бошлаган репортёрлар анъанавий журналистларга қараганда кучли фикр, ҳаракат бошладилар”²².

The New Yorker, New York Magazine, The Atlantic Monthly, Rolling Stone, Esquire, CoEvolution Quarterly сингари нашрларда замонавий аудитория ва замонавий талабларга мос бир-биридан қизиқарли мақолалар чоп этила борди.

Бу материаллар шуниси билан аҳамиятли эдики, унда замонавийлик ва янгича ёндашув акс этарди. Воқеалар худди бадий асардагидек келтирилар, қаҳрамон ва образлар айнан жамиятдаги кишилар эди.

“Газеталар, бошқа анъанавий нашрлардан фарқли равишда ўз саъй-ҳаракатларини аудиторияни йўналтиришга қаратди”²³.

Ижодий омил асосан журналистнинг индивидуаллиги билан боғлиқ жараёндир. Янги журналистикани проза ва публицистика ўртасида пайдо бўлган йўналиш — жанр сифатида қараш мумкин. Буни гибридлик, деб атасак тўғри. Унда насрга хос унсурлар учраши ҳам бунинг исботидир.

²¹ Ўша манба.

²² Chiasson Lloyd. Three centuries of American Media. — Englewood Colorado.: Morton Publishing Company, 1999. 256-page.

²³ Brooks S.Brian. Kennedy George. The Missouri group: News reporting and writing. — New York.: St. Press, 1996. 9-page.

Янги журналистика кашфиётчилари адабиётдаги реализм методини инкор этадилар, чунки ҳар бир ёзиладиган асар реал бўлиши керак, деган фикрни илгари суради. “Ҳужжатли романлар” деб аталган жанрларнинг туғилишида ҳам айнан шу жиҳат муҳим ўрин тутган, дейиш мумкин.

Албатта, ҳар бир ишнинг бошланиши бевосита унинг амалиёти билан боғланади. Трумен Капоте ва Норман Мейлер, Хантер С. Томпсон дастлабки мақолаларида анъанавийликдан қочиш ва янги услубларни қўллаш, воқеликда қуруқ маълумотни етказиш эмас, ўзига хос тарзда кўрсатиш муддаоси ётарди. Ҳатто тезкор маълумотлар тўплаб, дарров шунга доир каттароқ ҳажмдаги прозаик асар битиш ҳолатлари кузатилган.

Албатта, кенг жамоатчилик, газетхонлар nonfictionни қизиқиш билан қаршилади.

Бозор ва расталар, чорраҳалар, гавжум жойларда югурдак болалар, газета тарқатувчилар “Nonfiction!”, деб қайта-қайта қичқиради, газетхонлар бир-бири билан фикр алмашаркан, улар шу тўғрида баҳслашар, маълумотларни сўзлаб, ўзаро тортишардилар. Nonfictionнинг аудитория томонидан илиқ кутиб олиниши бежиз эмасди. Чунки nonfiction пайдо бўлмасидан олдинроқ чиққан ва ўша пайтда ҳам чоп этилаётган материалларда қуйидаги камчиликлар кўзга ташланарди:

- a) воқеликка бирёқлама ёндашув;
- b) услубнинг эскирганлиги ва жўнлиги;
- c) маълумот ва фактларни келтиришда холисликнинг йўқлиги;
- d) фактлардан палапартиш фойдаланилиши;

Бундан ташқари, журналистларга нисбатан жамоатчилик томонидан танқидий фикрларнинг кўпайиб, ахборот узатишдаги маълумотларнинг кечикиши ва журналистлар орасида асардуздлиқ ҳолларининг кучайганлиги nonfictionнинг тезда ёйилишига сабаб бўлди.

Асосий мақсад — ҳужжатли ёзишмаларга арзирли инсонлар ҳаётини кузатиш, жадал суратларда ипидан-игнасиғача ўрганиш, аудиторияни чуқур

мулоҳазага ундайдиган интервьюлар олиш, репортажлар тайёрлаш, мазкур материалларда наср усулларида кенг фойдаланиш, драматик сахнанинг борини борида аудиторияга кўрсатишдир.

Айтилганидек, ҳар бир янги жанр туғилишида жамиятнинг алоҳида ўрни бор. Йиллар ўтавергани сайин янги кашфиётларга одамлар эҳтиёж сезади ва бу янги йўналишлар пайдо бўлишининг бош омилидир.

Маълум бир даврда жанр деб аталган материаллар эса кейинчалик бошқалари билан бирикиб кетиши ва маълум бир жанрнинг элементи сифатида эътироф этилиши ҳам бор ҳақиқат. Уни талаб ва эҳтиёжлар баробарида, юксак истеъдодлар яратади ва уларнинг изланишлари анъанавий “қолип”дан чиқиб кетади. Бу бевосита ижодий муҳит, тадрижий таракқиётининг илдизлари ва ундан олдинги фаолиятнинг қай даражада мукамаллигига бориб тақалади. Ижодкор аудиториянинг талаб ва ички хоҳишларини билиши, ҳис қилиши зарур. Бу эса журналистнинг чоп этилаётган материали ўқувчилар томонидан қай даражада ўқиётгани билан изоҳланади. Табиийки, ёзилган ҳар бир асарнинг ўз аудиторияси ва таъсир объекти бор. У кичик ё каттами, маълум ўқувчиларни қамраб олади. Бироқ, асарнинг “даража”си юқори бўлиши, аудиториясининг кенглиги кўп жиҳатдан муаллифнинг аудиторияни пухта ўрганганлиги билан изоҳланади.

Ўтган давр мобайнида АҚШ адабиёти айнан прозада даҳоларнинг мисли кўрилмаган усул, услубларни яратиши ва ҳар бир жанрда шедевр асарлар ёзиши уларни дунёга танитиши баробарида журналистика соҳасида ҳам ўзига хос инқилоб ясади. Янги ном ва даҳоларнинг кашф этилиши, бири-бирига ўхшамаган услубларнинг қўлланилиши бутун дунё нигоҳини улар томонга бурди.

Томас Вулф, Эрнест Хемингуэй, Уильям Фолкнер, Жон Стейнбек, Жеймс Фаррела, Жеймс Ф. Купер, Ф. Скотт-Фитцжералд, Жон О‘хара, Жон Дос Пассос, Жером Вейдман, Теодор Драйзер ва Уильям Сароян сингари йирик сўз санъаткорларининг етишиб чиқиши журналистлар учун уларнинг методларини ўрганиш ва ўзлаштириш, ўрганган тажрибаларини амалиётда

кўллаш жараёнига ижобий таъсир ўтказди. Бундан ташқари, ўтган асрнинг 50 — 60-йилларида, Лотин Америкасидаги адабий муҳит, янги услубларнинг адабий жараёнларга ижобий таъсири, сеҳрли реализм асосчиси — Габриэл Гарсия Маркеснинг инсон руҳияти ва тақдирини ёритишдаги миф ва асотир усулларида фойдаланишию Аргентина прозасининг доҳийлари Хулио Кортасар ва Хорхе Луис Борхеснинг онг оқими, онгости оқимини ўз асарларида янгича кўринишда аудиторияга йўналтиришлари янги журналистиканинг пайдо бўлиши ҳамда ривожланишига туртки берган муҳим омиллардан десак, хато бўлмайди.

Кейинги даврда яратилган Кен Кизи “Какку уяси узра парвоз” ва Трумен Капоте “Қон қайнаганда”, Сол Беллоунинг “Гумболтдан совға”, Хантер Стоктон Томпсоннинг “Фаришталар қўшиғи” сингари туркум асарлари проза-репортаж ва роман-суриштирув жанрининг ўсишида муҳим аҳамиятга молик воқеа сифатида кўриш мумкин.

Бу асарларнинг ёзилиши бевосита олдиндан ўйланмаган ва воқеани эшитгач, ёки кўргач сўраб-суриштириш орқали туғилган, десак янглишмаймиз. Адиблар ҳам буни инкор этмайди. Асарнинг туғилиши тўсатдан юзага келганлигини таъкидлаш керак. Фақат ёзувчининг юксак маҳорати буни худди аввалдан ўйлаб ёзилгандек бетакрор ижод намунасига айлантирган ва “кўча асарлари”дан анча баланд туриши ҳам айнан иқтидор, прозаик сифатида муаллифнинг катта билим ҳамда кўникмага эга эканлигини исботлайди.

Шу ўринда баъзи бир асарларнинг маълум бир жамоа, уйдирма ҳамда шахвоний ҳирсга ўч аудиториянинг шахсий қизиқишларини инобатга олган ҳолда ёзилганлигини айтиб ўтиш керак. Ўша асарларнинг ҳам тезда ўқилмай ташлаб юборилишининг бош омили ғоянинг суствлиги баробарида, барча учун мўлжалланмаганлиги, шахсий қизиқиш, моддий манфаатни адабиётдан устун қўйишга уриниш ҳамда тезда шуҳрат қозонишга қаратилган ҳаракат сифатида баҳолаш мумкин. Негаки, фақат бестселлерлик учун ёзилган асарларнинг аксари шахвоний ҳисни кўзғаш, шунинг ортидан катта даромад

олишга қаратилгандир. Мана шундай асарлар сирасига янги журналистика тараққиётига катта ҳисса қўшган журналист, адиб Терри Саузерннинг “Асал киз” романини киритиш мумкин. Бу роман нашр этилиши билан катта жамоатчиликни камраб олди ва улар асарнинг қўлдан қўймай ўқий бошлашди. Лекин мана шундай ноёб истеъдод эгасининг даромад ва оммани маънавий инқирозга йўналтирувчи асарлар ёзиши ачинарли ҳол. Бу сингари ҳолатлар Америка журналистикасининг энг катта қусури ҳисобланади.

Янги журналистикани баъзи тадқиқотчилар футуризм деб аташмоқда. Негаки, келажакда журналистика айнан шунинг илдизида шаклланади, деган олимлар тахмини ҳам мавжуд.

“Футуризм. XX аср бошларида юзага келган адабий оқим. Футуристлар санъатдаги реализмни ва маданий меросни инкор этиб, ўтмиш санъати ва адабиётидаги анъана ўрнига янги анъана ва қонуниятларни яратмоқчи бўлдилар”²⁴.

Янги журналистика бу янги давр журналистикасининг кўриниши деган фикр туғилди, олимларда. Янги даврга хос бўлган ижод ўлчамлари билан ҳисоблашишга киришди, улар. Лекин америка матбуоти қанчалик ривожланган ва эркин бўлмасин, журналистларга нисбатан шундай муносабат мавжуд. Айниқса, “Америка қонунларига кўра ОАВнинг энг муҳим функцияси бирор маълумотни етказиш”²⁵, деган фараз ҳам баъзан янгича услубларнинг ёйилмасдан қолиб кетишига таъсир кўрсатади.

Аммо журналистика фақат маълумот ёки янгилик етказиш билан чекланса, унинг жамиятдаги ўрни бир қадар пасаяди, бундан ташқари журналистнинг воқеадаги иштироки унинг ёзиш жараёнидаги ҳолатига бевосита таъсир қилади.

Журналистиканинг ҳозирги пайтдаги ўрнини бошқачароқ ўзгартиришга омиллар етарлидир.

²⁴ Хатамова Д. А. Адабиётшунослик терминларининг қисқача изоҳли луғати. www.Ziyouz.com

²⁵ Панюшева М. М. Благосфера: традиционные сми vs нетрадиционные. Вестник. — М.: Университет, 2010. № 4. 108-стр.

“Журналист ахборотни қайта ишлайди, изоҳлайди ва танқид қилади”²⁶.

Журналистикада пайдо бўлган ҳар қандай жанр ёки усул оммалашиши учун таъсир қиладиган куч ва восита керак. Ҳамма бир методнинг ортидан эргашади, деб ўйлаш ноўрин. Негаки, биринчидан, усулни жамоатчилик тушуниши учун маълум бир муддат вақт ўтади. Иккинчидан, ижодкорлар ҳаммаси маълум муддатдан сўнггина услубни ўзлаштириб, кейинчалик ёзишга киришади. Улар аудитория ичида юришади ва бунга муносабатни тезда аниқлашади, шундан сўнг таҳририят учун ижобий ва фойдалилигини билгач “куч”ларини янгилик сари йўналтиришади.

“Дунё ўзгарди, бу жанрлар системасидаги кўринишларда ҳам ўз аксини топди. Яна ҳам аниқлаштирилса, инсоннинг дунёга назари ўзгарди”²⁷.

Жанрлар ҳар доим ижодкорлар томонидан ёзилса-да, инсониятнинг табиий эҳтиёжлари асосида қолипланади. Жанрлар ҳам эскириб, янги жамиятга мослаштирилади. Янги услуб барча ҳудудда қизгин кутиб олинади. Янги журналистика пайдо бўлгач, аксарият романнавис журналистлар куч ва ғайратларини шуни ривожлантиришга йўналтирди. Ўша пайтларда америка адабиёти чин маънода, “олтин аср”ни бошидан ўтказганди. АҚШ матбуоти ва адабиётида янги қирралар очилаётган, ижодий изланишлар юқори нуқталарга кўтарилаётганди.

Ижодкорлар ўзларининг асарлари жонли чиқиши учун маълум бир муддат танланган объектда яшар, маълум бир касб ёки ҳунарнинг пухта эгаси бўлиб, кейин ҳаёлида пишитган асарни шахт билан ёзишга киришарди. Соҳанинг сир-асрорини пухта билгани боис асарлари юксак эътирофга лойиқ кўриларди.

Масалан, Жон Стейнбек қурилиш корхонасида турли хил юмушларни бажарган, Жеймс Кейн экспедитор, Ричард Райт меҳмонхона хизматчиси, Уильям Сароян эса телеграф хизматчиси, дунёга машҳур Якнапотафа графлиги “хўжайин”и Уильям Фолкнер эса Нью-Йоркдаги грек ресторанида

²⁶ Лукина М. М., Фомичева И. Д. СМИ в распронстве Интернета. www.evartist.narod.ru

²⁷ Шибаева Л. Жанры в теории и практике журналистики. www.evartist.narod.ru

идиш-тавоқ ювувчи, чопар, юк машинаси ҳайдовчиси, қоровули сингари касб-ҳунарнинг устаси бўлишган.

Янги журналистларга ҳам уларнинг бу хусусияти кўчиб ўтди. Улар ҳам воқеаларни ёритишда ёзувчиларнинг усулларига таяна бошладилар. Бунини Хантер Стоктон Томпсон, Норман Мейлер сингари адиблар фаолиятида кўриш мумкин.

“Сенсация овчилари” ҳам воқеа содир бўлган ҳудудда бир неча муддат яшаб, ҳодисанинг илдизини ўрганишади, иштирок этиш давомида ўша муҳит таъсирини англашади.

Биринчи nonfiction сифатида мутахассислар Уильям Хазлитт (1778 — 1830)нинг “Уриш” номли эссесини эътироф этишади. Мазкур асар бундан қарийб, 150 йил илгари ёзилган бўлиб, 1882 йилда чоп этилганди. Мақолада ўта ғазабли боксчи Билл Нит ва газ йиғувчи кишининг жанги ёритилганди. Газ пулини ундириш учун келган одамга ташланиб қолган Билл Нитнинг ҳам рақибни анойи эмаслиги очиқ кўрсатилган. Тасвирдан тортиб, зарбларгача аниқ баён этилганди.

Баъзи манбаларда қуйидагича маълумотлар учрайди, бу албатта, янги журналистикани тадқиқ этишда катта ёрдам беради:

“Журналистиканинг энг машҳур ва нуфузли таҳлилларга асосланган XIX аср 1887 йилларда шундай бир журнал кириб келди. Бу кўп жиҳатдан АҚШ штатларида журналистика учун яхши ривожланган савдо муҳитида бир қатор ўзлаштириш лозим бўлган жиҳатлар бор эди.

Маданий танқидчи М. Арнолд ушбу ҳолатни янги журналистика деб атади. Аммо бу иш хато эди. Бундай камситилишга қарамасдан журналистика истеъмол қилиш хоҳишини ўз ичига оладиган оммавий ахборот бозори учун муҳим аҳамият касб этишини исботлади. Шунинг натижасида машҳур журналистика хусусиятлари газета бўйлаб тарқатилган. Ва умумий маданиятдаги уларнинг таъсири давомий қайта тикланган”²⁸.

²⁸ Conboy M. Journalism studies. The basics. — By Printed in USA, 2013. p.9.

Таъкидланганидек, жанрлар аудитория ва жамиятнинг истакларига мослашди. Аммо, таркибини ўзгартирмайди. Унда асосий унсур сифатида предмет, функция ва метод ётади.

“Предмет, функция, метод – мана шу уч устун, бузилмас девордек жанрни тутиб туради”²⁹.

Том Вулф биринчи янги журналистикага оид материал сифатида 1962 йилнинг кузида бошқа мақолаларга ўхшамаган тарзда берилган мақолани кўради: “Тонг қироли — Жо Луис”.

Унда боксчи Жо Луиснинг шахсий ҳаёти, аёллар билан муносабати ва ўтказган жанги ёритилганди. Унинг жангдаги ҳолатини иккинчи хотини Роза Морган кузатаркан, жанг тугаганлигини эшитиб: “Жо Луис ғирром ютди”, — деб кичкириб юборади. Ҳатто аёл эрига эмас, уришаётган эрининг рақиби Билл Коннга мухлислик қилади.

Том Вулф бунинг журналист этикасига тўғри келмаслиги ва уни ўқиган газетхоннинг айниқса, болаларнинг кўнглиги нималар келишини ўйлаб, муаллифни танқид қилади.

Кейинчалик бу ҳақда Гэй Талес ҳам ёзади. Бироз вақт ўтиб Жимми Бреслин “Нью Йорк Метс” бейсбол командаси ҳақида “Яна кимдир шундай ўйнаши мумкинми?” номли мақола ёзади. Бреслин икки йил мобайнида журналистика билан шуғулланса-да, бироқ ўзини адабиётшунос сифатида кўрарди. Унинг репортёрлик фаолияти давомида тўплаган тажрибаси адабиёт билан шуғулланишида ва детал топишида қўл келган, десак адашмаймиз.

1965 йили эса, Сеймор Крим биринчи маротаба “янги журналистика” терминини тилга олади.

Том Вулф журналистикага биринчи қадамини 1963 йили ташлади. У ўша йили “Электросовутгичли кислотали тест” материални тайёрлаб бўлади. Кейинчалик “Гералд Требюн” ва “Нью-Йорк” газетасининг яқшанбалик сонисида унинг мақоласи чоп этилади.

²⁹ Шибаева Л. Жанры в теории и практике журналистики. www.evartist.narod.ru

“АҚШда кундалик газеталар саноати давлат сиёсатига таъсир кўрсатарди. Бунда, кам ва муқобил овоз борлиги кўринади. Бу даврда 1920 йиллари АҚШда 500 йирик шаҳарда икки ва ундан ортиқ рақобатга киришадиган газеталар(у ерда 100дан ортиқ бор эди) чоп этиларди, 1980 йили фақатгина 30 та шаҳарда рақобатчи газеталар чиқариларди. Ва газеталар йўқолиши(синиши) давом этарди”³⁰.

Эътибор берсак, иқтисодий имконият бевосита ижодий имкониятга, ёки аксинча, ижодий имконият иқтисодий тараққиётга таъсир кўрсатишини билиш мумкин.

Айнан шу даврда янги журналистика ижодкорларининг номлари баралла кўрина бошлайди. Булар орасида Том Вулф, Хантер Стоктон Томпсон, Николас Томалин, Норман Мейлер, Трумен Капоте сингари янги журналистлар матбуотда янги шов-шув кўтариб, nonfictionни матбуотга олиб кира бошладилар. Уларнинг асарлари реал ҳаётини воқелик асосига қурилган, шунинг учун тезда аудиториясини топарди.

Хулоса. Янги журналистика пайдо бўларкан, янги журналистика кашфиётчиларининг ичида ҳам буни жамият қабул қилиши борасида иккиланишлар туғила бошлади. Жамиятдаги барча кишиларни бир хил дунёқараш ва савияда деб бўлмас эди. Шунинг баробарида буни таҳририятлар ичида оммалаштириш борасида анча уринишлар кўрина бошлади. Усулларини ўзлаштирди ва кетма-кет шу турдаги материаллар чоп этила бошланди.

Газета бош муҳаррирлари орасида бу турдаги материалларни чоп этиш юзасидан ҳатто мусобақа бошланди, дейиш мумкин. Натижада янги журналистика бутун АҚШ матбуотини кучайтиришга хизмат қилди. Берилаётган бирёқлама материаллар ўрнини янги йўналишдаги мақолалар, очерклар бойитиб борди. Шов-шувга, миш-миш ва машмашага ўчлик бора-бора аудиториянинг эсидан чиқди. Шу маънода айтиш мумкинки, янги

³⁰ Ranly D. Principles of American jurnalizm. — University Of Missuri.: Hunt publishing company, 1995-1997y. p161.

журналистика пайдо бўлиши нафақат журналистика ва балки жамият учун ҳам ўзига хос йўлни белгилаб берди.

1.3-§. “The nature of news” аудитория талаби. “Мих материал” реализмининг муҳим унсури сифатида

АҚШ журналистикасининг дунё миқёсидаги ахборот етказиш ва олиш, тарқатиш борасидаги муҳим функцияси сабаб янги журналистика жаҳонга тарқала бошлади. Албатта, бунда ҳам энг катта вазифани газеталар бажарди.

Эътибор қаратсак, Трумен Капоте асарлари дунёнинг бир канча тилларига таржима қилинди. “Совуққонларча қотиллик” асари унга оламшумул шуҳрат келтирди ва шунинг баробарида, жаҳон миқёсида янги журналистика ёйилишига туртки берди. Ундан ўрнак олган журналистлар фактлар ва маълумотлар қоришган, шунинг баробарида ахборот беришда барча прозаик услуб ва усулларни ўзида бирлаштирган янги журналистикани аста-секинлик билан газеталарга олиб кира бошлади.

Ҳантер Стоктон Томпсоннинг “Фаришталар нағмаси”, Норман Мейлернинг “Армия тунлари”, Том Вулфнинг “Электрсовутгичли кислотали тест” сингари асарлари кетма-кет нашр этилиши натижасида Френк Маккуртнинг “Фаришталар кули”, Женифер Финнер Бойданнинг “Аёл ерда эмас: икки жинсда ҳаёт”, Алиса Ганиеванинг “Салом сенга, Далгат” сингари асарлари ёзилди.

Шу ўринда Женифер Финнер Бойданнинг “Аёл ерда эмас: икки жинсда ҳаёт” номли асари миллий менталитетимизга зид эканини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур. Уни аудиторияга тавсия этиб бўлмайди.

Дунё тажрибасида ҳам янги журналистикага оид материаллар бериш анъанаси бор, десак асло хато бўлмайди.

Бугунги кунда ҳам янги журналистикага хос хусусиятлар дунёдаги ҳар бир матбуотда учрайди. Уларнинг издошлари сифатида Александр Кабаков, Дмитрий Быковни эътироф этиш мумкин.

Баъзи тадқиқотчилар шуни ҳам эътироф этишадики, эссе жанрларидаги воқеаликка хос жиҳатлар ва унинг ортидаги муаммолар акс этиши ҳам янги журналистиканинг муҳим унсурларидан саналади.

Янги журналистикани дунё миқёсида кенг тарқалган дейишимизга бир қатор асосларимиз бор. Чунки журналист ҳам ижод киши. У ўқийди, ўрганади, ўз асарларида ўрганганларини қўллагиси келади. Объектлар эса жуда кўп, фақат уни қоғозга туширишда журналист маҳорати керак, холос.

- Дунёда рўй бераётган қонли можаролар;
- Сиёсий урушлар;
- Эмиграция сабаб келиб чиқаётган турли низолар;
- Оғир турмуш шароитида яшаётган инсонлар ҳаётини тасвирлаш, ҳикоя қилиб бериш ҳам янги журналистикага хосдир.

Бугун дунё миқёсида севиб ўқиладиган асли келиб чиқиши афғонистонлик, ҳозирда АҚШда яшаётган адиб Ҳолид Ҳусайни романларини у Афғонистондаги сиёсий барқарорликни аёлларнинг эрксизлиги, таълим олмаслиги ва саводсизлиги ортидан келиб чиқаётган муаммоларга тақайди. Ниҳоятда авж олаётган террористик гуруҳлар томонидан уларнинг хўрланиши сабабига жавоб излашга уринади. “Минг қуёш жилваси” асарида тасвирланган воқеаларни ҳаётий дейишга асосларимиз етарли, ундаги қаҳрамонлар бугун Афғонистонда яшайпти, бошидан шундай мураккаб кунларни ўтказаётгани ҳеч биримизга сир эмас.

- ❖ Объектнинг аниқлиги;
- ❖ воқеаликнинг борлиги;
- ❖ образнинг реаллиги;
- ❖ бутун дунёнинг эътибори қаратилгани;
- ❖ ахборот олиш имконининг мавжудлиги бу борада

янги журналистикага хос кўплаб материаллар тайёрлаш имконини беради. Албатта, бугунги кундаги жаҳонда рўй бераётган сиёсий вазият жуда катта аудиторияни қизиқтиради ва буни бир неча дақиқа давомида бутун дунёга тарқатиш имкони ҳам мавжуд.

Ливия ва Мисрда 2011 йили содир этилган воқеалар қонли тўқнашувлар, рангли инқилоблар натижасида минг-минглаб одамлар қурбон бўлди. Журналистлар ўз позицияларини эмас, халқ манфаатларини эмас, балки бирор гуруҳ ва империалистик давлат манфаатларини ҳимоя қилиш ортидан халқаро оммавий ахборот воситалари ортидан чигал вазият келиб чиқди. Шубҳасиз, бу жараёнда ҳам журналистнинг ижтимоий масъуллиги сусайди. Аниқ воқеани тасвирлаш эса ҳар бир журналистнинг принципиал мутахассис эканлигини таъминлаши, шубҳасиз. Ваҳоланки, шу жараёнларда ҳам янги журналистика элементларидан фойдаланилган ҳолатлар ҳам кузатилди. Яъни, Ал-Жазира томонидан берилган информацияни Итар ТАСС мухбирлари таҳлил этиб, воқеаликни кўрсатишди ва ушбу видеоролик монтаж қилинганини исботлашга уринишди. Газеталарда ҳам чоп этишди. Шундан ҳам кўриш мумкинки, янги журналистика бугунги матбуотнинг ижтимоий масъуллигини яна бир бор кўрсатиб келмоқда.

Шундан сўнг матбуотда ва китоб бозорида бу жанрга нисбатан эътибор кучайди. Фақат анъанавий ёзиш услубларидан зериккан аудитория янги услубдаги материалларни катта тиражда ўқий бошлади. Эндиликда нафақат АҚШда балки бутун дунёда мазкур жанр тараққиёти авж ола бошлади. Ҳаттоки миллионлаб нусхада чоп этилган асарлар ҳам тезда аудиториясини топди.

“Роман нонфикшн катта машҳурлик билан китоб савдосида жанг олиб олиб бора бошлади. Танқидчи ва журналистлар шу ҳақда ёзиша бошладик, анъанавий романлар билан жиддий рақобатга киришди, адабиётда қизиқиш сабабларини таҳлил этди”³¹.

Яна бир муҳим жиҳатга аҳамият берсак, ушбу жанр жаҳон миқёсида ўқиладиганининг сабаби ҳам аввало, интернет тизимининг бугунги кунда ниҳоятда оммалашгани десак, хато бўлмаса керак. Масалан, АҚШда махсус форматда интернет нашри орқали оммавий ўқиладиган сайт «The Daily Beast» худди шу турдаги ахборот ва китоб савдосига оид маълумотларни

³¹ Бозрикова С. А. Роман нон-фикшн как жанр журналистики. — СГУ.: г. Балашов. 25 н.

беради. Унинг кунлик аудиторияси 3 миллион кишини ташкил этиши сабаби ҳам шу мақсадга қаратилган, десак янглишмаймиз. Ушбу сайт директори Тин Браун бироз илгари “The New Yorker» и «Vanity Fair» газеталарининг муҳаррири бўлган ва бугун nonfictionнинг ахборот аудиторияси учун жуда кераклигини тушунганини юқоридаги ўқувчилар сони ҳам исботлаб турибди.

Шу манода ёзувчиларнинг ҳужжатли ва журналистларнинг nonfictionлари учун дунё микёсида алоҳида мукофотлар жорий этилган. Булар орасида Пулитцер мукофотини, Самуэл Жонсон мукофотини, АҚШда Миллий китоб мукофотини, “Катта китоб” сингари мукофотларни келтириб ўтиш керак.

Бу турдаги асарлар бутун катта аудитория учун хизмат қилиши баробарида омманинг талаб ва истакларини инобатга олгани учун ҳам тезда оммалашди.

“Журналистика жанрлари тизимида роман nonfiction жойини аниқлашга ҳаракат қиламиз. Бунда журналистика жанри остида бирлашган, ичига қамраб олинган-мазмунли мустаҳкам мақола тури тушунилади”³².

Юқоридаги фикрдан шуни биламизки, nonfiction назариётчилар томонидан дунёнинг турли бурчакларига тарқалди. У журналистикада янги журналистика феномени сифатида танилди.

“Публицистика — бу муаллиф шахсияти орқали келган факт”³³.

Шу хусусиятдан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, муаллиф бевосита қаҳрамонни ёзиши орқали ўз руҳий кечинмаларини ҳам ифода этиб қўяди. Ҳар бир публицистик материал эса реал бўлиши керак.

Албатта, америка журналистикаси узоқ тарихий ривожланиш жараёнини босиб ўтганини инобатга олсак, бунда, энг аввало, аудитория талабларини ҳис этиш биринчи ўринда туришини таъкидлаш ўринлидир. Ҳар бир сонда чоп этиладиган мих материал — энг долзарб мавзудаги мақола барча учун мўлжалланган, кенг аудиторияга тегишли бўлиши учун унда муаммонинг

³² Тертычный А. А. Жанры периодической печати — М.: 2000. [электрон адабиёт] www.evartist.narod.ru

³³ Самарцев О. Р. Современный коммуникативный процесс. / Теория и методика журналистики: УлГТУ, 2000. [электрон адабиёт]. www.library.cjes.ru

катталиги асосий ўринни тутди. Шунинг учун муаммо долзарблиги, ҳар бир ўқувчи учун кераклилиги унинг реал бўлишининг бош омили, десак тўғри бўлади.

Янги журналистика феномен даражасига кўтарилгач, нафақат АҚШ балки бутун дунё учун зарур бўлган ахборотлар унда берила бошланди. Масалан, Трумен Капотенинг “Қон қайнаганда” асари штатлардаги қотиллик орқали инсонларни огоҳликка чорлашга уриниш бўлса, Майкл Геррнинг “Кесан”, Николас Томалиннинг “Генерал Чарли Конгга ҳужум қилапти” сингари асарларда умуминсоний ғоялар ўз аксини топган. Яъни, тинчлик ўрнатиш учун Вьетнамга кирган америкалик ҳарбийларнинг зўравонликлари америкалик журналистлар томонидан очиқ-ошкора баён этилган. Шу мисолларнинг ўзиёқ бутун аудитория катта ҳажмдаги мақолаларни ўқишини ва шунга ўзининг ахборий эҳтиёжи борлигини изоҳлайди. Ушбу мақолаларда эса реал ҳаёт тасвирланган бўлса, ўқувчи матбуотга нисбатан ишончи ошади. Янги журналистикада аввало, йирик газеталарнинг обрўси эътиборга олинганини, бундан ташқари, журналистнинг кенг омма олдидаги масъулияти энг юқори даражага кўтарилгани тезда оммалашшига туртки берганини nonfictionларда кўтарилган воқеалар, долзарб мавзулар исботлаб турибди.

“Деннис Эверетте таҳрири остида чиққан “Сехрли ёзув машинкаси” тўпламидаги мақолада у талабаларга олтига йўналиш ҳақида хабар беради: nonfiction, муқобил журналистика, замонавий muckraking, ҳимоя журналистика, ерости журналистика, аниқлик журналистикаси”³⁴.

АҚШ журналистикасида шундай хусусият борки, аудитория бирор жойда учраган маълумотни бошқа ахборот манбалари орқали текшириш, бирор газетада учраган ахборотни иккинчиси билан солиштириш жуда оммалашган. Газеталардаги маълумотлар бора-бора сохталаштирмаслиги

³⁴ Dennis ed. The Magic Writing Machine. The New Journalism in America. Dennis & Rivers eds, 1974. 8-p.

учун газетхонлар ушбу маълумотларни ўзаро мулоқотларда текширишади ва қайси ахборот холис бўлса, ушбу нашрнинг аудитория олдидagi обрўси ортиб боради. Юқорида таъкидланганидек, унинг камрови борган сари ортиб бораркан, газетага жойлаш масаласи ҳам қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Шунинг баробарида у газетанинг энг муҳим янгилigi сифатида ушлаб турилаверади.

Баъзан бошқа материалларни “кесиш” эвазига уни сақлаб қолишнинг имкони бўлади, бироқ таҳририят ходимлари атайин бундай йўлдан бормайди. Сабаб, бу кейинги сонга аудиторияни ипсиз боғлашнинг яхши йўли. Таҳририят тили билан айтганда, бу боғлаш усули — михлашдир. Шунинг баробарида михловчи материал “мих материал”, деб юритилади.

Мих материал (гвоздь номера) — аудиториянинг бирор бир муаммо юзасидан фикрини ўша томонга қаратиш, йўналтириш кучига эга, асосий, бош, муҳим, барча жиҳатлари билан айнан бир сонни ушлаб, тутиб турувчи материал саналади.

Мих материал ҳар бир таҳририятда турфа хил номланади. Бу газетанинг ихтисослигига ҳам боғлиқ. Энг “зўр” таҳлилий, танқидий мақолаларни таҳририят ижодкорлари ҳар хил атайдилар.

Аксарият сариқ матбуот типидagi газеталарда у ўз ҳолича “мих материал” деб айтилса, сиёсий газеталарда эса, масалан, “Хуррият”да “Бомба”, “Маърифат”да эса “3” (чунки асосий таҳлилий мақола 3 саҳифага жойлаштирилади ва мазкур газета журналистлари тилидан баъзан “3 га тортадимиз?” сингари гаплар учрайди), “Оила ва жамият” эса “Тош босадиган”, деб номланади. Бундан ташқари, газетанинг “муқова”сида мих материал ҳақида кичик изоҳ, аудиторияни тортиш учун кичик детал танланади. Мих материални беришда шубҳасиз, газета дизайнерларининг ўрни яққол кўринади. Рангли суратлар билан безаш, ҳар хил диққатни жалб қиладиган унсурлар орқали муштариоларни “қармоққа илинтириш” дизайнердан катта маҳорат талаб қилади.

Айтиш ўринлики, америка матбуотидаги мих материал билан миллий матбуотимиздаги “мих материал” фарқли. Олима В. В. Ученова бу тўғрида шундай деган: “Жанрлар ривожланиши жараёнида яратиш ва ижод этиш асосий ўринни эгаллайди. Бироқ, бунда яратилган мақола ёки материал жанри ташқи метаморфозаси жихатидан хилма-хилликни сақлашни унутмаслик керак. Шунингдек, журналистик позицияси, ўқувчилар фикрини бошқариш йўллари ёки методлари кесимида ва улар иштирокида ҳар бир мавзунини чуқур ҳамда атрофлича таҳлил этган ҳолда ҳолис ёритиш лозим. Жанрлар билан ишлашда янгиликларга қўл уриш билан бир қаторда анъанавийлик, соддалик, халқчилликни ҳам сақлаш муҳимдир”.

Янги журналистикани мутахассислар макрожанр сифатида эътироф этишади. Чунки, унинг таркибида янгилик, репортаж, интервью ва насрга хос элементларнинг киритилиши мана шу фикрнинг исботидир.

Ҳатто баъзи ўринларда журналист (масалан, Ҳантер С. Томпсон) ўзи ҳам айнан нималар кераклигини излаш жараёнида макрожанрлигини “айтади”. (Бу ҳақида кейинги бобларда маълумот берилган).

Америка журналистикасида бу ҳатто “табiiй янгилик” (The nature of news) деб аталадики, бунини аввало, барча маълумотларни солиштириб, ўрганиб исботлаш мумкин. Макрожанрлиги мана шуларда кўринади.

Хулоса. Янги журналистика қанчалик аудиториянинг эътиборини жалб қилишга ҳаракат қилаётган бўлмасин, унда барибир анъанавий журналистика элементлари кўринади.

Ахборот тарқатишга бўлган журналистика функцияси қайси жанрда бўлмасин, барибир асосий вазифасини бажараверади. Бироқ ўтган давр мобайнида унинг вазифалари хилма-хил даражада янгиланиб, ўзгариб бораверди. Бунинг биринчи сабаби сифатида аудиториянинг онги ва ахборот олишдаги савияси ўсганлиги билан белгилаш мумкин. Улар илгаригидек ҳар бир маълумот ёки фактдан таъсирланмай, борини борича қабул қилиб ўрганишган. Шунинг учун ҳам берилаётган ахборотни ўз савияси даражасида олишга уринишди.

Журналистика ўз вазифасини бажарди, фақат ахборот узатишдаги йўналишини ўзгартирди, холос. Шу орқали аудитория ишончини сақлаб қолишга, уни кенгайтиришга ва шу маънода ахборот бозорида ўрнини эгаллашга интилди, дейиш мумкин.

Янги журналистика бу дунё миқёсида оммалашиши учун ўзида ахборотга бўлган жамият эҳтиёжини қондириш функциясини акс эттирган эди. Бундан ташқари у жамиятда ривожланиб, бир пайдо бўлиб дарров йўқолиб кетмади. Шундан ҳам билиш мумкинки, бунда ўзига хос вазифани бажарди ва дунёга тарқалди.

Иккинчи боб. ЯНГИ ВА АНЪАНАВИЙ ЖУРНАЛИСТИКА

2.1-§. Анъанавий журналистика ва янги журналистика: уларнинг ўхшашликлари, ўзаро фарқли жиҳатлари, ўзига хосликлари

Янги журналистика, бу барча журналистларга бироз ғалати, қизик туюлиши мумкин. Масалан, буни интернет сифатида тушунадиганлар ҳам йўқ эмас. Аслида, янги журналистика умуман бошқача журналистик услуб.

“Янги журналистика! Албатта, янги журналистика истилоҳини биринчи эшитган кишига бу ном бироз эриш туюлиши, ўйлантириши ва ҳатто қарши фикр билдириши табиий ҳол. Бу ҳеч қандай ҳаракат ёки гуруҳ, жараён эмас. Аммо чиндан ҳайратланарли, янги гуманизм, янги поэзия, янги консерватизм ёки янги критицизм атамасини жамият тушунади, бироқ янги журналистика... Бу худди ҳеч бир асос, маънога эга бўлмагандек гап!”³⁵, — дейди Том Вулф.

Юқорида келтириб ўтганимиздек, янги журналистика ижодкорлари ўзларининг дастлабки асарларини nonfiction деб атади. Бу инглиз тилидан таржима қилинганда (инг. nonfiction — non-yo'q, fiction-уйдирма, иғво, миш-миш, тўқима)³⁶ ҳодиса ёки воқеа ҳақидаги аниқ ёзувлар, сирасини айтганда, уйдирмасиз материаллар маъносини беради.

Nonfiction истилоҳи устида фикр юритсак, аввало, унинг қандай пайдо бўлганлигини айтиб ўтиш ўринлидир.

Юқоридаги бобларда таъкидланганидек, ўтган асрнинг 60 — 70 йилларида босма нашрларнинг кўпайганлиги, маълумот тарқатиш, алмашиш ва ахборотни етказиш жараёнида кўпгина ноқулайликларни келтириб чиқарди. Бир воқеа турли фактлар асосида, турли муаллифлар томонидан газета ва журналларда чоп этиларкан, маълумотлар ва фактлар ўзгарар,

³⁵ Вулф Том. Новая журналистика и Антология новой журналистики. — СПб.: Амфора, 2008. 235-стр.

³⁶ Инглизча-ўзбекча луғат. — Т.: Янги аср авлоди, 2006. 339-бет.

журналист ва таҳририят позицияси яққол кўзга ташланар, шунга биноан аудитория унинг реаллигига шубҳа остидан қарай бошларди. Журналистнинг воқеани ёритишдаги роли, иштироки факт ёки маълумотнинг айтилиши дақиқа учунгина ҳослигини инобатга олсак, янгиликлардаги муҳим фактларнинг биров вақт ўтиб ўзгариши табиий ҳол эди. Яна бир муҳим жиҳат шундан иборатки, журналистнинг сенсация ортидан қувиши натижасида тўқима образ ва қаҳрамонлардан фойдаланиши кўр-кўрона ёндашувларни келтириб чиқарарди, бу муайян аудиториянинг ихлосини қайтарарди. Аудитория эса шу боис газета ўқишдан беаҳамият бўлади. Бунинг оқибатида, кўплаб журналистлар ишсиз қолди, газеталар сотилмади ва босма нашрлар ривожланиши сустлашди.

Айнан шундай чигал вазиятда nonfiction атамаси бутун дунёга ёйила бошлади, nonfiction орқали бой берилган имконият — одамларни матбуотга кенг жалб этишга жиддий уриниш бошланди. Кишиларнинг диққати аста-секинлик билан унга (матбуот) оғди. Матбуотнинг шу йўсин ўзини тиклаши, қад ростлаши, газета ва журналлар келажагига таъсир кўрсатди, янги журналистларнинг танилишига туртки берди. Босма нашрларнинг ўзаро капитал муҳитида синмаслигини таъминловчи бир устун nonfictionдир.

Яна бир томондан бу атамани госсип (gossip-инглизча “уйдирма, миш-миш, тухмат, бўҳтон, ғийбат”)³⁷ зидди деб талқин қилиш ҳам мумкин. Негаки, айнан янги журналистика воқеаликни сохталаштириш, маълум мақсадни кўзлаб факт бермасдан турли хил ғийбатларга таяниб, фаолият юритувчи журналистларнинг фаолиятига танқидий назарнинг аксидир.

Шу ўринда адиб, олим ва журналист Хуршид Дўстмуҳаммаднинг фикрини айтиб ўтиш ўринлидир.

“...матбуотни фақат бозор талаблари асосига қуриш, яъни фақат бозор кўтарадиган ахборотни бериш деган кайфиятга ҳам унчалик қўшилиб

³⁷ Инглизча-ўзбекча луғат. — Т.: Фан, 2008. 237-бет.

бўлмайди. Олтин меъёрни унутмаслик, ўрта йўлни танлай билиш ҳақида бормоқда сўз”³⁸.

Дарҳақиқат, фақат моддий тарафни кўриш, ўйлаш ижодий имкониятларни биров сиқиб, чеклаб қўяди.

Nonfiction номи остида чиқадиган мақола ва материаллар тезда аудиториянинг тилига тушди, бу усул бутун ахборот бозорига ўз услубини сингдира бошлади. Минг-минглаб журналистлар мана шу усулда материал тайёрлашга жиддий бел боғлашди, бироқ санокли журналистларгина бундан моҳирона фойдаланди, холос.

Янги журналистларнинг наздида, барчаси табиий бўлиши керак. Ижодкор эса борини кўрсатиши мақсадга мувофиқ.

Том Вулф адабиётдаги реализм ҳақида фикр билдираркан, “у ҳеч қандай адабий метод ёки позиция эмас, бор-йўғи эски жараёнларнинг сарқити, холос”, деб таъкидлайди.

Янги журналистикада икки асосий жиҳат балқиб туради:

- **Проза ва публицистиканинг уйғунлашуви, қоришиғи...**
- **Ҳаммаси ҳаққоний, уйдирма ва миш-мишлардан холи nonfiction.**

“Журнал ва газеталардаги мақолаларни шундай ёзиш мумкинки, улар худди романдек кишига таъсир ўтказиши, газетхонни чуқур ҳайратга солиши турган гап...

Айни пайтда анъанавий журналистик асар ёзиш услуби кенгайди. Энди диалог, монолог, реал уйдирма ва миш-миш, онг оқими унсурларидан фойдаланиш мумкин, бир неча прозаик ва журналистик услублардан фойдаланиш керак. Чунки мақола газетхоннинг қалбини ёндириши, уни ҳаракатга келтириши, тафаккур қилишига ундаши зарур!”³⁹.

³⁸ Дўстмуҳаммад Х. Оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришнинг демократик андозалари. — Т.: Ўзбекистон, 2005. 23-бет.

³⁹ Вулф Том. Новая журналистика и Антология новой журналистики. — СПб.: Амфора, 2008. 21-стр.

Янги журналистикада асосан икки катта макрожанрда ахборот тўплаш имкони туғилади. Шу орқали воқеанинг асосини, туб илдизини аниқлаш мумкин. Буни ёзиш чоғида муаллиф тилидан берилса, мақсадга мувофик бўларди. Сабаби аудиторияни ишонтириш осон эмас. Бунда ҳам репортёр жуда катта адабий билимларга эга бўлиши талаб этилади.

1. Интервью.

2. Репортаж.

Nonfiction романдек ўқилиши учун ўзига хос йўлларни ўйлаб топиш ва ёзиш жараёнида ишлатиш зарурдир.

Nonfictionлар чоп этила бошлагач аудиторияга худди романдек таъсир ўтказарди.

Nonfictionнинг ўқишли, барчага маъқул бўлиши ва аудиторияга таъсири катта аҳамиятга эга. Буни қуйидаги омилларда кўриш мумкин:

- ✓ Воқеликнинг реаллиги;
- ✓ Муаммонинг шов-шувли тарзда кўтарилиши, унинг фожеали томонларининг оммага “кўрсатилиши”;
- ✓ Аудиториянинг аниқлиги ва бир вақтнинг ўзида унинг ҳаддан ортиқ кўпайиб бориши;
- ✓ Воқеани ёритишда янгича ёндашув;
- ✓ Типиклаштириш орқали ўйлаб топилган қаҳрамон — прототип эмас, балки қаҳрамон ва образнинг жамиятда аниқ мавжудлиги;
- ✓ Деталлар ва ҳаракатлардаги мутаносиблик (курол-яроғ, упа-элик...);
- ✓ Жараённинг фактларга боғлиқлиги;
- ✓ Воқеа юз бераётган жойнинг ўзидан тайёрланган ахборотга ўқувчининг тез ишониши;
- ✓ Воқеликни таҳлил, хулоса қилмасдан, буни ўқувчининг ўзига ҳавола этиш.

Шубҳасиз, ҳар бир ижодкор қайси йўналишда ёзишни, қандай ёзишни ўзи ҳал қилади ва воқеа-ҳодисадан келиб чиққан ҳолда бунга муносабат билдиради, ёндашади.

Анъанавий журналистикани янги журналистика билан солиштирадиган бўлсак, янги журналистиканинг имкониятлари анча кенг эканлигининг гувоҳи бўламиз. Анъанавий журналистикада ижод қилувчи доимо таҳририят ўрнатган тартиб, қолип бўйича ёзишга уринади. Анъанавий қолип ижодкорнинг имкониятларини бироз чеклайди. Яъни янгилик, интервью ёки репортаж ёзаётган журналист воқеани етказиб беришни эмас, аксарият ҳолларда унинг ҳажмини ўйлайди. Одатлангани бўйича қоғозга қоралаб, саҳифага солиб, воқеани ёзишга киришади ва шу аснода воқеанинг баъзи муҳим жиҳатларини назардан четда қолдиради. Асосий деталлар ҳам унутилиб, журналист воқеани шарҳлашга, изоҳлашга берилиб кетади. Мухбирнинг анъанавий йўлдан боришига биринчи навбатда, ўзининг услубини тўла шакллантирмагани ҳалақит берса, иккинчи муҳим омил бу таҳририят муҳитининг таъсиридир.

Таҳририят томонидан “Репортаж тайёрланг!, Интервью олинг!, Кичкинагина хабар бўлсин!”, сингари йўл-йўриққа мухбирлар жиддий қарайди. “Бир тутам” маълумот учун эрталабдан кечгача кутган журналист шунга ҳам қаноат қилиб, топган “шедевр”ини қоғозга тушириш мақсадида таҳририятга югуради. Эътибор берилса, кичик материалнинг замирида минглаб муаммо ва масалалар, ечимини кутаётган жиҳатлар талайгина, журналист эса фақат унинг ижобий томонини кўра олган, холос. Шу ўринда, журналист асосий унсурларни ёдидан чиқариб, хабар билан чекланиб қолади. Керакли маълумотларни унутиши баробарида, мана шундай ҳолатларга кўникади. Маълум воқеани ёритишдаги жиҳат, иккинчи жанрда ҳам баъзи унсурлари кўриниши мумкин. Репортажда, янгиликнинг ҳам, интервьюнинг ҳам белгилари намоён бўлади.

Демак, янги журналистикада ҳам анъанавий журналистиканинг белгилари учрайди, баъзи бир ўхшашликлар кўринади.

ЎХШАШ ЖИҲАТЛАР:

Анъанавий журналистика	Янги журналистика
1. Объект аниқ	—
2. Воқеликнинг мавжудлиги	—
3. Респондент (шахс, жамият)	—
4. Журналистнинг шахсий иштироки	—
5. Ахборот олиш	—
6. Маълумот узатиш, етказиш	—

ФАРҚЛИ ЖИҲАТЛАР:

1. Журналист фақат ахборот тўпловчи	Журналист — фақат ахборот оловчи, иштирокчи эмас, балки образ, қаҳрамонга айланади.
2. Саволлар олдиндан тайёрланади.	Савол воқеа жараёнидан келиб чиққан ҳолда, вазиятга мос тарзда берилади.
3. Журналист факт-маълумот сўрайди.	Журналист факт қидиради, воқеанинг илдизини топишга сирли равишда ҳаракат бошлайди.
4. Шахс — респондент	Шахс образ, воқеанинг қаҳрамони
5. Мавзу кўлами, ёритиш объекти нисбатан торроқ, олдиндан аниқ бир мавзу юзасидан	Жамият энг оғриқли муаммоларини қамраб олиши мумкин, унинг кўлами кенгайиши мумкин.
6. Муаллиф тилидан ёзилади.	Муаллиф ва қаҳрамон тилидан ёзилиши мумкин.
7. Қаҳрамон гапи газета тилига мослаштирилади.	Қандай гапирилса, шундай ёзилгани маъқул, чунки воқеалик жонланади. Бунини янги журналистикада “жонли интервью”

	дейишади.
8. Шу ҳақда ёзишни кўнглига тугиб юради.	Воқеликни ёритиш ҳақидаги ўй-фикр, уни кўргач, кузатгачгина тўсатдан туғилади.
9. Воқелик ҳақида маълумот, ахборот берилади.	Ахборотга ҳамоҳанг тарзда воқеалик кўрсатилади.

Масалан, Шимолий Дакотадаги ҳиндуларнинг ҳукуматнинг нефт қазиб чиқаришга ҳаракати жуда кескин тус олди. Буни кўпгина оммавий ахборот воситалари хабар тарзида бериб бошлади.

“Шимолий Дакотада истиқомат қилаётган ҳиндулар ота маконининг нефт заҳиралари сабаб илма-тешиқ қилинишига қарши норозилик билдирди”, деган хабарни кўпгина интернет сайтлари берди. Бу анъанавий журналистика.

Янги журналистикада эса кўпроқ воқеалик қизиқтиради. Айтайлик, ўша жойдаги бирорта кишининг руҳий ҳолати ва унинг ўтмиши билан боғлиқ ҳолда воқеалик келтирилиб, ҳақиқатан “Шимолий Дакотадаги ҳиндуларнинг ўз ҳудудларида нефт қазиб олинишига норозилиги акс этган” воқеалик берилганида эди, бу янги журналистикага хос бўларди. Хабардан кўра деталлаштирилган, ўқувчи қалбига таъсир кўрсатадиган асарлар аудиторияга кўпроқ таъсир кўрсатишини инобатга олиш керак.

Бундан ташқари, ҳажм жиҳатидан ҳам янги журналистиканинг ичига киритиладиган маълумот, ахборот ва киритмаларнинг кўплиги боис у анча кенгаяди, ҳажми ортади. Ҳажмнинг ортиши эса кейинги сонга материални ғайриихтиёрий кўчириш ёки таҳририят томонидан саҳифалар ортишига сабаб бўлади.

Янги журналистика тамоман бутун структурани янгилади, деган фикр умуман нотўғри. У ўзига хос йўналишни бошлаб бергани билан аҳамиятлидир.

2.2-§. Янги журналистикада ёзиш услуги. Репортёр вазифаси

Янги журналистикада ёзиш дегани барча публицистикага хос хусусиятлар, прозанинг барча элементлари янги журналистик материалда акс этиши керак, дегани эмас. Буюк ҳикоянавис, ёзувчи А.П.Чехов айтганидек, “Адабиётда ҳеч бир нарсa бекорга ёзилмайди. Агар биринчи кўринишда милтиқ бўлса, шу милтиқ учинчи ёки тўртинчи кўринишда албатта, отилиши керак, йўқса милтиқ тўғрисида сўзлашнинг ҳожати йўқ”.

Демак, ёзилаётган ҳар бир детал ишлатилиши керак ва қаҳрамонга хизмат қилиши, воқеани ёритиш жараёнида муҳим ролни бажариши зарур.

“Ҳар бир топилмани дурдек қабул қилиш керагу, уни чор-атрофга буғдой донидек ҳар тарафга сочмаслик керак. Ундан керакли ўринда фойдаланиш зарур”, деган эди Максим Горкий.

Янги журналистикада скелет — публицистиканики, қиёфа, имиж, кийим прозаники. Қолган масалалар — воқеани қайси ўриндан бошлаб, қайси ўринда якунлаш, кулминацияни қайси ўринга жойлаштириш, насрдаги каби сир сақлаш усулларида фойдаланиш, “сенсация овчиси”нинг маҳоратига боғлиқдир. Сарик матбуотда асосан воқеликнинг охирига кўп куч сарфланади ва аудиторияга таъсир кўрсатиш кучи шунда кўринади.

Янги журналистика асосчиси Том Вулф репортёрни “сенсация овчиси”, деб атади ва унга бир қанча талаблар қўяди:

1. Воқеани журналист ўз кўзи билан кўриши, иштирок этиши, жараёнда қатнашиши зарур. У бошқа ҳеч қандай контактга

суянмаслиги, манба ва информатор маълумотларига таянмаслиги керак.

2. Диалогларни максимал даражада тутиб туриши ва ўрни келганда натижа берувчи маълумотларни аниқлик билан кўрсатиши, образ характери аниқ далиллаши талаб этилади. Қахрамонга хосликлар унинг ҳаракатлари ва нутқида намоён бўлиши зарур.

3. Учинчи шахс тилидан воқеани ҳикоя қилиши, унинг келиб чиқиши ва гувоҳларини келтириши, худди роман қахрамонларини кўрсатгандек бош қахрамон атрофида сюжетни айлантириши керак. Nonfictionни фақат учинчи шахс тилидан бериш керак. Бу назардан четда қоладиган нарсаларни ҳам киритишда қўл келади.

Репортёрга қўйиладиган талаблардан энг асосийси эса проза услублари ва усулларини яхши ўзлаштиришдир:

- **Асарнинг сюжети;**
- **Композицияси;**
- **Кулминацион нуқтаси;**
- **Тугун ва ечими.**

Деталларни тўғри тартибда жойлаштириш, конфликтни кучайтириш, образларни жонлантириш асар ёзишда асқотади.

Воқеа жараёнида унинг аниқ нуқтасини, уни вужудга келтирувчи куч, восита, ҳолат ва унинг илдизини топиш, иштирок этувчи кучларнинг аниқ мақсадини кўрсатиш, қачон рўй берганлигию нимага йўналтирилганлигини аниқлаш репортёрга қўйиладиган энг асосий талаблардан саналади.

“Журналистлар – янгиликни очиб берувчи инсонлардир. Журналистлар янгилик яратиш йўлида ахборот етказиш, танқид қилиш ва у ердан фотолавҳа етказиш қобилиятига эгадирлар. Журналистиканинг аҳамияти шундаки, у бизни кундалик ҳаётимиздаги танловларимизга бевосита таъсир кўрсатади.

Шунга қарамай журналистиканинг келажаги ҳаётда ўз тасдиғини топмаган. У хали ҳамон мавҳумлигича ўз фаолият турини кенгайтириб бормоқда»⁴⁰.

Юқоридаги жумлаларнинг ўзиёқ журналист масъулиятининг юқорилигини кўрсатиб турибди. Нотўғри ахборот аудиторияга салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини ҳис этиш зарурати ҳақида бормоқда сўз. Айниқса, факт беришда ниҳоят сергаклик талаб этилади.

Фактларни беришда репортёр борини қалаштириб ташламасдан изчиллик билан ривожлантириши, бир неча қаҳрамон ичидан энг асосийсини танлаб олиши ва хулосага шошилмасдан воқеалар ривожини кузатиши талаб этилади.

Бундан ташқари, репортёр:

- инсонлар билан алоқани узмаслиги;
- уларнинг ишончини қозониши;
- муҳим саволларни бериши;
- респондентга тикилиб турмаслиги, диққат билан эшитиши;
- аниқ жавобни бир неча манба асосида текшириши зарур.

Бу журналистнинг ишнинг мукаммал чиқишининг бош омилидир.

Репортёрнинг воқеа жойидан маълумот йиғиши ҳам энг асосий вазифаси саналади. Аслида, барчаси воқеа жойидан топиладиган деталлару, бироқ ёзиш асносида уни унутиш мумкин. Ёдда сақлашнинг бирдан бир усули эса бу ҳар бир детални қораламага туширишдир.

• **Қаҳрамон қиёфаси, кийимлари, нима билан машғуллиги (айни ўша пайтда нималар билан ҳаёли бандлиги);**

• **Қайноқ нуқтадаги аҳолининг турмуш-тарзи, урф-одатлари, одамларнинг ўзига хос жиҳатлари;**

• **Муҳим деталлар номи ва уларнинг ишлатилиши;**

• **Уни қуршаб турган муҳитнинг бошқаларга психологик таъсири, яъни мафиями, наркоманми ёки фоҳишами;**

⁴⁰ Wahe-Jorgensen K., Hanitzsch T. The handbook of journalism study. — W.: International Communication association, 2009. p33.

• Дарахтлар қушлар, жой рельефи, умумий нуқтада уларнинг қандай кўриниши, шамолнинг қандай эсиши ва қуёшнинг қайси тарафдан кўтарилиши, уйларнинг қурилиши, дарёнинг қайси томонда жойлашганлиги.

Аслида, репортёрга аҳамиятсиздек туюлган бу унсурлар воқеани ёритишда жуда катта ўрин тутати. Чунки қаҳрамон айна шу муҳитда рол ўйнайди, одамлар ва жамият билан муносабатга киришади. Демак, бунда ҳолатни яхшироқ ифодалаш ва газетхон кўз ўнгида воқеани жонли гавдалантириш учун ҳеч бир детални назардан четда қолдирмаслик зарур. Ҳеч бир детални репортёр бекор ишлатмаслиги зарур.

Лестер Меркел исмли тақризчи Америка муҳаррирлари жамияти бюллетенида янги журналистикани кескин танқид қилади. Унинг таъкидлашича, “ушбу уринишлар янада чуқур ҳисобот талаб қилишини рад этади ва муаллифларни аслида миш-миш тарқатувчи ва ўйланган мухбирлар эканини айтиб ўтади”⁴¹.

Албатта, янги журналистикани журналистларнинг ўзи қабул қилиши, газеталарда қўллаши ҳам осон кечмаган.

“Кўрган киши билан суҳбат бошланишида репортёрнинг жим туриши энг яхши саволдан ҳам кўпроқ самара беради”⁴².

Янги журналистикада айнан жим туриш ва респондентларни эшитиш, кузатиб бориш катта самара беради. Чунки берилаётган маълумотлар қаҳрамоннинг ўзидан олинади ва репортёр унга барча гапларни бемалол гапиришига имкон бериши мақсадга мувофиқ. Мухбир томонидан ноўрин савол бериш унинг хаёлига келган фикрни чалғитишга биринчи сабаб бўлади. Бундан ташқари, журналист интервью берувчининг ўша пайтдаги ҳолатидан ўз мақсади йўлида фойдаланиши мумкин эмас. У ҳам мухбирга нотўғри маълумот бериши мумкин. Сарлавҳа топиш маҳоратининг ўзига хос афзалликлари ва аудиторияни “чақириши” хусусида янги журналистика

⁴¹ Markel L., So What's New?. — Bulletin of the American Society of Newspaper Editors. January, 1972. p. 8.

⁴² Фихтелиус Э. Журналистиканинг ўн қоидаси. — Т.: Шарқ, 2002. 78-бет.

кашфиётчилари алоҳида тўхталиб ўтган ва аудиторияни ўзига тортишда муҳим эканини таъкидлаган.

Ўзбек матбуотида ҳам узоқ давр мобайнида шаклланган бой тажриба бор. Сарлавҳа танлаш эса осон эмас.

Сарлавҳа сири. Боз устига, материалнинг ўқишли чиқиши сарлавҳа танлашга ҳам боғлиқ, десак хато бўлмайди. Сарлавҳа — ярим муваффақият, деган гап топиб айтилган. Сарлавҳа қанчалик ўзига тортса, асарнинг мағзи, давоми ва муаллифнинг айтмоқчи бўлган “гап”и шунчалик қизиқарли чиқишига ишонч билдириш мумкин. Фикримиз исботи айрим мақола, умуман, публицистик асар ёки прозада ёрқинроқ акс этади.

“Мактабдан қочиб кетган келинлар”, “Афсуски, тахминим тасдиқланди”(Хусан Карвонли), “Қанотсиз кўшиқлар” (Сафар Барноев), “Шаҳарга бомба керакми?”(Дадахон Нурий), “Бехбудийни қатл этган ким?”(Ҳалим Саидов), “Хуштакни ким чалади” (Аҳмаджон Мелибоев).

Изоҳлашга ҳожат йўқки, ҳар бир муаллифнинг асарининг “савия”си сарлавҳанинг ўзида маълум маънода акс этиб туради. Айни пайтда муаллифнинг сирли сарлавҳаси аудиториянинг қалбини чертади.

Сарлавҳа сири янги журналистикада ҳам акс этади.

Рекс Риднинг “Кўринишингиздан толиққанга ўхшайсиз, Ава?”, Жо Макгинниснинг “Президент қандай сотилади?”, Хантер С. Томпсоннинг “Дўзах фаришталари”: хавфли ва кўрқинчли кўшиқ”, Барбара Л. Голдсмитнинг “La Dolce Viva”, Том Вулфнинг “Радикал дабдаба ва яшин қайтаргични қандай синдириш мумкин” сингари мақолалар замирида ҳам аллақандай муаммо, камчилик ва нотўқисликлар борлиги сарлавҳаданок маълум. Бу сарлавҳанинг номланишидаёқ сезилади.

Бугунги кунда миллий матбуотимиз саҳифаларида кенг қўлланилаётган сўроқ кўринишидаги сарлавҳаларда ҳам танқид ва таҳлил мавжуд. Биринчи жумла билан аудиторияни ушлаб туриш борасида бизнинг ҳам ўзига хос тажрибамиз бор, десак хато эмас.

Биринчи жумла. Матбуотнинг кучи сўзга жамланади. Демак, сўз куроли орқали инсон кўнглига йўл топилади. Биринчи жумла кейинги фикрларнинг аввали сифатида ўзига хос ўрин тутди. Асарнинг ўқилиши кўп жихатдан биринчи жумланинг кучига боғлиқ, десак янглишмаймиз.

Айрим журналистлар ва ёзувчиларнинг асарларида айнан шу усулнинг ишлатилганлиги ва ўзига хос деталлар топилганлиги, бундан ўринли фойдаланилганлиги бунинг исботидир.

“Сотиболдининг хотини оғриб қолди...” А. Қаҳҳор(Бемор).

Улуғ сўз санъаткори воқеанинг энг керакли, энг муаммоли ва оммани кизиқтирадиган жойидан ҳикояни бошларкан, ўқувчи китобни ёпиб кейинги жумлани ташлаб китобни ёпишни хаёлига келтирмайди. Ғайриихтиёрий равишда воқеанинг давомини излайди, унинг ривожини кузатади.

Чингиз Айтматов асарларида эса китобхонни ноанъанавий тарзда сир яшириш орқали боғлаш мавжуд.

“Тўғри, Мен Жамила ва Дониёрнинг суратини чизаман. Лекин “Ўхшата олармикинман?”, деган гумон бутун миямни чулғаб олган-да”.

Муаллифнинг нима демоқчилиги сирли тарзда берилса-да, “Ўхшата олармикинман?” ўзига бироз ишонқирамай қараши замирида ҳам ўз иқтидорига шубҳаланишдан кўра, китобхонга қаратилган “Ўқинг, ўзингиз баҳо берарсиз!?”, деган маъно мужассамлангандек.

Буни янги журналистикада ҳам кузатиш мумкин. Рекс Риднинг “Кўринишингиздан толиққанга ўхшайсиз, Ава?” nonfictionидан келтирилган биринчи жумла:

“У ўз хобхонасида. Ёруғ залнинг ўртасида лимонрангли диван, ранги ўчган бинафшаранг жиҳоз, бахмалдек майин киноюлдуз учун мўлжалланган кресло, ичи биринчи даражали Торт худди унга аталгандек... Бешюлдузли меҳмонхона “Ридженси” деб аталиб, шифти гумбазли ва ҳайкалчалар осилган”⁴³.

⁴³ Рид Рекс. Вы спите в голом виде? / Вулф Т. Новая журналистика и Антология новой журналистики. — СПб.: Амфора, 2008. 96–стр.

Биринчи жумла узоқ чўзилган бўлиши мумкин, бироқ шунинг ўзиёқ асар ўқиётган кишини беихтиёр ўзига тортади. Ўқувчи ихтиёрий равишда кейинги жумланинг ортидан қидиради. У гўё қаҳрамон билан биргаликда тасвирланаётган хонада ўтиргандек таассурот уйғонади ва воқеаларнинг давомига шўнғиб кетади.

Том Вулфнинг “Радикал дабдаба ва яшинқайтаргични қандай синдириш мумкин” nonfictionидан келтирилган биринчи жумла:

“Икки, уч, тўрт тунги соат, бу авлодда нимадир бор. 1966 йилнинг 25 август. Унинг 48 чи кузи яқинлашмоқда, бугун туғилган куни”⁴⁴.

Қаҳрамонни яшириш орқали ўзига тортиш мужассам. Энди шу орқали нимагадир шаъма қилинаётгандек...

Ричард Голдстейннинг “Хомчўт” nonfictionида эса биринчи жумлани топиш маҳорати ҳам ўзгача.

“Яна эрта уйғониш, ваҳоланки, шанба куни. Қуёш дараза тоқчасидан баланд кўтарилди. Аҳён-аҳён кўчада оёқ товуши чиқади. Кимгадир бу кун ҳам иш, тинмай ишлашга жўнайди”⁴⁵.

Ричард Голдстейн бевосита бир четдан туриб ўқувчига нимадир деб шаъма қилмоқчидек, айтадиган сўзини кейинроқ айтишга мана шу йўсин уринмоқчидек. Бу сингари сўз билан ўқувчиларни тортиш хусусияти энг кулай восита саналади. Янги журналистикада аудиторияни оҳанрабога айлантирувчи куч биринчи жумла билан белгиланади.

Ўзбек журналистикасида ҳам биринчи жумлани топишнинг аҳамиятини кўриш мумкин.

... **“МИРЗОЛАРНИНГ МИРЗОСИ”**

“Сарлавҳа нимани ёдингизга солди? Эслолмаяпсизми?.. Унда қуйидаги икки мисра шеърни ҳам ўқинг:

“Агар ор этса Лайли ҳақлидир Қайсининг жунунидин,

⁴⁴ Вулф Т. Радикальный шик и Как сломать громмоотвод. / Вулф Т. Новая журналистика и антология новой журналистики. — СПб.: Амфора, 2008. 549–стр.

⁴⁵ Голдстейн Ричард. Прикид. / Вулф Т. Новая журналистика и Антология новой журналистики. — СПб.: Амфора, 2008. 133–стр.

Не бахт, Раъно, харидоринг талаб аҳлининг мирзоси”⁴⁶.

Сўроқ бериш орқали аудиториянинг ичига кириб борилаяпти. Ҳали қаҳрамоннинг шахси аниқланмаган бўлса-да, кимдир уни мақола давомида кидиради. Кимдир аллақачон топган эса-да, унинг суҳбатига ошиқиб кузатади.

“Биринчи ўқиган китобимни яхши эслайман. 2-синфда ўқирдим. Уйимиз тоқчасидан топиб олган эдим уни. “Қичан” деган қисса, бир қирғиз ёзувчисининг асари...”

Муаллиф кейинроқ бу асар ҳақида ҳикоя қилмаса-да, енгил ёзиш услуби орқали аудиторияни “забт” этишга эришади. Ёшлиқдан, болаликдан бошланган қизиқишларини “йўл-йўлакай” бошқа асарлар билан солиштира боради. Бир жиҳатдан у жузъийдан умумийликка қараб воқеаларни ривожлантиради, иккинчи жиҳатдан китобни қандай ўқиш мақсадга мувофиқлиги хусусида фикрларини очиқ баён этади.

Ҳусан Карвонли мақолалари ўзининг ҳаётийлиги, пухта ўйланганлиги ва типиклаштирилганлиги билан алоҳида эътирофга лойиқдир.

Шу ўринда Том Вулфнинг аксар ўринларда воқеани учинчи шахс тилидан бериш мақсадга мувофиқлиги хусусидаги фикрини инобатга олган ҳолда, ўзбек журналистикаси ва бадиий адабиётида ҳам бу усул маъқулланганлигини айтиш керак.

Улуғ адиб Абдулла Қаҳҳор бу ҳақда гапираркан, “Асарнинг биринчи шахс тилидан ёзиш ижодкорни чеклаб қўяди”, дея муаллиф тилидан воқеани баён этиш яхши самара беришини таъкидлайди.

“Аслида, эса асарнинг санъат даражасини ҳодисаларнинг ким тарафидан ҳикоя қилиниши эмас, балки ёзувчининг бадиий маҳорати белгилар экан”, деган фикрни билдиради адабиётшунос олим Абдулла Улуғов.

⁴⁶ Сайид Ҳ. Туғилдингми, бу дунёда толибсан! — Т.: Маънавият, 2007. 76-бет.

Дарҳақиқат, икки мулоҳазани ҳам ўринли деб топган маъқул. Негаки, айни пайтда адабий жараёнларда шу нарса аниқланаяптики, ёзувчи ёки журналистнинг воқеа-ҳодисага ёндашуви, жамиятнинг қайси қисмини қамраб олиши, биринчи ёки учинчи шахс тилидан ёритиши кўп вазиятларда унинг нуқтаи-назари ва дунёқарашига боғлиқдир.

Фикримча, воқеанинг аксар ўринларида муаллифнинг гапи устун туришини инкор этмаган ҳолда, баъзи вазиятларда қаҳрамон тилидан берган афзаллигини таъкидлаш керакдир. Муаллиф “сўз”и, қаҳрамон “гап”идан кўра кенгроқ қамровга эга. Бироқ, бир образ орқали бутун жамиятнинг муаммоларини олиб чиқишнинг ҳам иложи бор...

Маълумки, миллий журналистикамизда рамздан жуда унумли фойдаланишади. Рамз — воқеа устуни. Янги журналистика қоришиқ жанр, услуб экан, демак, унда насрнинг илдизидан унган муҳим хусусиятлари уч беради. Шулардан бири рамз орқали ифода этилади. Рамз шубҳасиз, аудиториянинг энг узоқ вақт ёдида қоладиган унсурлардан саналади. Рамз ҳам матбуотга сингиб бораётир.

“Рамз ҳаёлнинг ва ҳаётнинг шартли ифодасидир, — дейди ўзбек прозасига лотин америкаси насри хос элементларни киритаётган адиб Назар Эшонқул. — Адабиётнинг илоҳий кучи, қудрати шу рамзларнинг қай даражада ифода этилганлигига боғлиқ, яъни рамзлар инсоннинг тасаввур ҳудудини, гўзалликка эҳтиёжини қондира оладими-йўқми? Инсоннинг гўзаликка бўлган эҳтиёжини фақат илоҳий нарсалар қондира олади. Рамзларга зухур этилган гўзаллик илоҳийдир. Навоийдаги рамзларни, ўхшатишларни ўқисангиз, адабиётни илоҳий куч эканлигини ҳис этасиз. Шарқу Ғарбдаги шоиру адиблар рамзлардан қай тариқа фойдалана олишига қараб дунё шохсупасидан жой олганлар. Наср ҳам, назм ҳам асл рамз, метафора, воқеликнинг тимсолидир. Воқеликнинг айнан ўзи гўзал эмас, унинг тимсоли гўзал”.

Фаррух Жабборовнинг рамз ҳақидаги фикрини айтиб ўтиш жоиз: “Асар, у хоҳ публицистик, хоҳ прозаик бўлсин, газета саҳифаларида тугаб

қолмаслиги, балки инсоннинг онги ва тафаккурида давом этиши керак. Унинг давомийлигини эса айнан бадий рамзлар таъминлайди. Рамз воқеаликка қараганда хотирада кўпроқ сақланади”.

Хулоса. Тимсоллар нафақат муайян ғояни китобхонга сингдиришга хизмат қилади, балки воқеаликнинг муҳим таркибий қисми, айтиш жоиз бўлса, детал вазифасини ҳам бажаради ва ўқувчи шу рамз воситасида ўзига хулоса чиқаради. Яна бир сабаб, ҳар ким рамзни турфа хил талқин қилади. Бундан ташқари рамзлар миллийликка хос бўлиши ҳам мумкин. Репортёрнинг вазифаси ҳам шунга биноан кенгайиб бораверади.

2.3-§. “Воқеани кўрсатиш — асосий мезон” принципи

Қадимдан журналистик асар жамоатга қарата айтилган. Яъни, шу орқали жамият фикри шаклланган, онги ривожланган. Журналистик материалнинг тагида қуйидаги функциялар ётади:

- А) Ахборот бериш
- Б) Таъсир кўрсатиш
- С) Тушунтириш

Умуман олганда, шу хусусиятлар орқали инсоният бугунги кунгача аудиториянинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириб келди. Эндиликда бу оммавий ахборот воситаларининг хусусиятини кўрсатиш методи бойитди. Негаки аудиториянинг талаб ва истаклари шуни кўрсатар эди, бунинг устига аудиториянинг дунёқараши анча ўсган эди. Америкаликлар энди журналистик материалда фақат ахборотнинг берилишини оддий, деб тушунар, эҳтирослар билан ёзилган мақолалардан ортиқча таъсирланмас, тушунтиришларга нисбатан ҳам қарашлари ўзгарган, журналистнинг бир ёқлама ёндашувига ўз нуқтаи назари билан қарарди. Шу маънода уларга воқеани борица кўрсатиш талаб этиларди. Кўрсатиш орқалигина уларнинг талаб ва истакларини қондириш мумкин эди.

Ижодкор маълум воқеаликдан таъсирланаркан, унинг объекти албатта бирор ижтимоий муҳит бўлади. Қаҳрамон шу муҳитда ўсади ва воқеаларни шу муҳит таъсир остида амалга оширади. Демак, асардаги образ орқали маълум бир шахс, инсоният ва жамиятнинг қиёфасини кўриш мумкин. Шунда ҳам журналист асосий янгиликни танлаб, саралаб бўлгачгина

газетхонга тақдим этади. Воқеанинг тугал чиқишида интервью олиш муҳим аҳамиятга эга. Лекин муҳим респондентдан чигалликка ечим топиш учун ҳам катта тажриба керак.

“Интервью — бу усул маълумот олишнинг энг кенг тарқалган тури бўлиб, бундан бутун дунёдаги журналистлар фойдаланади. Америкалик тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, журналистлар иш кунининг қарийб 80-90% интервью олиш билан ўтади”⁴⁷.

Интервью олиш масъулияти журналистдан катта маҳорат талаб қилади. Албатта, воқеани кузатишдан кўра унинг моҳиятини сўраб-суриштириш кийин кечади. Албатта, ҳар бир аудитория учун ўз ҳудудида бўлиб ўтаётган янгилик ва воқеа-ҳодиса, бошқа жойда содир бўлаётган воқеаликдан кўра қизиқроқ. Янгиликларнинг асосланиши бевосита мухбир жойлашган ҳудуддан топилган факт, аниқ маълумот ва уларнинг тезкор етказилишига боғлиқ. “Америка мухбирлари “Ҳар кимнинг ўз “beat” — даласи бор, ўша далада унган нарсаларни теради”, дейишади”⁴⁸.

Демак, шахс жойлашган ҳудуд ва у ердаги воқеаларни аниқлик билан кузатиши шахс ва жамиятнинг қиёфаси, психологиясини очиб беришда муҳим ўрин тутаяди.

“Агар мавзу воқеалик бўлса, мақсад — кўрсатиш, қандай бўлиб ўтаяпти, бу репортаж жанри, иш усули эса кузатишдир”⁴⁹.

Янги журналистика отаси Том Вулфнинг “Радикал дабдаба ва яшинқайтаргични қандай синдириш мумкин?” nonfictionида кузатишнинг аҳамияти кўринади. Асар икки қисмдан иборат: “Радикал дабдаба” ва “Яшинқайтаргични қандай синдириш мумкин?”.

Мазкур асар машҳур бастакор ва оркест дирижёри Леонард Бернстайн ҳақида. Албатта, янги журналистикада шахс феномени юқори даражада акс этишини инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки, айнан Леонард Бернстайннинг шахсий ҳаёти аниқ ва батафсил очиб берилгандир. Леонард

⁴⁷ Лукина М. Технология интервью. — М.: Аспект Пресс, 2003. 3-стр.

⁴⁸ Фихтелиус Э. Журналистиканинг ўн қондаси. — Т.: Шарқ, 2002. 38-бет.

⁴⁹ Шибаева Л. Жанры в теории и практике журналистики. www.evartist.narod.ru

Бернстайн маълум уйқусизлик касаллигидан азоб чекади ва тунлари туриб кетиб, ўзи билан ўзи гаплашадиган одат чиқаради. Ҳатто туғилган кунида...

“Икки, уч, тўрт тунги соат, бу авлодда нимадир бор. 1966 йилнинг 25 август. Унинг 48 ёши, туғилган куни. Леонард Бернстайн аллақандай ёввойи таҳлика ва бўғиқ қоронғилик ичида уйғонди. Унда энди боягидек ҳолат — уйқусизлик касаллиги акси кўринарди. У доимгидек бирор ишга ҳаракат бошлайди, ўзига қулайлик учун ишлайди. Ўрнидан кўзғалиб, хонада бироз гангиб юради. Ва бирдан айланиб, ўзини кўради. Унинг ўзи, Леонард Бернстайн, маэстро, олам тан олган...”⁵⁰.

Албатта, Том Вулф воқеани ёзиш жараёнида бир неча бор қаҳрамоннигида бўлганини, унинг ҳолатини аниқ кўрганини айтиб ўтади. Кенг жамоатчилик эътиборида бўлган шахснинг ҳаётини бундай усулда ёритиш бир ҳисобдан нотўғри, бироқ унинг ҳолатини барчага билдириш ҳам, у билан мулоқотда одамлар томонидан билдириладиган эътирозлар ва баъзи ортиқча қилиқ, уринишларни чеклайди. Қаҳрамон табиийлиги шунда кўринадикки, у ҳатто шу хасталик безовта қилаётган пайтда ҳам ўзининг доимий ўрганган машғулоти — гитара чалишдан безмайди, уни қўлига олиб чалаверади.

“Уни бутун бошли оркестр ва гуруҳ аъзолари куриб турарди. Бир томонда рояль, бир томонда гитара билан. Гитара! Бу носоз асбоб, аккордеондан ҳам ёмонроқ, худди Левиттуанада қисқа вақт мобайнида таълим олувчи ўқувчилар учун махсус ясалгандек эди”⁵¹.

Муаллиф қаҳрамон ҳаётига тегишли баъзи ўринларни Леонард Бернстайннинг дўсти, “Леонард Бернстайннинг шахсий ҳаёти” китоби муаллифи Жон Груэндан олганлигини таъкидлайди.

⁵⁰ Вулф Т. Радикальный шик и Как сломать громмоотвод. / Вулф Т. Новая журналистика и Антология новой журналистики. — СПб.: Амфора, 2008. 549–стр.

⁵¹ Ўша манба. 549–стр.

“Қоп-қоронғи тун. У қотиб қолган, мана шу ўй билан мияси банд: “Бернстейн урушга қарши жамиятни ҳаракатлантирибди”. Нима сабабдан бундай? Ҳақиқатда бу сенсация!”⁵².

Муаллиф унинг айти дамадаги ҳолатини бериш баробарида, унинг ўтмишини ва сиёсий жараёнларни гап остида қистириб ўтиб кетади.

“Оҳ,.....оҳ,.....Оҳ! Ажойиб таъм! Кичик пишлоқнинг бўлаклари, ёнғоқ мағзи билан. Баракалла! Қандай ажойиб таъм! Қуруқ сув намланадиган ёнғоқ тахир пишлоқ ичида ҳам яққол билинади. Айти пайтдаги энг тансиқ таом! Қизик, “Қора пантера”ни афзал кўришади? У кичик пишлоқ бўлаклари ва ёнғоқни хуш кўради. Ёки хуш таъмли ўсимлик устига суркалган қатиқни!”⁵³.

Маълумки, 1960 — 1970-йиллар атрофида қора танли аҳоли ичида “Қора қоплонлар” ташкилоти тузилади ва улар ирқий камситилишларнинг олдини олиш бўйича ҳаракатлар бошлайди, бироқ “қурол-яроғ билан ўзини ҳимоя қилиш”ни уддалай олмаганлиги сабабидан тезда уларнинг бошлиқлари ўлдирилади, қолган қисми қамоқхоналарга жўнатилади. Шу маънода Том Вулфнинг мазкур асарида сиёсий ҳаёт, кишиларнинг турмуш тарзи, давр руҳи акс этади.

Том Вулфнинг назарида, бу икки ҳолат, яъни, кўчадаги қора танли аҳолининг дарбадар ҳаёти, уларнинг ирқий камситилишлар ичида яшаётганлиги ва бунга қарши чоралар излаётганлиги бир томонда бўлса, иккинчи томонда, ҳаддан ортиқ дабдабага берилган инсонларнинг тақдири, ўзаро боғлиқлиги кўрсатилган ва солиштирилган. Шунинг баробарида у танқидга ўхшаш баъзи фикрларни бериб ўтади:

“Тубсиз, қоронғилик, минглаб юлдузлар билан! У бундай лаҳзани жуда яхши кўрарди. Юлдузлар кўкда, пастда, икки қаватли Пентхауснинг ҳар ерида, Манхеттен минорасининг усти... ажойиб инсонлар, худди осмонга тизилгандек. Жейсон Робард, Жон ва Д.Д. Райан, Жан Карло Менотти,

⁵² Ўша манба. 549-стр.

⁵³ Ўша манба. 550-стр.

Шайлер Чапмен... Стив Сондхейм, Адолф ва Феллис Грин, Бетти Комден ва Патрик О'нилз...»⁵⁴.

Таъкидланганидек, ёзувчи-журналист айтилажак “гап”ини турли усулларда газетхонга етказишга уринади. Бу хоҳ образ бўлсин, хоҳ тимсол бўлсин!

“Улар тирик инсонлардир!

Расмда муштлашиш, уриш, тўс-тўпалон! Ҳалиги, полиция уларни бошқармоқда, “Пантер”. Худди веътнамлик асирлардек бошлари бирма-бир ўтиб туради. Улар жуда ажойиб. Ўткир, худди устарадек”⁵⁵.

“Яшинқайтаргични қандай синдириш мумкин?” асари қаҳрамонлари Сан-Франциско чакалакзорларида яшовчи “рангли” исёнкорлар гуруҳининг аъзоларидир. Том Вулф воқеани ёритишда ҳаддан ортиқ ранг-баранг лексика қўлламайди, оддий ва тартибли усулда баён этади. Асарнинг энг катта ютуғи шундаки, биринчи ва иккинчи воқеалик гўё ўзаро боғлангандек. Муаллиф воқеани ёритишда ҳам айнан кўрсатишга алоҳида эътибор беради.

“Камбағаллар мавзуси мияда қандай туғилди, одамлар вақтларидан бир қисмини кўз остига олиб қўядилар...”⁵⁶.

Кириш қисмининг мубҳам берилиши ҳам унинг ўзига хос усулидир.

“Тушунарсиз, негадир кўпчилик шу ерлик аҳоли ҳиндулар тўғрисида ҳеч нарса билмайди. Агар сиз сахий қалбларча уларга нисбатан қочкин назарингизни улоқтирсангиз, тезда унутолмайсиз. Қачонлардир футболчиларни яқиндан кўрганмисиз? Кўчадами, масалан, ё кафедра. Кўз ўнгингиздан кетказолмайсиз, шундайин катта, қўрқинчли. Уларда ҳаммаси бўртиб кетган, ҳатто каллаларгача. Худди катта тарвузнинг ўзгинаси. Аммо кўзлари кичкина. Оғиз ҳам кичкинагина. Ёноқлар эса, умуман йўқ, деса ҳам бўлади. Қулоқлар эса пастда, улар аллақандай пайвандланган қозонга ўхшаш.

⁵⁴ Ўша манба. 551-стр.

⁵⁵ Ўша манба. 553-стр.

⁵⁶ Ўша манба. 562-стр.

Шундай туюлади, ҳамма футболистлар худди барча учун кўриш мумкин бўлган киефа эгалари. Ҳиндулар эса янаям каттароқ⁵⁷.

Умуман асар ҳиндуларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиб йиғилишлари ва бу жараёнда уларга қарши кучларнинг осонликча эркинликни қўлларига бериб қўймаслиги хусусида.

Ойлик маошини талаб қилган ҳиндулар эса турли хил баҳоналар билан пул бермасликка уринган мистер Жонсонга ва унинг шерикларига қарши бирлашган.

Муаллиф гарчи, бир четдан туриб воқеани беришга уринса-да, айрим жойларда унинг воқеага аралашиб кетиши тез-тез кўринади, баъзи ўринларда ҳиндуларнинг ишини ёқлайди. Бироқ асосийси, америка ҳиндуларнинг камситилишига қарши бу каби ишлар тарихнинг бир қисми сифатида аниқ кўрсатилган.

Барбара Л. Голдсмит. Янги журналистикада ҳам мухбирларнинг асосий эътибори бу жамият ҳаётида катта мавқега эга инсонларнинг фаолиятини кузатиш ва бундан келиб чиққан ҳолда материал тайёрлаш саналади. Шу маънода объектнинг қанчалик катта обрўга эга бўлиши, бу шунчалик катта аудиторияни қамраб олиш деганидир. Шахс феномени ёрқин намунасини Барбара Л. Голдсмит ижодида ҳам кўриш мумкин.

Янги журналистлар ичида ўзига хос ёндашувни қўллаган ижодкорлар орасида Барбара Л. Голдсмитнинг уринишларини алоҳида эътироф этмасдан илож йўқ. Унинг “La Dolce VIVA” (Тотли Вива) сарлавҳали мақоласи 1968 йилда “Nyu York Magazine” газетасида чоп этилади.

Муаллиф nonfictionда Вива ҳақидаги маълумотларни газетхонга етказаркан, унда асосий эътибор маълумот бериш баробарида, уни қизиқарли ёзишга уринади. Асар баъзи ўринларда муаллиф тилидан берилса-да, баридан қизиқарли жиҳати, қаҳрамон тилидан тайёрланган жонли интервьюдир. Яъни, Голдсмит ўзида бор маълумотларни баён этади ва қолганини қаҳрамоннинг ўзи гапириб беради. У воқеа жараёнига

⁵⁷ Ўша манба. 562-стр.

аралашмайди ва бир четдан туриб унинг ҳолатини кузатади, керакли нуқталарда кичик изоҳлар билан чекланади.

Масалан, Вива ўз ўтмишини гапириб бераркан, давомида ҳам репортёр савол бермайди, қаҳрамоннинг ўзи гапириб воқеаларнинг узлуксизлигини таъминлайди.

Nonfiction орқали газетхон қаҳрамон тимсолида “ўзини намоёни қилишми, бу?” деган саволга жавоб излайди. Барбара Л. Голдсмит воқеалар баёнига тўхталиб ўтирмайди, асосий эътиборни унинг ичида кечаётган туйғулар ва ички кечинмаларининг ҳаракатлари ҳолатига таъсир ўтказётганига қаратади. Муаллиф объектни мунтазам равишда кузатиб боради ва, энг муҳим, қизиқарли маълумотларни назардан четда қолдирмасликка ҳаракат қилади.

“Кундалик аёллар модаси” хабар беради; “Вива бу мода. У ҳар доим аёллар модаси билан ҳамроҳанг. Кийимида ҳам, ҳаётида ҳам”⁵⁸.

Аслида Вива киноюлдуз. Унинг учун барчаси “La Dolce”, яъни ширин бўлиши мумкин, фақат бу ташқаридан қарагандагина, холос. Аслида эса, муаллифнинг мақсади, унинг жамият эътиборида эканлигини кўрсатиш ёки гўзаллигини таърифлаш эмас, балки унинг ортидан улкан даромад олаётган инсонларни фойда қилиш, ундан фойдаланиб катта фойда кетидан қуваётган кишиларнинг кирдикорларини очиш, шунинг баробарида актрисанинг аянчли қисматини кўрсатишдир.

“...бир қорасочли бола уни кўчада кўриб қолади-да, ҳайратланганнамо шундай деб мурожаат қилади;

— Сизни телевизорда кўрсатишди! Мен роса севиндим”⁵⁹.

Виванинг шахвоний ҳиссиёт акс этган фильмдаги ролини қирқ нафардан кўпроқ бола ва қўшни университет талабалари келиб кўришади. Бунинг Виванинг ўзи гапириб, ўзи йиғлайди. Муаллиф моддият ва маънавиятни

⁵⁸ Голдсмит. Л. Барбара. La Dolce VIVA. / Вулф Т. Новая журналистика и Антология новой журналистики. — Санкт-Петербург.: Амфора, 2008. 342–стр.

⁵⁹ Ўша манба. 343–стр.

худди тарозига қўйгандек. Қаҳрамоннинг кўнглида кечаётган туйғулар эса унинг ҳаракатларида акс этади.

У машҳур, аммо бундан эндиликда у зада. Ҳатто қилаётган ишларидан ўзи азоб чекади. Ҳатто синглизининг эри борлигини айтиб, унга хаваси келади, бироқ унинг эри, аниқроғи эрлари тўла бахт бера олмаган, шунинг учун ҳам унинг қувончи ярим, кемтик. Гарчи барчаси “La Dolce” бўлса-да!

Эътиборлиси, журналист бирор нуқтада савол бермайди, кузатиш орқали изчил воқеа тизимини ярата олади. Кераксиз, воқеа ғоясига мос тушмайдиган жумлалардан воз кечади.

Ҳантер С. Томпсон. Айрим мутахассислар янги журналистика ва гонзо-журналистика жанрнинг отаси сифатида Ҳантер С. Томпсонни эътироф этишади. Гонзо-журналистика ҳақида тўхталсак. Гонзо-журналистика (ингл. “gonzo” — ақлдан озган, мияси айнаган) ақлдан озганлар, мияси айниганлар маъноларини билдириб, журналистикага кириб келган, баёнчининг чуқур субъектив ёндашувини биринчи шахс тилидан бериш ва муаллифнинг шахсий усулларида фойдаланган ҳолда кучли эмоцияга берилиш, ёзилаётган ҳодисани аниқ белгилаш ва бу ҳақида фикр юритишдир. Бунда иқтибос, сарказма (кучли киноя, заҳарханда), юмор, ҳайратланарли ва ҳатто меъёрдан ташқари лексикани қўллаш бу усулнинг асосий унсуридир. Бу терминни биринчи мартаба АҚШдаги “The Boston Globe” журнали муҳаррири Билл Кардозо 1970 йили “Scanlan’s Monthly”да чоп этилган Ҳантер С. Томпсоннинг мақоласини ўқиғач ишлатган.

Кардозо таъкидлашича, бу “Gonzo” сўзининг замирида ирланд жамоасида Жанубий Бостондаги ухламай тун охиригача туришни уддалаган ва спиртли ичимликлар марафонида қатнашган кишиларга нисбат ётади. Бундан ташқари, испан тилида “gonzagas”, атамаси “мен сенга аҳмоқ бўлдим”, “тутуруқсизлик, бемаънилиқ” сингари маъноларни билдиради.

Албатта, Ҳантер Стоктон Томпсоннинг ижодида янги журналистикага қўшган ҳиссасида ҳам гонзо-журналистиканинг таъсири сезилади.

Муаллифнинг “Дўзах фаришталари” nonfictionи “Penguin Books”да чоп этилади.

Хантер Стоктон Томпсон хотирлашича, унинг аҳволи ниҳоятда танг бўлиб, йирик маош келадиган жой йўқ. Турфа хил газеталарда ишлайдиган Томпсонга мунтазам даромад келадиган манба йўқ эди. Бир куни “The Nation” газетаси муҳаррири Кейри МакВильямс унга Калифорниядаги мотоциклда юрадиган безорилар “Дўзах фаришталари” ҳақида мақола тайёрлашни топширади. 1965 йилнинг 17 майида “The Nation” газетасида унинг “Мотоциклдаги дарбадарлар: имконсиз ва аутсайдерлар” номли мақоласи чоп этилади.

Шундан сўнг унинг мотоциклдаги безорилар ҳақидаги олти та материал тайёрланади ва кейинроқ 1966 йили “Random House” нашриётида “Дўзах фаришталари: дарбадар ва мотоциклдаги хўрланган безориларнинг кўшиғи” чоп этилади.

Хантер Стоктон Томпсоннинг бу ҳақидаги ишни хотирларкан, дейди: “Сюжет ноодатий эди, энг биринчи навбатда, мен буни зўр иштиёқ билан қабул қилганман, худди у менинг бировларга етказадиган ҳикоямдек туюлди. Бу пайтда воқеани ипидан игнасиғача кузатиб, ёрқин акс эттириш ва воқеаларни кўриб асабийлашмаслик, ўзини йўқотиб қўймаслик ҳамда шахсий, қизиқ ҳаётни аниқ гавдалантириш зарур эди”.

Буни ёритиш учун айнан ўша безорилар ичига йўл олади. Ёзувчи “Дўзах фаришталари” билан саёҳат қилади. Ичкиликбозлик базми, кайф-сафоларда қатнашади. Хантер Стоктон Томпсон баъзи вазиятларда блокнот ва магнитофларни қўллайди, у агрессивликдан қўрқмайди, мураса билан материал тайёрлайди.

“Дўзах фаришталари” ҳақидаги китоб унга катта шуҳрат келтиради. У Колорадонинг Вуди-Крикдаги машҳур ранчолардан бирини сотиб олади ва у ерда фаолиятини давом эттиради.

Баск Лейкга тўпланган омма ичида яшаган ёзувчи уларнинг бошлиғи — Крошки Бакстер ва Сони Банджерни кузатиб, воқеа тафсилотларини ўрганади ва ўзи учун керакли бўлган маълумотларни тинимсиз излайди.

Том Вулф унинг воқеани ёритишдаги маҳорати ҳақида сўз юритаркан, аввало, диалогларнинг жонлилигини алоҳида эътироф этади. Масалан, бир ўринда Крошки Бакстер ва Сони Банджернинг мулоқотидаги қуйидаги иборани киритиб ўтади. “Сен яхши биласан, шериф, биз ҳаммамиз янчилган, дабдала бўлганлармиз. Бу ерда бошқачаси йўқ ва бўлмаган”. Асарга пешсўз (эпиграф) сифатида “Хунлар” фильмидаги Атилла роли ижрочиси Энтони Куиннинг қуйидаги нутқи олинган.

“Ҳамма билади, бизнинг чавандозлар мағлуб,

уларда фақат хоҳиш бор холос.

Бизнинг атрофимизда эса, душманлар.

Бизнинг ўтмишимиз вино билан эмас, қон билан ёзилган.

Винони эса байрам ғалабасида ичамиз”⁶⁰.

Nonfiction давомида муаллиф воқеа баёнчиси эмас, уни кўрсатувчи ёзувчига айланади, журналист сифатида ўзига керакли маълумотларни излайди. Баъзи ўринларда ўзига топширилган топшириқни айтади.

“Мен аллақачон ўзимни тушундим, қачон, нимани сиқиб чиқариш тўғрисида. Биринчи навбатда, муаммоли вазиятнинг оқибатини белгилаш, вайронагарчилик ва тартибсизликни қандай бериш, иккинчиси эса ҳеч бўлмаганда стандарт топилмалар “ким, қачон, қаерда, нима учун” каби саволларга жавоб”⁶¹.

Янги журналистикада бошқа таҳририятларнинг уйдирмалар бераётганлигини айтиш энг яхши метод саналади.

Муаллифнинг жараёни ёритишда усталиги шундан иборатки, у ўша муҳитда яшаши баробарида, аниқ ҳолни кўради ва газета сотиладиган жойларга бориб, уни харид қилади. Газетада берилаётган маълумотларнинг

⁶⁰ Томпсон С. Ҳантер. “Ангелы ада”: сага страшная и странная. / Вулф Т. Новая журналистика и Антология новой журналистики. — Санкт-Петербург.: Амфора, 2008. 501–стр.

⁶¹ Ўша манба. 504-505-стр.

ҳақиқатдан госсиплиги, бир-бирига мос тушмаслигини ёзаётган nonfictionида келтириб ўтади. Бу эса ўз навбатида, воқеаларни солиштириш имконини беради, nonfictionнинг аҳамиятини оширади. Воқеани янада жонлантиради.

“... кейинги кун газеталар қичқиришди:

Басс-Лейкда зўрланиш!

Ёнғин ва таҳлика тоғли курортда!

Полиция “Дўзах фаришталари” билан ўқ отишаяпти!

Маҳаллий аҳоли қочиб қутилишаяпти!”⁶².

У мана шу усулда асарининг ҳақиқатдан ҳам nonfiction эканлигини “таъкидлаш”га уринади. Ваҳоланки, бу энг яхши усул ҳам эди, сабаби “Дўзах фаришталари” тўғрисида ўша пайтнинг ўзида газеталарда кўплаб ахборот берилаётганди. Ўқувчиларнинг эса маълумотларнинг қай бири тўғрилигини билмаслиги табиий ҳолдир.

У жонли репортаж тайёрлашда, энг асосий персонажлардан муҳим интервьюлар олади ва буларни қалаштириб ташламай керакли ўринларда ўқувчига дурдек беради. Баъзи ўринларда у “дўзах фаришталари”нинг психологиясини очишга ҳаракат қилади, бунда уларнинг диалоглари ва ўзаро суҳбатларидан фойдаланади.

Рекс Рид. Янги журналистикани тилга олганда Рекс Рид фаолиятини тилга олмай илож йўқ. Муаллифнинг “Кўринишингиздан толиққанга ўхшайсиз, Ава?” материали 1968 йили ёзилади. Nonfiction машҳур актриса Ава Гарднер ҳақида бўлиб, интервью давомида муаллиф гоҳ образ вазифасида, гоҳ журналист вазифасида ҳам кўринаверади.

Рекс Рид Ава Гарднернинг дастлаб айна кунлари ҳақида сўз юритаркан, ҳеч ким билан гаплашмаётганлиги, журналистлардан қочаётганлиги ҳақида айтиб ўтади.

“Сиз биласизми, у ҳозир ҳеч кимни кўришни хоҳламаяпти. Сиз омадли экансиз, у фақат сизга сим қоқаяпти” сингари гаплар “XX аср Фокс” матбуот хизматидан тез-тез эслатилади”⁶³.

⁶² Ўша манба. 517–стр.

Умуман олганда, асосий мақсад қаҳрамоннинг ташқи қиёфаси ва ички дунёсини очишга қаратилган. Эътибор қаратилса, қаҳрамоннинг атрофидаги ҳар бир детал унинг ҳаракатларига мос, ўша қаҳрамонга тааллуқли. Актриса учун хос бўлган ташқи кўринишга жуда катта эътибор Ава Гарднерда ҳам кўринади.

“...у кўркқан товукдек дириллаб кўринди, испан хизматкори матбуот хизмати вакилига нимадир деб минғирлади”⁶⁴.

Турли хил ўхшатишлар орқали ҳам ўзининг ғоясини ўтказиш пайига тушади, журналист. Ава Гарднер тимсолида товукка ўхшатиш берилиши ҳам бежиз эмас.

Ава бунӣ эшитгач:

“Менга ҳеч қанақанги матбуот агенти керак эмас, унга ишониш мумкинми?” деб худди аллақандай жинойткорона қаради”⁶⁵.

Албатта, муаллиф энг аввало, оммавий ахборот воситаларидан кўнгли қолган Ава Гарднерни интервью беришга кўндириши керак эди.

“Матбуот хизмати агенти девор ортидан бош чайқаб, унга гапиради:

— Биз сиз учун яна нимадир тайёрламоқчимиз. Сиз айна пайтда шаҳардасиз?”⁶⁶.

Мана шу гапдан сўнг у бироз юмшайди, бу унинг гапларидаёқ кўринади.

“ — Фақат мени шаҳардан четга суришади. Ҳамма мени ташқарига итаришади, асалим”⁶⁷.

Албатта, Ава Гарднернинг ароққа муккасидан кетганлигидан хабардор журналист унинг: “Сиз ичасизми?”, деганига ҳам қаршилиқ қилмайди. Чунки, воқеани очиш учун уни саволга тутишдан кўра индамай эшитиб, тинглаган энг маъқул эди.

⁶³ Рид Рекс. Вы спите в голом виде? /Вулф Т. Новая журналистика и Антология новой журналистики. — СПб.: Амфора, 2008. 97–стр.

⁶⁴ Ўша манба. 98–стр.

⁶⁵ Ўша манба. 98–стр.

⁶⁶ Ўша манба. 98–стр.

⁶⁷ Ўша манба. 98–стр.

Муаллифнинг маҳорати шунда кўринадикки, у қаҳрамон қандай гапирса шундайлигича қоғозга туширади, унинг гаплари Ава Гарднерга хос тарзда берилади. Шу билан биргаликда, қаҳрамон воқеаларни ўқувчига ҳикоя қилиб бераётгандек таассурот уйғонади, газетхонда. Воқеани журналист эмас, айнан қаҳрамон ёзгандек туюлади ва у ўз хотираларини кишиларга сўзлаб бераётгандек туюлиб, давомини ўқишга иштиёқ уйғонади.

Мана шу жараёнда муаллиф мақолада онг оқими ва онгости оқими усулларида фойдаланган. Масалан, қаҳрамон ароқ ичиб, чуқур кайф остида бошидан ўтказган воқеа-ҳодисаларни ҳикоя қилиб бераркан, унинг онгостида яширин ётган хотиралари кўз ўнгида жонланаверади. Бунда аввало, унинг бирга яшаган кишилари ҳақидаги муҳим маълумотлари ҳам айтилади. Аллақандай кулгили тарзда берилса-да, унда дард ҳам акс этади. У биринчи “йигит”и Жон Ҳастон ҳақида гапираркан;

“Бошқа бундайини қидирмадим, дейди. У эса Эвелин Кейсга уйланди. Ўзимни қўлга олдимми? Бу шаҳарда кучли бош оғриғи тутди”⁶⁸.

Материал давомида у кўча-кўйда ўзи ҳақида юрган гапларни айтиб ичдан куйинади, гарчи биров кайф остида бўлса-да.

Умуман олганда, кулгили берилаётган бу воқеалар ўқувчини ўртак олишга ундайди. Маст қаҳрамон борини ўзи айтиб бераркан, бир жихатдан унга нисбатан ўқувчининг ичида ачиниш туғилади. Қаҳрамон баъзи ўринларда ўзини тутолмай, қўпол сўзлар ишлатиб юборади. Бироқ бу унинг ўз ўтмишидан, ўзи нафратланаётганлигидан далолатдир.

Қаҳрамоннинг айна пайтдаги ҳолати ҳам ўзгармаган. У ҳалиям бировларнинг “ноғора”сига ўйнаб юради. Ҳатто журналистнинг ўзи ҳам унга дакки беради.

“Мен унга огоҳлантириш бердим, чунки шу минн юбқада у худди Вассар коллежи талабасига ўхшарди.

— Вассар, — дея бош чайқади Ава. — Нима уларда ҳамма вақт шундайми?”

⁶⁸ Ўша манба. 99–стр.

Воқеа “Ридженси” меҳмонхонасида бўлиб ўтган қисқа вақт ичида тайёрланган интервью бўлса-да, жудаям оригинал даражада олинган ва миридан-сиригача шахс ҳамда жамиятга дахлдор қусурлар очиб берилган. Асар сўнгида қаҳрамон — Ава Гарднер кейинги вақтда “топган” эри Сенди Кауфаксининг олдида ошиқади. Чунки, у Сент-Луисда мусобақага тайёргарлик кўраётганди.

“ — Менга анави телефонни узата оласизми? Сент-Луисга охирги рейс қачон экан? Кеннедига телефон қилиб билиш керак. Мен Сенди Кауфаксни севаман. Мен ўша еврейни севаман. Худойим, ўзим ҳам яхудийман-ку! Испаниялик еврей Шимолий Каролинада. Официант!”⁶⁹.

Рекс Риднинг услубидан ўрнадиган жиҳатлар жудаям кўп. Масалан, у воқеани аёл тилидан беради. Унинг асарида жараён тизимли акс эттирилган. Осмондан тушгандек қаҳрамон ҳолати берилмайди, балки у воқеанинг келиб чиқиши, ҳолатни юзага келтирувчи — олдинги ҳаётни қаҳрамон тилидан келтириб, шу орқали ишни далиллайди.

Трумен Капоте. Таъкидланганидек, интервью олишда, репортаж тайёрлашда шахс ва жамият феномени муҳим аҳамият эга.

Трумен Капотенинг “Қон қайнаганда” (In cold Blood) романи 1959 йилда АҚШнинг Канзас-Сити шаҳрида содир этилган ваҳшиёна қотиллик тўғрисида. Канзаслик фермер мистер Герберт Клаттер ва унинг уч нафар оила аъзоси мана шу жиноятнинг қурбони бўлишади. Роман тўпланган маълумотлар асосида 1966 йилда ёзилиб тугатилади.

У репортаж-романнинг тайёрланиши ҳақида фикр юритаркан, ўзи шахсан бориб воқеа жойини бориб кўрганлиги, ҳужжатларни титкилаганлиги ва бу тўғрида билган кишилардан интервьюлар олганлигини таъкидлаб ўтади. Бундан ташқари ишни ёритишда унга “Нью йоркер” журнали ходими Уильям Шоуннинг катта кўрсатмалари асқотган.

⁶⁹ Ўша манба. 108–стр.

Воқеа учинчи шахс тилидан ҳикоя қилинади. Асосан икки ракурсда баён этилади; биринчиси, икки қотил иши, кейингиси эса бағрикенг канзасликларнинг осуда ҳаёти... Гўё адиб-журналист мана шу икки ракурс орқали уларнинг ҳаётини солиштиради, бири-бирига қиёслаб, маълум маънода инсоннинг тақдири ўз қўлида эканлигию уни қандай кечириш ўзига боғлиқлиги ва жиноятчига ҳам жазо берувчи борлиги хусусида фикр ташлайди, ўқувчи онгига. Айни пайтда у воқеаларни бир четдан туриб кузатади ва уларнинг ичига араллашиб кетмай, хулосани ўқувчининг ўзига қолдиради.

Асарга Франсуа Вийоннинг қуйидаги сатрлари эпиграф қилиб олинган.

“Биз худди сен каби яшаймиз, ортиқ эмас.

Ўйлама, ахлоқсиз инсонларга жазо муқаррар.

Унинг жавобига эътироз билдирмаймиз,

Назар-ташлаймиз ва ёрдам берамиз, худонинг эса ҳукми муқаррар”⁷⁰.

Трумен Капотенинг мазкур асарининг моҳиятига назар ташланса, унда яхшиликнинг ёвузлик устидан ғалабаси ва “қинғирлик”нинг охир-оқибат очилиши, Худо томонидан жазоланиши ҳам акс этади.

“Майами Бич, Оушн Драйвдаги ерга қўндирилган 335 иморат, алоҳида ажралиб турган оқ, кир бинафшаранг кичкинагина отель жойлашган. Оддийгина унинг устида осилган; “Бўш номерлар бор. Энг арзон нархларда. Ҳаммаси пляжда дам олиш учун. Енгил шамол оғушида”⁷¹.

Муаллиф асарни пейзаж орқали жонлантиради. Воқеаларга оид ҳар бир детал устига муайян маъно-мазмун юклайди. Объект атрофидаги ҳар бир керакли, воқеани ёритиш жараёнида асқотиши мумкин бўлган унсурларни назардан четда қолдирмайди ва уларни асарга киритиб ўтади.

Трумен Капоте воқеани ёритишда айбдорни турли йўллар билан жазолашга уринмайди, уларнинг тақдири мисолида жазоланганлигини кўрсатиш билан чекланади. Эътибор қаратилса, ёзувчи-журналист айнан

⁷⁰ Капоте Т. Хладнокровное убийство. — СПб.: Азбука, 2011. 9-стр.

⁷¹ Капоте Т. Не дрогнув. / Вулф Т. Новая журналистика и Антология новой журналистики. — СПб.: Амфора, 2008. 188–стр.

жиноят содир этилган жойнинг тасвирини келтираркан, жиноят содир этилишига қулай жойлигига бир ишора қилиб ўтиб кетади.

“Холкомб кўрғони Ғарбий Канзаснинг буғдой ўсувчи текислигининг қок ўртасида жойлашганди, бўғиқ ўлка, ҳалиги, бу жой маҳаллий аҳоли тилида “у ер” деган маънони билдиради. Ғарбий чегара эса Калорададагача 70 милни ташкил этади. Бироқ кўкимтир осмон ва шаффоф чўллик ҳавоси тезда Қадимги, Марказий Ғарбни эслатарди”⁷².

Жиноят мана шу жойда содир бўлади.

Асарга Франсуа Вийон шеъридан келтирилган эпиграф бекорга эмас. Эпиграф орқали китобхон, асарни ўқиш мобайнида, жиноятчиларнинг фош этилишини “кўради” ва уларнинг худо томонидан кузатилиб, тезда жазоланганини англайди.

Трумен Капоте воқеани ёритиш жараёнида ўқувчи кўнглига таъсир ўтказадиган деталларни ҳам изчиллик билан бериб боради.

Масалан, Герберт Клаттернинг қизи — Нэнси Клаттернинг янги йил байрами ўтгач, яна бир ёшга улғайиши тўғрисида маълумот келтиради. Бироқ:

“Нэнси Клаттернинг туғилган куни доимо янги йил ўтгач, тезда бўларди. Унинг дўсти Бобби Рапага бира тўла учта туғилган кунга совға олиш, баъзан бу ҳалақит қиларди. Боланинг бир вақтнинг ўзида иккита совға тайёрлаш муаммосида боши ачирди... Ўтган йилда Бобби унга юракча шаклли медал совға қилади. Бу йили эса, илгарироқ бошланди, танлов — замор духиси, бу Норрисдаги дорихонадан харид қилинган, ёки отда миниб юришга мўлжалланган этик. Аммо Нэнси бу дунёда йўқ”⁷³.

Адиб проза услубида ҳар бир ҳолатга ёндашади. Юқорида келтирилган, совға деталининг берилиши ҳам айнан шунга қаратилгандир. Эндиликда, Нэнси ва Бобби ўртасидаги муҳаббат ҳам жиноят ортидан ўлди.

⁷² Капоте Т. Хладнокровное убийство. — СПб.: Азбука, 2011. 11-стр.

⁷³ Капоте Т. Не дрогнув. / Вулф Т. Новая журналистика и Антология новой журналистики. — Санкт-Петербург.: Амфора, 2008. 193-стр.

Жиноятчилар Дик ва Перри жазоланади. Улар чуқур изтиробга тушган ҳолда “ич-эти”ни еб борадилар ва текширув натижасида аниқлангунча жуда кучли рухий сиқилиш ичида яшайдилар.

Ёритилган мавзуни ҳар жиҳатдан очиб беришда бошқа матбуотдаги берилаётган материалларга алоҳида эътибор қаратиш керак. Бу метод уни асослашда қўл келади.

Трумен Капоте шундай йўл тутди. Образ Элвин Дюи “Канзас-Сити стар”да чиққан материални кўриб қолади.

“Жиноят учун дор, ўлим! Мақола “Ассошэйтед Пресс” репортёри томонидан ёзилганди. Унинг давомида шундай дейиларди: “Ричард Южин Хикок ва Перри Эдвард Смит жиноят содир этганлар бугун тонгда ўлдирилди. Улар Канзас штатида эса қоларли қонли жиноятни уюштирган. Хикок 33 ёш, биринчи ўлим, соат 0:41. Смит эса, 36 ёш, 1:19 да ўлдирилди”⁷⁴. “Ҳақиқат ва орифлик яшайди, ёлғон ва фосиқлик ҳалокатга маҳкум. Ҳукумат аралашмаслиги керак, маъбодо ёлғон ғалаба қилган тақдирда ҳам, ҳақиқат яшовчандир”, дея таъкидлаган эди Ж.Мильтон.

Умуман олганда, бугунги кунда прозада ёзувчилар сюжет борасида тахминан 32 та усулдан фойдаланишади. Журналистикада эса бунақа жиҳатларга эътибор қаратилмайди ва асосан ахборот олинади, берилади. Журналистлар уч-тўртта умумий сюжетдан фойдаланишади. Булардан кенг тарқалгани материалнинг бош қисмига лидни бериш ва аудиторияни мақола мазмуни билан таништириш, кейин асосий қисм, унда ахборотнинг мазмуни муҳим ўрин тутди. Энг охирида хулоса берилади.

Хулоса. Биз доимо янгилик ахтариб яшарканмиз, бунда фақат кўрган нарсаларга ишонишга ҳаракат қиламиз. Айниқса, ахборотлашган жамиятда ким қанақа ахборот тарқатаётгани хусусида иккиланамиз. Бунда ўзимиз хулоса чиқаришимизда кўрсатиш бирламчи аҳамиятга эга. Айниқса, бугунги замонавий ахборотлашган жамият биздан шуни талаб қилмоқдаки, унинг

⁷⁴ Капоте Т. Хладнокровное убийство. — СПб.: Азбука, 2011. 454-стр.

аслини сохтасидан ажратиш учун борини борича аудиторияга тақдим этиш яхши самара беради.

Юқоридаги кичик тадқиқотдан маълумки, биз янгича ёндашувлар орқали Том Вулф, Трумен Капоте, Барбара Голдсмит сингари журналистларнинг бой услубларини ўрганиш имконига эга бўламиз. Детал топиш, асар сюжетини чизиш ва унинг тугуни, ечими хусусида муайян тажриба олиш имконига эгамиз. Шунинг учун ҳам уларнинг ишлари ҳар қанча тадқиқ этишга арзийди.

Учинчи боб. ЖУРНАЛИСТИКАДА ЖАНРЛАР ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИ

3.1-§. Журналистикада жанрлар инқирози ва интеграциялашув.....

Жанр масаласи журналистикада доим долзарб саналган. Бу биринчидан, журналистни шу жанр доирасида қолипга солиб қўйса, иккинчидан, аудиторияга ахборот беришда биров чигалликларни келтириб чиқариши мумкин, деган тушунча ҳам бор.

Аристотелнинг “Поэтика” асарида жанрлар хусусида тўхталиб ўтилган. Жанрлар масаласи ўша даврда ҳам муҳим саналгани бежиз эмас. Шунинг учун жанрлар ҳақида тушунча бугун пайдо бўлган эмас, деган тўхтамга келиш мақсадга мувофиқ. Унинг фикрича, наср, назм ва драма йўналиши доим қўлланилиб келинади.

Хўш, журналистика соҳасида ҳам жанрларга эътибор қай даражада? ХХІ асрга келиб, жанрлар журналистикада йўқолиб кетадими? Шу кунгача яшаб келаётган жанрлар инсоният учун етарлими? Келажакда қандай жанрлар пайдо бўлиши мумкин? Албатта, бу каби саволлар ҳар бир кишини ўйлантириши, шубҳасиз. Албатта, бу журналистикани янада ривожлантириш,

эскича қолипларни четга суриб, янгича ёндашувлар яратиш имконини беради.

“Қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга етказишда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларида битта-иккита мақола ёки кўрсатув билан чекланиш керак эмас. Қабул қилинган қонунларни атрофлича муҳокама қилиш, юртдошларимизнинг уларга муносабатини ифода этадиган таҳлилий материаллар, кўрсатув ва эшиттиришлар, афсуски, жуда кам”⁷⁵.

Журналистика доим яшашда давом этади. Унинг объекти — жамият ва бугунги яшаётган янги тарих. Яратилаётган янги ўзгаришлар. Демак, унинг таракқиётида доим авж паллада бўлади. Эҳтимол, бошқа фанларни келажак авлод ўрганиб яқунлаши мумкиндир, лекин журналистикада бундай ўйлаш, ноўрин назаримда. Журналистика жанрлари хусусида ҳам шундай тўхтамга келишга асослар етарли, негаки унинг қамрови ниҳоятда кенг.

“Янгиликлар электр нури, сув ёки газ каби ҳаётий хизматлар қаторида кўриладиган бўлиб қолган. Биргина телевизор тугмасини босиш, радио “қулоғини” бураш ёки эшик тагида ётган газетани қўлга олиш биланок одамлар дунёнинг барча қисмларидан сўнгги янгиликларини билишга одатланиб қолган”⁷⁶.

Журналистик жанрлар пайдо бўлганига ҳам кўп бўлгани йўқ. Эътибор қаратсак, дастлабки ахборот тарқатишда асосан хабарлар кўринишига эга бўлган бўлса, яъни Рим императори Юлий Цезарнинг “Акта синатус” газетасида шу жанрга оид маълумотлар бериб борилган бўлса, кейинчалик газеталар оммалашгунга қадар хабарлардаги маълумотлар одамларнинг эҳтиёжини қондиролмай қолди. Хабарлар асосида ёзилган янгиликларгагина аудитория қизиқиши сақланиб қолди.

⁷⁵ Мирзиёев. Ш. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт таракқиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь) — Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2016. 9-10 бет.

⁷⁶ Hatchen W.A., Scotton J.E. The world news prism. — Iowa State.: Press, 2002. p.30.

Июган Гуттенберг ихтиросидан сўнг бутун дунёда аста-секинлик билан газеталар пайдо бўла бошлади. Улар мунтазам чоп этилиши баробарида ўзига хос аудитория тўплай бошлади. Аудиториянинг талаб ва истаклари эса журналистлардан янгича ишлашни талаб этарди ва бунинг натижасида журналистикада янги жанрлар пайдо бўлди. Энди очеркларга эҳтиёж ортда бошлади. Бирин-кетин эсселар ёзила бошланди ва бу аудитория томонидан илиқ кутиб олинди.

Франция буржуазияси даврида журналистлар ўзига хос йўлдан юриб, жамиятдан очкўзлик, бойларнинг майда савдогар ва деҳқонлар синфини аёвсиз талашини фелетонлари орқали кўрсатиб берди. Ўша давргача барча жанрлар матбуотда акс этарди. Асосан XVII аср атрофида деярли бугунги кунгача сақланиб келинаётган жанрлар дунёга келди.

Яна бир муҳим жиҳатни эътиборга олиш керакки, жанрлар бевосита жамиятнинг талаблари асосида шаклланди ва ривожланиб борди.

Жаҳон журналистикасида энг ривожланган дея эътироф этиладиган АҚШ, Буюк Британия, Германия ва Франция матбуотида ҳам жанрлар масаласи бирламчи ҳисобланган. Ушбу мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари тарихига назар ташлаб шуни кўриш мумкинки, жанрлар ҳам жиҳатидан чекланмаган ва улар иложи борида воқеаликни тўлақонли тасвирлаш учун барча услуб ва усуллардан фойдаланишган. Барча жабҳаларни қаламга олиши баробарида аудиториянинг ахборотга бўлган талаби қондирилган. Боз устига ўша даврда одамларнинг вақти нисбатан чекланмаган ва эркин бўлгани ҳолда газетадаги ҳар бир материални синчиклаб ўқиган ва бунга муносабат билдирган. Шу орқали газеталарда муайян аудитория шаклланган. Мақсадли аудитория эса бора-бора забт этила бошланган. Бунда шубҳасиз, таҳририят бевосита газета материалларига суянишган. Шу орқали уларни тутиб туриш мумкин бўлган.

“Биз ҳозир ахборот жамиятида яшаймиз. Бугунги жамият аъзолари турли соҳаларда ўз юмушлари билан банд ва уларнинг ўзлари хоҳлаган ахборотни қидиришга вақтлари йўқ. Албатта, ҳозирги истеъмолчилар айнан

уларни қизиқтирадиган, дидига мос келадиган шаклдаги ахборотларни кутадилар. Зарур ахборотни кутишга уларда вақт ҳам, имконият ҳам йўқ. Бугунги кун ўқувчиси информацияни кўпроқ ва тезроқ олиш иштиёқида. Ана шу сабабдан журналистлар ўзлари тақдим этаётган ахборотнинг нақадар аниқ ва тўлақонли эканлигини билишлари керак”⁷⁷.

Албатта, журналистика қайси даврда ва қайси тузумга хизмат қилишидан қатъи назар ўша даврдаги маълумотларни олган. Буни ҳар бир даврнинг ўзи юритган сиёсати мисолида янада яққол кўришимиз мумкин.

“Бошқача қилиб айтганда, публицистика шу замон муаммоларини шу замон кишиларига етказиш, шу замон муаммоларига жамоатчилик фикрини уйғотиш мақсадига хизмат қилувчи ижод туридир. Публицистиканинг ижодий таркибида фан, адабиёт, сиёсат мавжуд бўлиб, у буларнинг умумий синтезидан ташкил топади. Публицистика адабиёт ва санъатда ҳам кенг ифода этилади, аммо унинг кенг ва бемалол иш кўрадиган майдони матбуотдир”⁷⁸.

XX асрнинг иккинчи ярмида эса журналистикада жанрлар аудиториянинг талаб ва истакларига жавоб бера олмади. Эндиликда жанр деган тушунча бироз эскириб жанрлар умуман журналистик материал сифатида берила бошланди. Шунинг учун миллий матбуотимизда ҳам журналистик материалга умумий ном билан “мақола” ёки “хабар” атамаси қўлланилиб келинмоқда.

“Замонавий технология янгиликларининг тартибсиз ҳаракатлари содир этилиб турган бир пайтда, технология — журналистикага мавжудлик бахш этади, деган фикр ўринсиз кўринади ва шу сабабли унга, технологик муҳитда журналистиканинг ўзгаришларга мунтазам мослашиш ва таъсир қилиш механизми, дея таъриф бериш тўғри бўлади”⁷⁹.

Эътибор берсак, бугун ахборот тарқатишда илгаригидек батафсиллик сусайган. Яъни қуруқ ахборот бериш шаклига ўтила бошланган. Шу маънода

⁷⁷ Smith D. Introduction to journalism. — USA.: 2010, 7-бет.

⁷⁸ Худойкулов М. Журналистика ва публицистика — Т.: Тафаккур, 2001. 19-бет.

⁷⁹ Conboy M. Journalism studies. — N.: Printed in USA, 2013. p.139.

фукаролик журналистикаси элементлари акс этмоқда. Аммо ахборотнинг тарқатиш масаласида муаллиф позицияси устиворлиги камайган. Бундан ташқари осон ва енгил ахборот узатиш тезкорлиги, интерактивлиги боис жанр деган тушунча ўз аҳамиятини йўқотиб бормоқда, деган хулосага ҳам келиш мумкин.

Биринчидан, хабар, янгилик, ёки бирор воқеаликни ёзаётган муаллиф уни таҳлил қилиш, тушунтириш ва чиройли ёзишдан кўра унинг тез аудиторияга етиб боришига аҳамият қаратмоқда.

Иккинчидан, уни айнан журналист ёзаяпти, деб ҳисоблаш ҳам ноўрин.

Учинчидан эса, интернет тизимида фаолият юритаётган нашрлар ўртасидаги кескин рақобат ахборот бозорида янада катта бурилишларни юзага келтираётганида, деб ҳисоблаш мумкин.

Тўртинчидан эса, аудиториянинг ахборот олишга бўлган талаб ва эҳтиёжлари вақт масаласи сабаб бирмунча торайганлигида, дея эътироф этиш ҳам тўғри бўларди.

Шунинг учун бугунги кунда баъзи оммавий ахборот воситалари(асосан, интернет сайтлари ва онлайн газета нашрлари, радио ва телевидениелар) “яланғоч ахборот” бериш билан чекланиб қолмоқда. Албатта, бу жараёнда муаллифлик ҳуқуқи масаласи, боз устига журналистнинг услуб ва усулига путур етиш ҳолатлари кузатилади. Яъни, чоп этилган мақола қайсидир маънода иккинчисига ўхшайди. Сўзлар ҳам, сюжет ҳам, янгиликнинг кўриниши ҳам, демак, журналист услуби йўқолади. Журналист услуби йўқолгач, бевосита жанрлар кўринишида ҳам бирхиллик юзага кела бошлайди.

Бугун журналистикада жанрлар камайиб бораётганлигини, уларнинг кўпчилиги оммавий ахборот воситалари саҳифаларидан чиқиб кетаётганлигини кўришимиз мумкин.

Эндиликда ушбу жанрлар умумий қоришиқ ҳолда матбуот нашрларида пайдо бўлмоқдаки, буни кўпчилик гибрид жанрлар, деб аташмоқда. Чунки, янги жанрлар (агар шундай атайдиган бўлсак) ўзида бир қанча жанр

элементларини акс эттирмакда. Масалан, репортажга хос янгилик, мақолага хос таҳлил, шарҳга хос статистика ушбу тайёрланаётган материалда ҳам кўриниши мумкин.

Ахборот бозоридаги катта рақобат эса журналистларни янада қаттиқроқ ишлашга ва жанрларга эмас, кўпроқ ахборот беришга эътибор қаратишга ундамокда. Шу маънода жанр тушунчаси бироз эскиргандек туюлмокда.

“1960-йилларга келиб оммавий ахборот воситалари сиёсий таркибини ўрганиш орқасида “сиёсий иқтисодиёт” деб ном олган ёндашув журналистика маҳсулотларининг таълимий структурасини баҳолаб берди. Бу Гамхам (1979) томонидан чоп қилинган асардаги тадқиқотлар ичида тўлиқ ўз аксини топган.

Курран (1980) бошқа сиёсий хабарлар билан бир қаторда тартибли сарлавҳаланган янгиликлар билан инсонларни қизиқтирадиган ҳикоялар тижорий даромад келтиришга имконият беришини кашф этади. Америкалик олимлар Херман ва Чомиски (1988) журналистикани сиёсий ва иқтисодий рағбатлантирувчи кучларини тадқиқ этувчи долзарб таҳлилни амалга оширди ва бунинг натижасида юзага келадиган маълумотларни саралаш ва цензуралар қўйишда яширин ҳамда очик структураларни тузиб чиқди. Уларнинг ҳисоб-китоблари бугунги оммавий ахборот воситаларидаги талаблар учун ҳали-ҳамон ўта аҳамиятли ва мисли кўрилмаган ёндашув бўлиб хизмат қилиб келмокда”⁸⁰.

Дарҳақиқат, замон тараққий этгани сайин бугунги кундаги журналистика мезонлари ҳам ўзгариб, янгиланиб бораверади. Сиёсий иқтисодиёт таҳририятларнинг ижодий имкониятларини ошириб юборди, муҳаррирлар олдига ҳам жамият, ҳам таҳририят талабларидан келиб чиқадиган талабларни қўйди. Бу борада демак, журналистларда ўзлари истаган информацияни тарқатиш ва унда хоҳлаган маълумотни бериш имконияти пайдо бўлди.

⁸⁰ Conboy M. Journalism studies. — N.: Printed in USA, 2013. p 71.

Шу маънода жанрларнинг йўқолиб бориш сабабини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

- Ахборот бозоридаги ўта тезкорлик;
- Аудиториянинг вақт масаласидаги муаммолари;
- Журналистикадаги талаблар ўзгарганлиги;
- Ахборот тарқатишдаги бир хиллик;
- Интернет тизимининг жадал суратлар билан ривожланиб бораётганлиги.

Шунинг баробарида журналистикада бугун кўпгина жанрлар урфдан чиқиб кетаётган бўлиши мумкин. Масалан, памфлет, очерк, эссе, фелетон сингари журналистик жанрлар бугун кам чоп этилмоқда ва ўқилмоқда. Демак, биров газеталарда информация беришга ихтисослашув пайдо бўлмоқда, дейиш ҳам мумкин. Бу жараёни интернет сайтлари жуда тезкорлик билан бажариб келаётганлиги эса ўз навбатида аудиториянинг тез ва аниқ ахборотга бўлган талаби юқори эканлигини тасдиқлайди.

Аммо шуни ҳам қайд этиш керакки, йирик жанрлар йўқолиб кетмаяпти, балки баъзи катта жанрлар ичига қоришиб кетаяпти. Баъзи журналистик материаллар бошқа жанрлардаги ўзига хос жиҳатларини ўз ичига қамраб олаяпти. Масалан, интервью баъзи ўринларда суҳбат жанри орасида, ёки репортаж орасида келган ҳолатларни кузатишимиз мумкин. Ёки таҳририятда хабар жанри орасида интервью кетишига журналистлар деярли аҳамият беришмайди ва бу ҳолат одатга айланган, дейиш ҳам мумкин. Буни тадқиқотчилар, жанрлар ўртасидаги интеграциялашув сифатида баҳолашмоқда.

“Маърифат” газетасининг 2015 йил 22 март сонида чоп этилган қуйидаги мақолага эътиборингизни қаратамиз.

Мақолада янгиариқликларнинг ўзига хос спорт сайли ёритилган.

“Шу пайт аёллар томонидан шодон кулгу эшитила бошлади.

— Буларнинг ичида энг қариси икковимиз Ҳилол дугона, энди биргалашиб “жури”лик қиламиз-да, қабатингизга ўтирай, — дея Қизлархон

момо дугонасининг ёнига ўтиб, қизларни бир-бир чақира бошлади. — Қани Жупарнинг қизи сендан бошлаймиз, ма бештошни ўйна-чи”⁸¹.

Бу каби интеграциялашув жараёнини АҚШ матбуотида жуда илгаридан кўришимиз, кузатишимиз мумкин. Бунинг кўпгина сабаблари бор, масалан, унда ўзига хос ахборот бериш, муҳим маълумотларни қалаштириб ташламай, бор-борича акс эттиришга уриниш бор. Воқеани жонлантиришдаги ҳиссасини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

“ — О-о-о-о-о, — бакирди генерал. — Ажойиб! Ажойиб! Эсда қоларли даражада! Пастлашамиз, қараймиз, пастда кимдир қолганди.

— Сиз қаердан билдингиз, нима вьетконголик у ёкдаги майдончага илинганди, самолёт тутаяптими?

— Биз ва умуман ҳеч нарсани билмаймиз. Ваҳолангки, улар жуда ёмон ҳолатда. Шунинг учун биз бутун ўрмонни ёндирамиз”⁸².

Бу каби маълумотларни, ҳикоя таржида беришга уринишларни кескин танқид қиладиганлар ҳам учрайди.

“Жон Теббел “The Old New Journalism” номли “Saturday Review” газетаси тақризига доир мақоласида янги журналистикани кўздан кечириб, умумий қиёфада бу худди янги тенденция эканини келтириб, унинг фантаст-ёзувчилар ҳикоя қилиш технологиясини газеталарда беришини қаттиқ муҳокама қилди, эътироз билдирди”⁸³.

Ҳақиқатан, журналистикадаги интеграциялашув бошқа жанрлардан фақат журналистик материал ичидагина фойдаланиш имконини бермоқда. Бу барча турдаги оммавий ахборот воситаларига ҳам кўчганлигини кўриш қийин эмас. Буни яна бир жиҳатдан “сиёсий иқтисодиёт” сифатида ҳам баҳолаш тўғри бўлса керак.

“Голдинг ва Мурдок (1991) биргалашиб сиёсий иқтисодиёт, коммуникация ва маданият уйғунлашувини теран таҳлил қиладиган ҳисоб-

⁸¹ Жангиров Ж. Спорт сайли. Маърифат газетаси. 2015 йил, 22 март. 23-сон.

⁸² Томалин Н. Генерал идёт в атаку на Чарли Конга. // Вулф Том. Новая журналистика и Антология новой журналистики. — СПб.: Амфора, 2008. Стр 314.

⁸³ Tebbel J., The Old New Journalism. — Saturday Review, March 13, 1971, pp. 96–67.

китобни амалга оширадilar. Бу ёндашув профессионал меъёрли вазифаларда акс этган структуравий чекловларни тасвирлаш билан бир қаторда сиёсий-танқидий, нисбатан якка тартибдаги хатти-ҳаракатини тушинтириб берувчи қийинчиликларни ҳал қилади. Коттел ҳамда Доел (2003) журналистикани дунё миқёсида бирламчи алоқа саноатларидан бири ҳисобланган соҳа сифатида намоён бўлган ҳозирги даврда амалда юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликларни тадқиқ этувчи сиёсий-иқтисодий моделининг энг замонавий таснифини ишлаб чиқди.

Шу кунларда кўпчиликнинг қизиқишига сабаб бўлаётган ҳолатлардан бири Оксфорд университетидаги журналистикани тадқиқ этишга ихтисослашган Рутер институтидан босиб чиқарилаётган иш ҳисобланади. Неви ва Нелсон томонидан нашр этиладиган “Журналистикани ўзгартирувчи бизнес ва унинг демократияга хавфи” ҳақидаги ушбу китоб ўз сарлавҳасида назарда тутилган турли хил мамлакатларни қамраб олади ва бир томондан сиёсий қарашлар билан шуғулланадиган оммавий ахборотнинг анъанавий кўринишига раҳна солиши мумкин бўлган тартибда технологик инновациялар қандай амалга оширилиши ва бошқа томондан журналистикани принципларидан кўпини кўриб чиқишга имконият яратадиган муаммоларни ҳал қилади. Ушбу китобда илгари сурилган масалалардан бири шуки, бу китоб технологияни исталган кўринишини изоҳлаш учун эмперик ва бошқа мутасадди манбаларни жалб этади. Бу шунингдек, журналистларга ва сиёсатдонларга эндиги даврда оммавий ахборот воситаларининг сиёсий иқтисодиётини қайтадан кўриб чиқишга чорловчи бўлиб хизмат қилади”⁸⁴.

Шубҳасиз, қайсики газетанинг иқтисодий аҳволи қониқарли даражада ривожланган бўлса, унинг ижодий аҳволи ҳам шу даражада барқарор бўлади. Жанрлар қоришиб кетишини яна шу жиҳат билан боғлаш мумкинки, жанрдан кўра бугун аудиторияга ахборот муҳимроқ.

⁸⁴ Conboy M. Journalism studies. — Printed in USA, 2013. p 71.

Биринчидан, илгаригидек одамларда бадий пафос билан ёзилган материалларга эҳтиёж камроқ.

Иккинчидан, аудиториянинг савияси илгарига караганда бирмунча ўсган, дейиш мумкин.

Учинчидан, газета саҳифасининг нархи баландлашгани, экологик муаммоларнинг пайдо бўлиши ҳам бунга сабаб бўлиши мумкин.

“Кейинги 20 йил давомида босма нашрлар, хусусан, журналлар янги шароитга мослашишга ҳаракат қилишмоқда. Асосий мақсад ўз ўқувчиларини сақлаб қолиш, ҳозирги мураккаб шароитда журнал чиқаришни давом эттиришдан иборат. Ҳозирги даврда босма журналистика энг қийин босқични бошидан кечирар экан, у ҳам янги технологик имкониятларга мурожаат қилишга мажбур. Қандай қилиб бўлса ҳам кишиларнинг журнални ва журнал ичидаги материалларни харид қилишларига эришиш лозим. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, журналларни сақлаб қолиш учун ўқувчилар кутаётган анъанавий мақолалардан ташқари уларни қизиқтириши лозим бўлган янги таҳлилий материалларни ҳам бериб бориш керак. Бугунги рақамли ахборотлар муҳитида босма нашрни давом эттириш ўзига хос масъулият ва меҳнат талаб этади. Хўш, бундай ҳолатда журнал обуначиси, ёки харидори ҳозирги ахборот босимини қандай кўтара олади? Анъанавий журналистик маҳорат афсуски, янгидан баҳоланмоқда. Замонавий ўқувчи рақамли ахборотдан фойдаланадими, ёки босма нашрларданми, бу тарқатилаётган ахборотнинг сифати билан бевосита боғлиқдир. Демак, журналлар ўз аудиторияси йўқотмоқ учун тинмай изланишлари, янги-янги лойиҳаларни тадбиқ этишлари жоиз. Тўғри, босма ахборот электрон ахборотдан бир неча бор қиммат бўлиши мумкин. Шу сабабдан ҳам газета ёки журналлар рақамли ахборот майдонида учрамайдиган рақобатбардош материалларни танлашлари ва ўқувчиларга етказишлари керак”⁸⁵.

Бугунги кунда журналистикада фрилансер, стиранжер, фуқаролик журналистикаси деган атамалар жуда кўпайиб бормоқда. Ахборот тарқатиш

⁸⁵ Conboy M. Journalism studies. — Printed in USA. 2013. p. 72.

тизими ўзгариб бормоқда. Аммо шуни ҳам таъкидлаш керакки, журналист вазифасини дунёнинг ҳар бир чеккасида яшаётган одамлар бажара бошлади. Шунинг учун журналистикада жанр сифатидаги хусусиятлар ахборот бериш орқали ўз кадр-қимматини пасайтирди.

“Хуррият” газетаси 2007 йил 21-мартида чоп этилган сониди Иброҳим Норматов “Журналистикада маҳорат керакми ёхуд унутилаётган жанрлар хусусида” сарлавҳали мақоласида ўзбек матбуотида жанр тушунчасининг тобора йўқолиб бораётгани, журнал ва газеталарда жанрлар ўзаро бирикиб кетгани хусусида фикр билдирилган.

Шундан ҳам билиш мумкинки, журналистикада жанр хусусиятлари тезкор давр талаблари асосида камайиб бормоқда. Ваҳоланки, жанрлар доим аудитория талаблари асосида шаклланиб борганини инобатга олсак, янги журналистика ҳам бу борада муҳим ўрин тутди, десак янглишмаймиз.

Албатта, журналистикадаги жанрлар ўртасидаги йўқолиб кетишни ва уларнинг ўзаро интеграциялашуви жараёнини ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатдан баҳолаш мумкин.

Эътиборли жиҳати эса, янги жанрлар пайдо бўлишига уриниш бошланади. Шу давргача журналистика соҳасида мавжуд бўлган жанрлар ўринда янгилари пайдо бўлади ва соҳа ривожланишига эришиш имкони туғилади.

“Энди журналистикада бошқа жанр пайдо бўлмайди, барчаси ўтган даврдаги жанрлардан ўзлаштиради, улар яна оммавий ахборот воситаларига қайтади”, деган тушунча билан яшаш эса журналистикага зарар етказди, деб ўйлаш мумкин.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда интеграциялашув сабаб жанрлар эррозияга учраётган эса-да, бу айнан жамият талаби сифатида англаш қийин эмас. Ваҳоланки, аудиториянинг талаб ва истаклари ҳам анча ўзгарганини журналистика англаётгани барчага маълум.

3.2-§. Nonfiction жанрлар синкретикаси

Жанрларни таркиби ва хусусиятига кўра куйидаги гуруҳларга бўлганмиз:

“Публицистика жанр нуқтаи назаридан учга —

- Ахборий жанрлар
- Таҳлилий жанрлар
- Бадий публицистикага бўлинади”⁸⁶.

Жанрлар хусусиятига кўра бир биридан тамоман фарқ қилади. Мухтор Худойқуловнинг фикрига кўра, улардан бошқа жанр турлари журналистикада топилмайди. Аммо бугунги кунга келиб жанр хусусиятларига кўра, бир-бирига яқин бўлган жанрлар ва ўзаро қоришиқ жанрлар пайдо бўлганки, уларни жанрлар интеграцияси сифатида кўришимиз мумкин.

Кўпчилик жаҳон матбуотига фикр билдириб турадиган тақризчилар фикрига кўра, бугунги кунда журналистика(матбуотда, телевидениеда ва

⁸⁶ Худойқулов М. Журналистика ва публицистика — Т.: 2001. 19-бет.

радио)да жанрлар хилма-хил кўринишга эга ва боз устига улар ўзаро қоришиб кетган. Жанрларнинг бундай кўринишга келишида биринчи навбатда, ахборотга бўлган жамият эҳтиёжи муҳим ўрин тутди.

“Публицистика бадиий адабиётдан сюжет, композиция, образлилик, тип ва образлар яратиш, бадиий тўқималар каби ижодий воситаларни олади. Буларнинг ҳаммаси публицистикадаги асосий мақсадага, айтимокчи бўлган фикр, қақирилмокчи бўлган ижтимоий хулосаларга хизмат қилади”⁸⁷.

Янги журналистика, nonfictionни ҳам бемалол адабиёт ва журналистика ўртасида пайдо бўлган йўналиш ҳамда жанр сифатида белгиласак бўлади. Ҳатто адабиётда буни адабий жанр сифатида ҳам беришади.

Г.В. Лазутина “Журналистика — фақат матн ишлаб чиқарувчи фаолият эмас. Журналистика ҳамкорликни яратувчидек кўринади, хилма-хил публицистик кучларнинг ижодкори, алоҳида инсонларнинг мақсадларини тарқатувчи оммавий ахборот оқимидир. У бу турдаги ҳамкорлик товарларини йиғувчи саналади”⁸⁸.

Шу хусусиятдан келиб чиққан ҳолда ҳам англаш мумкинки, узоқ тарихий йўлни босиб ўтган журналистикада бугунга келиб жанрлар тўхтаб қолмайди. Жамият ривожланиб бораркан, кишиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжи ҳам доимо ортиб бораверади.

Жанрлар маълум хусусиятидан келиб чиққан ҳолда фарқланишини яхши биламиз. Айтайлик, интервью жанрида кўпроқ савол билан мурожаат қилиш унинг муҳим унсури саналади.

Мақолада эса кўпроқ таҳлил ва баён этиш услуби кўпроқ аҳамиятга эга, десак адашмаган бўламиз. Янгиликдан кўра, фикр ва услуб ўзига хос бўлиши мумкин. Асосан, муаллиф тилидан материал баён этилади ва баъзи ўринларда пафосга берилиши ҳам мумкин.

Шарҳга хос жиҳатлар эса кўпроқ статистик маълумотлардан фойдаланиш, детал тўплаш ва ушбу фактлардан унумли фойдаланишдан

⁸⁷ Худойкулов М. Журналистика ва публицистика — Т.: 2001. 19-бет.

⁸⁸ Русская пресса в поликультурном обществе: толерантность и мультикультурализм как ориентиры проф поведения: сб. статей / под ред. В.А. Ядова. М.: Независимый институт коммуникативистики, 2002. Стр 73.

иборат. Ёки фелетон ва памфлет жанрларида сатира орқали жамиятдаги чиркин нуқталар, инсонлар қаламга олинади.

Янги журналистикада эса жанрларнинг ўзаро қоришиб кетганини кўришимиз мумкин. Бу жанр деган хусусиятдан келиб чиқиб эмас, балки америка журналистикасига хос бўлган журналистика фақат ахборот тарқатишдан иборат, жанрлар эса фақат чигаллаштиради, деган хулоса тагида яширинганини таъкидлаб ўтиш керак.

Янги журналистикага хос бўлган ўзаро қоришиқлик унинг энг муҳим элементи ҳисобланади. Шунинг баробарида унда адабиётга хос жиҳатлар ҳам ўзига хос ўрин тутди.

Масалан, янги журналистика ижодкорлари фақатгина воқеани курук баён этиш билан чекланмайди. Кўрган-кечирганларини қоғозга тушириш жараёнида турли хил прозага хос жиҳатлардан фойдаланишади.

“Унинг тахминича, бу романнавислик технологияси. Бу жуда яхши иш бўлиб, журналистиканинг имкониятларини яна бир қадар кенгайтди”⁸⁹.

Маълумки, прозада ўттизта ўзига хос усул ва услублар бор. Лекин журналистикада бор-йўғи тўрт-бешта услуб бор, холос.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, янги журналистика амалиётчилари фаолиятини ўрганиш чоғида шу нарсани кузатиш мумкинки, янги журналистикада барча журналистик элементлардан фойдаланиш, усул ва услубларни қўллаш мумкин. Уларни имкон қадар керакли ўринларда ишлатиш талаб этилади.

Бугунги кунда газета бозорига назар ташласак, олди-қочди материаллар кўпайганини кўришимиз мумкин. Бунинг асосий сабабларидан бири ҳам турли хил криминал воқеалик, уйдирмалар, жиноят ва сиёсат оламида донг таратган инсонлар ҳаёти билан боғлиқ сафсаталарни аудиторияга тарқатиш орқали иқтисодий аҳволини ва обуначиларини кенгайтиришга уринишади.

Шу маънода миллий журналистикамизда жанрлар ўзаро қоришиб кетаётганининг сабабини қуйидагича баҳолаш мумкин:

⁸⁹ Arlen M.J., Notes on the New Journalism, Atlantic, May 1972. p. 47.

- ❖ **Ахборот бозорида ўрин топишга уриниш;**
- ❖ **Жанрларни тушунмаслик;**
- ❖ **Ҳамма интернет фойдаланувчиларнинг ўзига хос ахборот олиш, тарқатиш имконига эга бўлаётгани.**

Ҳеч бир элемент ўзаро бириккан ва уни алоҳида учратиб бўлмайди. Бунга бир қанча сабабларни келтириш мумкин. Соҳалар ҳам ўзаро боғлиқ.

Журналистикада асосан учта йўналишда трансформация бўлиши оқибатида жанрлар қоришиқ кўринишга эга бўлиши муаммоси тадқиқотчилар томонидан асосланган:

- ✚ Эволюция, яъни жанрлар тараққиёти;
- ✚ Диффузия, яъни жанрлар ўзаро бир бирига шимилиши;
- ✚ Алмашинув, жанрларнинг ўзаро ўрин алмашинуви натижасида.

Журналистик маҳсулот товарга айлангунча анча вақт ўтади, буни жуда қисқа вақт, дейиш ҳам мумкин. Мазкур уч жараёнда жанрлар ўзаро мустақил алоқага киришиши мумкин. Яъни, биз алоҳида жанр, деб ҳисоблаган интервью жанр нуқтаи назаридан эмас, балки боғлиқ ҳолда репортаж ва суҳбат ичида акс этиш ҳолатларига матбуотда кўп гувоҳ бўламиз.

Биринчи журналистикадаги жанрлар эволюциясига эътибор қаратсак, бунда кўп жиҳатдан маълум жанр таркибидаги хусусият такомиллашиб, ривожланиб ўзи алоҳида жанрга айланиши мумкин.

Иккинчиси журналистикада диффузия деб аталиб, бу ҳолатда эса бир жанрнинг хусусиятлари бевосита бошқа жанрга сингишиб кетади. У янги жанр сифатида бошқа жанрларни ўзига бириктириб олади.

Учинчисида эса, бирор жанр ўрнини иккинчи бир жанр эгаллайди. Яъни, аудиториянинг эътиборидан четда қолган бир жанр ўрнини янги(умуман эски бўлиши ҳам мумкин) жанрлар эгаллай бошлайди. Бунда материалнинг структураси ва жараён сақланган ҳолда орфографик ва стилистик жиҳатлар акс этган бўлади.

“Non-fictionда самимийлик, сирлилик жуда муҳим. Бу ўқувчи билан ишончли суҳбат — у жуда кадрли баҳоланади”, деб белгилаб ўтганди Варламов.

Nonfiction хусусияти жиҳатидан турлича бўлиши мумкин. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш ўринлики, муаллифнинг бунда маҳорати акс этиши, соҳани мукаммал билиши кўп жиҳатдан фойда беради:

- Илмий-оммабон;
- Ижтимоий-сиёсий;
- Иқтисодий;
- Мемуар ва биографик.

Бунда асар Одам ато ва Момо ҳаводан, Путин ва Пугачевагача бўлиши мумкинлигини тадқиқотчилар кўп бора эътироф этишади.

Албатта, бу жараёнда журналистдан ахборот саралаш борасида жуда катта билим ва тажриба талаб этилади. Аудиторияга энг муҳимини бериш журналистикага ишонч бахш этади.

“Америкалик социологлар оммавий ахборот воситаларининг бугунги дунёдаги ўрнини худди шундай таърифлайди.

Чиндан ҳам, журналистлар атрофдаги воқелик ҳақида хабар етказганда, жамият учун сараловчи вазифани ҳам бажариб келади. Гап шундаки, бизнинг кенг дунёмизда ҳар соат, ҳар дақиқа, ҳар сония нимадир содир бўлади. Лекин оммавий ахборот воситалари мана шу воқеаларнинг энг аҳамиятлисини саралаб, кенг жамоатчиликка етказди”⁹⁰.

Кўп қаттиқ тақдирни бошидан кечирган кишилар ҳақидаги асарлар бугунги кунда жуда долзарб десак, асло хато қилмаймиз.

“Ҳордиқ” газетасида узоқ муддат Нуриддин Исмоиловнинг “Соҳибқирон” номли асари берилганини барча муштарийлар яхши билади. Соҳибқирон тарихий образ эканини тушунган ҳолда яна бир жиҳатни қайд этиб ўтиш керакки, унда янгилик, газета учун янги гап сезилмаслигини барча

⁹⁰ Mayeux P. E. Broadcast news. Writing and reporting, 2nd ed. — University of Nebraska.: Lincoln, 1996. p.45

тушунади. Тарихий образлар ҳеч қандай журналистиканинг объектига кирмаслигини тадқиқотчилар кўп таъкидлашади.

Маълумки, панд-насихат, эртак йўналишларида — гномлар ва фаришталар, аждоҳолар, дев ва сеҳргарлик, одамхўрлар, арвоҳлар ва бошқа шу каби унсурлар журналистиканинг объектига кирмайди. Бу орқали кўпроқ газеталар ўз йўналишларини белгилаб олади.

- Гоя,
- система,
- назария,
- концепция,
- фараз,
- усул ва услублар

нафақат адабиётга шунинг баробарида журналистикага хос, ҳам дейиш мумкин. Энг биринчи навбатда, уларда — экзотик, парадокс, сенсацион, қарахтлантирувчи, кучли таъсир қилувчи ҳолат, ёки кўриниш муҳим саналади. Шу билан ҳам журналистиканинг объекти кенгрок, дейиш мумкин.

Бугун кўпгина фан-техника соҳаларида синергетика атамаси урфга кирди. Бу атама фанлар бир-бирига ўзаро чамбарчас боғлиқ эканини кўрсатади. Журналистикада ҳам шу жиҳатлар кўзга ташланаяпти. Кўпгина газеталар бош муҳаррирлари саҳифалаш жараёнида кўпроқ мақола деган сўзга эътибор қаратилаётганини таъкидлашади. Лекин унинг очерк, эссе, фелетон бўлиши аҳамиятсиз.

“1972 йили уни «Роман душмани» деб билиб, вақт эҳтиёжларини бадиий адабиётга кўчиб ўтишга эришишга (маълумки, журналистик материал тез эскиришини инобатга олиш керак), “тўғридан-тўғри» фантастик ресурсларни янги журналистикага киритишга ваъда берди”⁹¹.

Чиндан ҳам газеталардаги материаллар шу тобдаги аудитория талабларига ҳар жиҳатдан жавоб бериши талаб этилади, бу биринчи навбатда

⁹¹ Krim S. An Enemy of the Novel. — The Iowa Review .:Winter, 1972. pp. 60–62.

унинг ихчамлигини таъминласа, иккинчи навбатда маълумотларга кенг ўрин ажратилишини билдиради.

3.3-§. Ўзбек матбуотида янги журналистика

Аслида, янги журналистика АҚШ газеталарида пайдо бўлгани ҳақида тўхталиб ўтдик. Шунга қарамай янги журналистиканинг баъзи унсур ва элементлари, кўринишлари миллий матбуотимизда — Туркистонда жадид матбуотининг гуллаб-яшнаган даврида учраганини айтиш керак. Бу жараёнда Америка матбуотидаги сингари матбуотга маълумот етказувчи восита сифатида қаралмаган, улар маълумот беришда унинг холислиги баробарида халқни саводли қилишга алоҳида урғу беришган. Гарчи иқтисодий жиҳатдан тўла таъминланмаган бўлса-да, ҳеч қандай молиявий жиҳатлар уларни қизиқтирмаган, ўзлари йирик мулкдорларни газета очиш ва илм тарқатиш йўлида ҳисса қўшишга чорлаган. Иқтисодий имкониятлари анчайин абгор бўлишгани ҳолда ҳам, авом халқнинг кўзини очиш илинжида газетада турфа хил “теша тегмаган” янгиликлар бериб боришган.

“Янги қарашда шуниси аниқки, бирор ҳудудда, ахборот инсонлар ҳуқуқини кафолатлайди, бошқа жойда эса, жамоатчилик алоқаларида плюрализм ҳукмрон, ОАВ масъуллиги остида”⁹².

⁹² Симонов А.К. Саморегулирование журналистского общества / А.К. Симонов. М.: Институт Европы РАН, 2004. 15 с.

Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Самарқанд” газетаси 1913 йил 13 июльда чоп этилган “Ажаб воқеа” сарлавҳали материали

Жадидчиликнинг йирик намоёндалари Фансуроллобек Худоёрхон ўғли, Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев ва Маҳмудхўжа Бехбудийнинг мақолаларида жамиятнинг муаммо ва камчиликлари акс эттирилган. Айниқса, матбуотимиз дарғаларидан бўлган Маҳмудхўжа Бехбудийнинг ижодида биз қидирган янги журналистика элементларини кўриш мумкин. Албатта, бу борада аجدодларимиз фойдаланган ва топган маълумотлар ҳеч бир аудитория эътиборини тортмай қолмайди. АҚШ матбуоти шов-шувга эътибор қаратган бир пайтда илк миллий матбуот асосчилари саналган Бехбудий сингари ватанпарвар аждодларимиз асосли маълумотлар бериб боргани ҳар бир жуда аҳамиятли, дейиш мумкин.

Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Самарқанд” газетаси 1913 йил 13 июльда чоп этилган “Ажаб воқеа” сарлавҳали материалидаёқ омма эътибор қаратадиган, сенсацияга тортадиган материал топишга уриниш ва репортёрнинг жамият билан алоқалари самарасини кўриш мумкин.

Маҳмудхўжа Бехбудийнинг қуйидаги мақоласи ўзига хос тарзда ёзилган бўлса-да, унда қуруқ баён этилган, холос. Лекин юқорида таъкид этилганидек, қуруқ баён эмас, янги журналистикада воқеани кўрсатиш муҳим аҳамиятга эга.

“Хўжандда Абдулрофеъ маҳалласида Файзия деган эри ўлган бир хотин ила онинг 14 ёшлик бир қизи бор экан. Мазкур хотин ёшлик чоғида эрсиз қолганидан онинг ҳамсоёсида бўлган Зариф қори исмлиқ бир одам онинг аҳволидан хабардор бўлиб, дафъи эҳтиёжи хусусида баъзан ёрдам бериб турганини мазкур маҳалла аҳолиси айтадурлар.

Кунлардан бир кун 65 ёшга етган Зариф қори ўшал хотиннинг қизига муҳаббат қўйиб, олмоқ фикрида юрганида тақрибан 60 ёшлиқ Файзия хотун Зариф қорининг 16 ёшлиқ Зиёвуддин деган ўғлига ошиқ бўлур.

Бир кун бетоқатлигидан Зариф қори қизига ошиқ бўлганини Файзияга билдирганида бу хотун ҳам онинг ўғлига ошиқлигини изҳор этибдур. Ҳамда шунинг чораси топилса, унга-да бир чора топилмоғи мумкинлигини баён қилибдур.

Бу сўзни эшитиб, жону дилидан Зариф қори рози бўлиб, балатохир Файзия кампирни ёш ўғли Зиёвуддинга ва унинг 14 ёшлиқ қизини ўзига аҳд ва тўй қилибдур⁹³.

Жадид матбуотининг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, унда халқ турмушидаги икир-чикир мавзулар ва унинг таъсирига доир материаллар топилган, чоп этилган. Муаллифларнинг сара асарлари аҳоли катламларида саводлилик даражаси ниҳоятда паст (ўша даврда) бўлса-да, саводли кишилар томонидан аҳоли кўп тўпланадиган жойларда газетани ўқиб, бошқаларни ҳам воқеа-ҳодисалардан огоҳ этишган, халқнинг саводини чиқаришга уринишган.

Буни ажабтовур янгилик сифатида киритган муаллиф уни фақат гапириб беради, аслида эса янги журналистикага хос бўлиши учун воқеани кузатиши ва керакли нуқталарда қаҳрамоннинг гапини қўшиши, тўлароқ ҳодисани акс эттириши мумкин эди. Бу албатта, муаллиф ёки рўзноманинг хатоси эмас, чунки ҳар қандай сўз санъаткори ҳам биринчи навбатда ижод қилишидан аввал бевосита аудиториянинг “савия”си билан қизиқиши керак. Ҳали тўла шаклланмаган миллий матбуот учун бу сингари янгиликлар ҳам жуда аҳамиятли туюлгани рост.

Эҳтимол, бу мақоладаги детал ва қаҳрамонлар ҳаётий бўлиши мумкиндир, лекин “эмишдур”, “баён қилубдур”, “тўй қилубдур” сингари баён аудиторияга фақат ахборот берапти, холос. Ўша давр матбуотига назар ташласак, оддий маълумотлар бериб борилганини кузатамиз, бу бир тарафдан аудиториянинг барчаси бирдек саводли эмаслигини изоҳласа, иккинчи томондан ўқувчини шу билан ҳам ҳайратлантириш мумкин эканини изоҳлайди.

⁹³ Саидов Х., Тўхлиева Н. Репортёрлик маҳорати. — Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2008. 14-бет.

Янги журналистика 1960 йиллардан кейин вужудга келганини айтиб ўтиш керакки, юқоридаги мақола янги журналистикадан қарийб 50 йил олдин ёзилганини инобатга олсак, аجدодларимиз матбуот борасида ҳам илғор эканини тушунамиз.

Албатта, миллий матбуотимиз маълум бир муддат, айти 70 йил ичида таъқиб остида бўлди, журналистларнинг ижодида фақат СССР ҳукуматининг манфаатлари акс этди. Йирик сўз санъаткорлари ҳам унинг таъқибидан қочиб материал беришга тиришмасин, Бехбудий ва Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон яратган усуллар ривожланмади.

Авторитар тузум асосида шаклланган матбуот ўз йўналишига эга бўлиш учун йиллар керак эди. Эркин матбуот юритишга бўлган уринишлар барчаси “юқори” томонидан йўққа чиқарилди, десак асло янглишмаймиз. Матбуот халққа эмас, асосан совет ҳукумати ва улар ўрнатган тартибга риоя қилинар эди. Шунинг учун ҳам миллий матбуотимизда бир қатор оқсоқланишлар кузатилади. Ҳатто ўша иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврлардаги миллий матбуотимиз дарғалари ҳақида жуда кам маълумотлар бор. Улар фаолиятига ҳам тазйиққа учраганини шундан билиш мумкин.

Мустақилликдан сўнг ўзбек матбуоти яна жонланди ва барча оммавий ахборот воситалари сингари матбуотда ҳам жиддий янгиликлар кузатилди, кузатилаяпти. 70 йиллик зуғм остида “улғайган” журналистика янги тўн кийди. Матбуотда янги номлар пайдо бўлди ва улар ўзбек матбуотининг бугунги кунини, қиёфасини чиздилар.

Ҳусан Карвонлининг Маърифат газетасининг 2004 йил 3-ноябрдаги сонидида чоп этилган “Мактабдан қочиб кетган келинлар” мақоласи.

Улар ичида Ҳусан Нишоновнинг уринишлари ва изланишларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ҳусан Нишоновнинг мақолалари табиийлиги боис аксарият ҳолларда тилга тушади, шунга мувофиқ унинг таъсири жамиятда тезда кўринади. “Илғаб бораётир мени фасллар” туркумига кирувчи “Афсуски, тахминим тасдиқланди”, “Ароқ ичганмисиз?”, “Кимки кўп ишлар қилибди, демак, вақтдан тўғри фойдаланибди” ва “Мактабдан қочиб кетган

келинлар” сингари асарларида муаллифнинг ўзига хос ёндашувини кўриш мумкин. Унинг биргина “Мактабдан қочиб кетган келинлар”⁹⁴ мақоласини таҳлил қилсак, фикримиз далилланади.

Асар ҳақида тўхталадиган бўлсак, Бухоро вилояти Қоракўл тумани Шўробод қишлоғидаги 6-мактабда ўқувчиларнинг (балоғат ёшига етмаган 14, 15, 16 ёшда) йигитлар томонидан олиб қочиб кетилиши тўғрисида фикр юритилади. Ҳали мактаб ёшидаги қизларнинг олиб қочиб кетилиши ва эрта турмушга берилиши, натижада, унинг рўзғор ташвишларини бажаролмай қийналиши, бундан ташқари, баъзи бир оилаларда ҳомила келиннинг она қорнидаёқ нобуд бўлиши тўғрисида сўз боради. Бизни қизиқтирадиган жиҳат эса муаллифнинг баъзи ўринларда ёзувчиликка хос детал, ўхшатиш, ибора, йўналиш ва услублардан фойдаланганлигидир. Мақоланинг лид — бошланиш қисмида Ҳусан Карвонли воқеа бўлиб ўтганидан 7 ой олдинги воқеага эътибор қаратиб, муҳим деталларни келтириб ўтади.

“... шу куни менинг иккинчи фарзандим — ўғлим туғилди. Ўша куни баҳорда кузатиладиган камдан-кам ҳодиса рўй берди.

2004 йилнинг 6 апрел куни санъаткорлардан бирининг мактабни тугатмаган қизининг тўйи бўлиб ўтгани ҳақидаги хабар “сарик матбуот” сирасига кирадиган оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди”⁹⁵.

Шундан сўнг у воқеаларни баён этади. У воқеа жойига бориб журналист суриштируви ўтказади. Аммо таҳририятга ариза жўнатган кишини тополмаганини айтади-ю, муаммонинг жамиятда ҳақиқатдан мавжудлигини билиб, масаланинг моҳияти ва илдизини билишга уринади.

Ҳ. Карвонли воқеага дахлдор бўлган барча кишилардан интервью олиб, муаммони ечишга уринаркан, бир-бирига зид фактлар, бир-бирини қўллаб-қувватловчи фикрлар борлиги аён бўлади. Масалан, мактаб директори Чори Собиров даврида;

⁹⁴ Карвонли Ҳ. Мактабдан қочиб кетган келинлар. Маърифат газетаси, 2004. 3-ноябрь.

⁹⁵ Ўша манба.

“...таълим самарадорлиги бўйича рейтинг натижаларига кўра, тумандаги 47 та умумий ўрта таълим мактаби орасида, ...2002 йили 8-ўрин, 2003 йил 6-ўрин, 2004-йилда эса 4-ўринни эгаллаган”⁹⁶.

Бунинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, интервью пала-партиш олинмаган. Муаллиф воқеанинг илдизини қидиришни кетма-кетликда олиб боради.

Юқоридаги Хантер Стоктон Томпсоннинг “Дўзах фаришталари” nonfictionида ёзувчи ўз ахборот манбасини беш боқий саволга асосланган ҳолда олиб борини таъкидлаган ҳолда шунинг изидан боради. Кечиккан воқеаларни қаҳрамонлар топиб излашга уринади, ечимни эшитган воқеаларни умумлаштириш орқали топишга интилади.

Хусан Нишонов бевосита воқеанинг тагини суриштиришга интилади. У ҳеч қаерда шундай маълумот олиш керак, деб айтмайди. Аммо шуни ҳам алоҳида айтиш керакки, баъзан ҳаддан ортиқ кўп интервью олиш ҳам аудиторияни чарчатади.

“...2003–2004-йилда бир ўқувчи вилоят олимпиадасида 1-ўринни, яна бир ўқувчи чет тили бўйича 2-ўринни эгаллаган... шу сингари маълумотлари тақдим этади, туман Х.Т.Б мониторинг шўъба раҳбари Аҳмад Бобоқулов.

“...Қиз олиб қочиш одати азалдан бор. Йигит билан қиз бир-бирига кўнгил қўйгач, йигит қизни “олиб қочади” ва шундан сўнг тўй қилиб турмуш қурадилар”⁹⁷, — деган фикрни билдиради мактаб директори.

Умуман, таълим жараёнидаги ҳолат барчанинг наздида бинойидек. Журналист воқеа жараёни билан қизиқиб воқеа жойига боради-да, “кўпни кўрган кексалар” билан гурунглашади. Журналист қишлоқ аҳлидан интервью олади:

“Тўймурод Сувонов: — Қишлоқ фуқаролар йиғини қошидаги хотин-қизлар кўмитаси яхши ишламайди. Агар улар мактабга тез-тез бориб, қизлар

⁹⁶ Ўша манба.

⁹⁷ Ўша манба.

билан учрашиб, мулоқотда бўлиб туришганида, бу ғавғоларнинг олди олинган бўлар эди”⁹⁸.

“Карим Норкулов: — Ҳаммаси бекорчиликдан келиб чиқади. Қишлоғимизда аксарият ёшлар ишсиз. Телевизорда бугунги кунда юртимизда болалар спортга кенг эътибор берилаётгани ҳақида гапиришади. Ўша кўрсатилган шароитлар бизда ҳам бўлганда эди”⁹⁹.

Бундан ташқари, муаллиф воқеага дахлдор маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Гавҳар Шамсиеванинг фаолиятини “нима билан машғул”лигини ёритади, ота-оналар ва ўқувчилар йиғилишида кўтарилган мавзуларнинг охирини ахтаради.

“Бундан кейин ўқувчи қиз қочса, унга тўй қилинмасин (идиш-товоқ, дастурхон, стол-стул берилмасин), қишлоқ вакили, ўқитувчи ва ўқувчилар тўйга бормаслиги ҳақида қарор”нинг амалга оширилиши юзасидан баённомаларни кўриб чиқади.

“Воқеадан бироз илгарироқ 2003 йилнинг 10 сентябрида қизлар, 13 сентябрида ўғил болалар йиғилиши ўтказилиб, асосан, “қиз қочди” воқеаси муҳокама қилинган.

2004-йилнинг 19 январидида бўлган 7-9 синф қизлари йиғилишида ўқувчи қиз М. Б билан учрашиш учун қўшни мактабдан Б. Р, И. Ҳ, Х. Т исм-шарифли болалар келишгани муҳокама қилинган. Кўрилган чора-тадбирлар оқибатида М. Б нинг шаъни сақлаб қолиниб, йигитларнинг оталари ва синф раҳбарлари келиб кечирим сўрашгани таъкидланган. Ўқувчиларнинг туғилган кун, тўйларда спиртли ичимликлар ичишлари, айрим синф раҳбарларининг улар билан бир қаторда ўтиришлари қораланган”¹⁰⁰.

Мақолада муаллиф муаммонинг асл сабабини аниқлаб, тўла-тўқис ечимини топиб кўрсатмаса-да, йўл-йўлакай эътиборсизликнинг оқибатларини кўрсатиб ўтаверади. Газетхон муаллиф хулосасини кутиб ўтирмайди, бироқ

⁹⁸ Ўша манба.

⁹⁹ Ўша манба.

¹⁰⁰ Ўша манба.

жараённинг ўзида ўзича хулосалар чиқаради ва ўзига тааллуқли жиҳатларнинг синчков назаридан четда қолдирмайди.

Албатта, проза тили ва публицистика тили ўзаро фарқланади. Фикримиз юқоридаги мақолада ўз аксини топган. Агар баъзи ўринларда (эътибор қаратилган бўлса керак) интервью берувчининг нутқи газета “тили”га мослаштирилганини айтмаса, ўзида турфа хил наср элементларини жамлаган. Муаллиф тилида берилаётган — “ёш келин болани кўтаролмаган”, “олиб қочиш”, “оқ қанддек авайлаб, гард юқтирмай ўстирдим”, “гард теккан қанд бўлаги мол ёки паррандага берилади”, “илашган ёмон доғ”, “кўрмайин босилган тикон жабри”, “бахти кемтик” ва “ирода сустлиги” каби жумлалар гарчи мақолада акс этса-да, насрнинг муҳим белгиларидир. Одатда бундай жумлалар публицистикада учрамайди, бори ҳам сайқалланиб ҳамма учун тушунарли, оммабоп тилга алмаштирилади.

Муаллиф ҳикматлардан келтириб ўтаркан, миллий маънавиятимизга хос дидактик жиҳатга алоҳида эътибор беради:

“... Сўрамишлар:

— Дунёда ўлимдан ёмони нима?

— Қизингнинг ноқобил бўлиши!

Бу даҳшатни бошидан кечирганларнинг дилидан-да, тилидан-да, бундан даҳшатлироқ нидо чиқади:

— Қиз асрагандан кўра туз асрасам бўлмасмиди?!”¹⁰¹.

Мазкур диалог муаллиф тилидан берилгани боис, бироз прозаик хусусиятини йўқотгандек. Аслида қаҳрамон тилидан берилганида, аудиториянинг бунга эътибори ўзгача, янгича бўларди.

Nonfiction қаҳрамонлари ҳақиқатдан жамиятда яшаётган, мавжуд шахслар. Воқеа объекти ҳам ўйлаб топилмаган, аниқ жой — мактаб. Воқеани юзага келтирувчи куч, асар қаҳрамонларининг характери шакллантирувчи ижтимоий муҳит ва шарт-шароит — экспозиция бор. Муаммо ва

¹⁰¹ Ўша манба.

конфликтларни тугун сифатида кўрсак бўлади. Уч тур конфликтда ҳам муаммоларга жавоб изланади.

А. Қаҳрамонлар ўртасида

Б. Ички психологик

С. Жамият ва қаҳрамон

Мақолада лирик чекиниш ҳам учраши, уни ранг-баранг деталлар билан бойитган. Бу муаллифнинг ўз позиция ва фикрларини, салбий ҳамда ижобий томонларини беришда муҳим ўрин тутган. Масалан:

“Истасак истамасак, сочимиз, соқолимиз тинимсиз ўсаверади. Покиза турмуш кечиришимиз учун уларни вақтида тартибга солиб туришимиз шарт. Инсон истаклари ҳам шунга ўхшайди. Тийиқсиз истакларни вақтида тиймасак, ноқулай, ҳатто ёмон аҳволга тушиб қолишимиз мумкин...

...ҳамма истакларни ҳамма вақт ҳам қондиравериш мумкин эмаслигини балоғатга етмаган ўсмирларга катталар тушунтириши лозим”¹⁰².

Муаллиф фикридан англаш мумкинки, унинг воқеаликка муносабати ижобий эмас. Негаки, у танқидий йўлдан бориб, воқеанинг оқибатларини айтиш турмушдаги ҳолатлар билан боғлайди. Мисоллар орқали фикрларини баён этади. Муаммони келтириб чиқарувчи жиҳатларни бировга тўнкамай, ағдармай, бу таълим-тарбия уйғунлигига боғлиқлигини таъкидлайди.

Хусан Карвонлининг воқеани ёритишда хилма-хил усуллардан фойдалангани, асар боши ва охирини боғловчи “етти ой” жумласига алоҳида зарба юклагани синчков газетхонни сўнгги — хулосада (агар хулоса деб қабул қилсак) яна бир ўрнидан қалқтиради.

Шубҳасиз, АҚШ матбуоти, барча оммавий ахборот воситалари учун ўлим, шаҳват, сенсация мавзуси қанчалик долзарб аҳамият касб этса, маънавият масаласи ўзбек матбуоти учун шу даражада долзарб, дейишимиз мумкин. Бу каби мавзулар ҳар бир муштариини ўзига тортиши аниқ.

“... ҳаёт давом этмоқда.

Хўш, бу ой нимаси билан менинг хотирамда қолди?

¹⁰² Ўша манба.

Муборак рамазон оyi бошланадиган кеча автобусда мен Бухородан қайтаётган эдим. Ёмғир ёғди, қорга айланди, гўё излар босилгандек.

Ҳа, айтганча, ўша апрелда, қор ёққан кеча тўйи бўлиб ўтган санъаткорнинг машҳур қизи октябрда фарзандли бўлибди. Бу ҳақда кўп нусхада тарқаладиган бир газетада эълон қилишди.

Ўша газетани Қорақўлда ҳам севиб ўқишса керак”¹⁰³.

Янги журналистиканинг яна бир муҳим деталларидан бири бошқа газеталардаги шу хусусдаги материаллар билан солиштириш орқали аниқликка эришиш эканини юқорида ҳам таъкидлаб ўтдик. Муаллифнинг “Ўша газетани Қорақўлда ҳам севиб ўқишса керак”, деган жумласида ҳам ўзига хос маъно бор, десак янглишмаймиз. Негаки, бу журналистнинг қитмир характери, пичинг орқали нимадир дейишга шаъма ҳам бўлиши мумкин.

Юқоридаги ўзига хос пейзаж, детал ва ўхшатишларни ҳар ким ҳар хил талқин қилади.

Ёмғирнинг қорга айланишида ҳам муаллифнинг ўзига хос қараши, ғоя мужассам. Одатда бу каби ҳолатлар ва ўхшатишларни публицистикада жуда кам учратамиз. Шунинг учун ҳам буни янги журналистикага хос, дейиш имконига эгамиз ва бундан ташқари унда прозага хос қуйидаги жиҳатлар барқ уриб туради:

- Сюжет ўзига хос қурилгани;
- Матн баён этилмай, қаҳрамонлар қиёфасида тасвир этилганлиги;
- Прозага хос сир яшириш услубларидан фойдаланилгани;
- Пейзаж орқали қаҳрамон руҳиятини очишга уриниш;
- Воқеадан ўзига хос ғоя яратиш;
- Воқеанинг, тугун ва ечимнинг айнан бир жойда мавжудлиги.

Айтайлик, ушбу мақола оддий усулда ёзилганида аудиторияси ўқирмиди? Ёки одатий бир ҳолат “Соғлом турмуш тарзи”, “Эрта турмуш — келтирар ташвиш” тадбирлари доирасида ўтказилган тадбирлар бўлганида

¹⁰³ Ўша манба.

бирор ўқувчи қизиқиб ўқирди, дейиш мумкинми? Бу ҳам оғриқли савол дейиш мумкин.

Газеталарни варақлаш жараёнида шунга амин бўлиш мумкинки, одатий мавзулар муштарийлар томонидан севиб ўқилмайди. Қачонки, аудиторияни ўзига тортадиган материаллар бериб борилад экан, унда ўзига хос услублардан фойдаланилад экан, аудитория бунга қизиқади.

Детал эса, nonfiction бошида айтилган “ўша санъаткорнинг машҳур кизининг” кейинги тақдирининг қандай кечганлиги ҳақидаги маълумот. Эътибор қаратсангиз, муаллиф ўша келиннинг кейинги тақдирини юксак дид, маҳорат ва сирли тарзда кистириб ўтган. Апрель ва октябр ораси олти ой. Олти ойда туғилган бола эса....

Муаллиф боланинг чала туғилгани ёки унинг айнан олти ойда туғилганига назар ташламай, фақат орадаги вақтни келтириб бутун бир трагедия — фожеани инсон кўнглида ечим топиши учун унга ҳавола этади....

Ҳусан Карвонлининг юқорида келтирилган асарини энг бетакрор траго nonfiction, деб аташ мумкин.

Айтиб ўтилганидек, ўзбек журналистикаси дидактика асосига қурилган. Ҳар бир муаллиф хоҳласин-хоҳламасин, бевосита ҳаёлида пишган нарсани қоғозга тушираркан, ана шу муҳим жиҳатга эътибор қаратади.

Миллий матбуотимиз саҳифаларида бунинг исботи ҳар “қадам”да сезилади. Одоб-ахлоққа йўғрилган асарлар у сенсация бўлмаса-да, жамоатчилик томонидан қизғин кутиб олинади, акс-садо сифатида аудитория томонидан фикр-мулоҳазалар берилади.

Кўрсатилган nonfictionларда ҳам дидактика асосий жиҳат сифатида кўтарилган. Албатта, бу замон ёки аудитория талаби эмас, балки муаллифнинг бунга муносабати, шахсий позициясидир.

Ҳусан Карвонлининг юқоридаги мақоласи бизнинг матбуотимизда ҳам ўзига хос усуллардан фойдаланиш имкони борлигини кўрсатади. Ўқувчининг талаби ҳам бугун ўзгарганини матбуотда фаолият юритувчилар тушуниб етишмаяпти.

“Даракчи” газетасининг 2013 йил 8 августида чоп этилган:

“МТС: мушоҳада, таҳлил, суриштирув”

... Сарик матбуот саҳифаларида чоп этилаётган шов-шувга мойил nonfictionларда ёзувчиликка хос жихатлардан асар ҳам кўринмайди, дейиш нотўғри, бироқ воқеаликни топиш хусусияти ҳам аудиторияни тез жалб этмоқда. Бунинг кейинги пайтларда МТС компанияси билан боғлиқ муаммолар ортидан келиб чиқаётган жанжалларнинг ёритилишида кўриш мумкин.

Кенг жамоатчиликнинг бугунги кундаги асосий хабар тарқатувчисига айланган ва йирик ижтимоий-сиёсий газеталардан бир неча баробар адади кўп — “Даракчи” газетасининг фаолиятида ҳам шов-шувларни кўтариб чиқиш ҳолатлари мавжудлигини айтиш керак.

Мазкур газета саҳифаларида 2013 йилнинг 8 августида чоп этилган “МТС: мушоҳада, таҳлил, суриштирув” номли мақолада айнан янги журналистикада nonfictionнинг ўрни сезилади.

Янгилик нуқтаи назаридан олсак, ушбу мақола жуда катта аудиторияга эга. Масалан, айнан ўша кунлари арафасида “МТС” компаниясининг ёпилганлиги ҳақидаги хабар барчани ноқулай аҳволга солди. Ушбу компаниядан фойдаланувчилар эса шу каби ахборотга жуда муҳтож эди. Яна бир тарафдан абонентларнинг ҳам бундан кейинги маълумотлар, шунингдек, унинг атрофидаги турли хил миш-мишлар қизиқтирмай қолмасди.

Жамоатчиликка маълум бўлган “МТС-Ўзбекистон” билан боғлиқ жараёнларни қидирган журналист асосий эътиборни ундаги юзага келган муаммоли вазиятга қаратади. “МТС-Ўзбекистон” бош директори Бекшод Аҳмедовнинг Ўзбекистондан қочиб кетиши билан боғлиқ “миш-миш”ларга жавоб излайди.

“Электрон ОАВда тарқалган хабарларда корхонанинг бош директори Б.Аҳмедовнинг ғойиб бўлгани, аниқроғи, чет элга қочиб кетгани баён

килинган ва бунга корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш вақтида аниқланган қонунбузарлик сабаб бўлгани айтилган”¹⁰⁴.

Воқеа баён этилган. Муаллиф эса кўпроқ шу усулга суяниб қолганини алоҳида таъкидлаш керак.

Албатта, компания раҳбарларининг ўз мансабини суистеъмол қилиши ва омманинг катта маблағларини ўзлаштириб олиши бунинг асосий сабаби бўлиши мумкин, бироқ бунга МТС президенти Андрей Дубовсковнинг аралашуви муаммонинг аниқ ечимини излашга туртки беради.

Воқеанинг қандай кечганлигидан кўра, компания яна фаолиятини давом эттирадими, деган саволга жавоб излаган яхши. Аудиториянинг аксарият қисми, бу тўғрида қайси оммавий ахборот воситаси аниқ маълумот бераркин, деб кутган 9,5 млн. кишининг дардини “Даракчи” газетаси кўтариб чиқди.

Нега, деган савол туғилиши табиий. Чунки шу орқали газета ўзининг ахборот базаси қанчалик кенг эканлигини кўрсатади. 9,5 млн кишининг...(эҳтимол, бундан ҳам кўпдир) эътиборини шунга жалб қилади. Газета ададини эса, айнан шу сонга бемалол 9,5 млнга кўтариш мумкин. 9,5 млн. ўқувчи “Даракчи” газетасини сотиб олади ва ўқийди. Унинг айнан шу сондан тушадиган даромадини тасаввур этишга уриниб кўринг!...

Муаллиф буни қуйидагича изоҳлайди:

“Қарийб, 9,5 млн абонентга эга бўлган “Ўздунробита” атрофидаги ғоятда жарангдор воқеаларни айниқса, компания мижозлари диққат билан кузатиб боришгани табиий”¹⁰⁵.

Газетада берилган ушбу материални кўпроқ миш-миш тарзида айтилган гаплар, дейиш мумкин. Журналист услубининг жўнлиги, журналистикадаги услуб ва усуллардан беҳабарлиги, асосан, ахборот беришга уриниш устунлиги ҳар бир сатрдан сезилади. Журналист воқеаларни кўрсатмай кўпинча жимжимадор сўзлар орқали аудиторияни чорлашга уринади. Эҳтимол, материал фақатгина шов-шувли ва муайян аудиторияга эга

¹⁰⁴ Шерали. МТС: мушоҳада, таҳлил, суриштирув. Даракчи газетаси, 2013 йил. 8 август.

¹⁰⁵ Ўша манба.

эканлиги билан аҳамиятли бўлиши мумкин, бироқ журналистик маҳорат нуқтаи назаридан жуда суст баён этилган.

Бундан илҳомланган Шерали (журналист) тезда янги материал тайёрлашга киришади ва унинг кейинги мақоласи ҳам айнан шу мавзунинг давоми сифатида кўринади.

“МТС-Ўзбекистон” мутасаддиларининг “Хизмат доирасидан ташқарида”ги кирдикорлари” деб номланган мақола газетанинг 23 август сонидида чоп этилади. Унда Бектош Аҳмедовнинг кирдикорлари ва компаниянинг даромадларини қандай йўллар билан ўзлаштиргани айтиб ўтилади.

Ушбу мақола ҳам гарчи, янги журналистика талабидан келиб чиққан ҳолда объект жуда муҳим саналса-да, сюжет нуқтаи назаридан жуда оддий ва жўн, дейиш мумкин.

Бундан ташқари, “Хуррият” газетасининг 2015 йил 15-сонидида чоп этилган Қулман Очилов(Жонқобил Жума)нинг “Шляпали одам” номли эссеси чоп этилди. Унда талай янги журналистикага хос бўлган жиҳатлар ўз аксини топган. Сюжети ҳам жуда ўзига хос, яъни бошдан охиригача муаллиф ўз позициясини ушлаган ҳолда адабиётдаги сир яшириш услубидан унумли фойдаланади. Умуман олганда, ушбу асар журналистик материал сифатида бошқа эссе ва мақолалардан фарқ қилмайди. Аммо унинг жуда мукамал тузилган сюжети, кулминация, тугун ва ечими ҳар бир ўқувчини бефарқ қолдирмайди, дейишга асос бор.

Шу ўринда бир ўринли савол туғилади. Хўш, икки мақола ҳам янги журналистикага хос бўлса, фарқи нимада? Биттасида шов-шув кўпроқ, иккинчисида сюжет тўғри танланган. Бу борада ҳам журналист маҳорати жуда зарур эканлигини кўриш мумкин.

Қулман Очиловнинг асарида биров дидактика устун бўлса, “МТС” ҳақидаги мақолада асосан шу топдаги муаммо ўз ҳолича кўтарилган.

Умуман олганда, муаммоли мавзуни кўтариш борасида “Даракчи” ва “Хуррият” газетасининг алоҳида ўрни борлигини таъкидлаш керак. Бу янги журналистиканинг асосий элементи саналади.

Энди қуйида “Оила ва жамият” газетасининг 2015 йил 27 апрель сонида берилган “Кечосинчи табиб”¹⁰⁶ мақоласига эътибор қаратайлик. Мақола муаллифи ушбу мақолани “nonfiction” рукни остида бериб боради. Бу сингари материал жаҳон журналистикаси талаблари асосида ҳам дунё миқёсида учрашини таъкидлаб ўтади.

Шу маънода ушбу асарда учрайдиган ҳар бир янги журналистикага хос жиҳатларни эътиборга олиб ўтсак, мақсадга мувофиқ бўларди.

Муаллиф телефон орқали “Керосинчи табиб” билан боғланади ва унинг бу борадаги фикрлари билан қизиқади:

— Хўш, эшитаман сизни?

— **Сизнинг усулингиз қандай касалликларга даво бўлаяпти?**

— Газетданмисиз... Ўзим етмишга кирганман. Менга ортиқча бошоғриқнинг кераги йўқ. Битта-иккита келганларга маслаҳат бераман.

— **Лицензиянгиз борми?**

— Бор...

— **Ким томонидан берилган?**

— “Меҳр-шафқат ва саломатлик” фонди томонидан “ҳалқ табиби” деган китоб берилган.

— **Сир бўлмаса, бу даволаш усулини қачон, кимдан ўргангансиз?**

— Ўзим дўхтирман.

— **Тушунарли, лекин керосин билан даволаш ғалати-ку.**

— Ҳа, бу ўша Пани Паулетта Гайнер хоним методи бўйича-да. Польшалик бор-у. Малахов, Казьминнинг китоблариям бор, интернетда бор. Энди бутун жаҳонда шуғулланишяпти-ку, битта мен эмас. Андижонда профессор Асқаров. Наманганда Маннон Шарипов бор.

¹⁰⁶ Нурбек. Керосинчи табиб. Оила ва жамият газетаси, 2015. 27 апрель.

— **Бобомурод ака, турли хил касалликларни битта керосин билан даволаш тўғрими?**

— Энди бу, ҳаётда исботланган-да. Масалан, Гайнер хоним ўзи саратон бўлган. Даволайман деб, ўзи ичиб ҳам саратонни, ҳам қўшимча бошқа касалликларни ҳам даволаган. Кейин ўғли оққон бўлган, уям яхши бўп кетган...

Бу халқ табobati, медицинамас. Ибн Сино бобомиз ҳам чечакка қарши даво сифатида оқ нефтдан фойдаланинг, деб ёзиб кетган. Ота-боболаримиз ундан молларнинг куртини туширишда фойдаланган. Медицинада ўн хил курт бўлса, ўн хил дори бериш керак. Бунинг битта ўзи ўн хил куртни туширади.

— **Нохуш жиҳатлари ҳақидаям эшитдик-да?**

— Салбий таъсири йўқ...¹⁰⁷.

Ушбу кичик суҳбатдан ҳам маълум бўладики, қаҳрамон характери тасвирлашда унинг гап-сўзи муҳим аҳамиятга эга ва бу жараёнда журанлист маҳорати кўзга ташланади. Суҳбат кетаётганда унинг ёши ва қай даражада билим ва тажрибага эга эканлиги ҳам ойдинлашади.

“Ўзим етмишга кирганман. Менга ортиқча бошоғриқнинг кераги йўқ...”, “Ҳа, бу ўша Пани Паулетта Гайнер хоним методи бўйича-да. Польшалик бор-у. Малахов, Казьминнинг китоблариям бор, интернетда бор. Энди бутун жаҳонда шуғулланишяпти-ку, битта мен эмас. Андижонда профессор Асқаров...” каби жавоблар табибнинг етарли билим ва тажрибага эга эмаслигини кўрсатиб қўйган. Албатта, бу бирламчи масала. Янги журналистикага хос жиҳати шундан иборатки, дарҳол объект топилаяпти, унинг жонли мулоқоти бериб борилаяпти. Ўзидан тайёрланган мулоқот жонли чиққанини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Бунинг аҳамиятли ва фарқли жиҳати ҳам шунда кўринади.

Аммо, қолган респондентлар материал тайёрланишига ҳисса қўшиб юборгандек туюлади. Газеталарда нисбатан оддийроқ тилда берилса, унинг

¹⁰⁷ Нурбек. Керосинчи табиб. Оила ва жамият газетаси, 2015. 27 апрель.

аудиторияси ҳам шунчалик кўпроқ бўлади. Эна бир томони бу сингари материаллардан “Сих ҳам куймасин, кабоб ҳам” деган маънони тушуниш қийин эмас.

“Ҳабибулло ПАРДАЕВ,

**Қашқадарё вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати
маркази бош шифокори ўринбосари:**

— Маълумки, керосин ўзида олтингугуртли, азотли ва кислородли углеводородларни сақлайди. Унинг техник ва маиший тури мавжуд. Техник керосиндан асосан, реактив ёқилғи(авиакеросин) сифатида, маиший керосиндан эса ёритишда ҳамда унинг тозалангани — халқ табобатида фойдаланиши қатор манбаларда келтирилган. Кейинги пайтда одамлар орасида авиакеросин билан даволаш ҳоллари учраётганлигини эшитяпмиз. Авиакеросин техник керосин, у тозаланмаган ва унинг таркибида турли хил кимёвий моддалар, яъни углеводородлар инсон организмда биринчи навбатда жигарни, кейинчалик буйрак, нерв тизимини зарарлаши ва турли аллергия ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин. Шундай экан, турли хил гап-сўзларга ишониб, ўз соғлиғимизга бефарқ бўлмайлик”¹⁰⁸.

Расмий услубга хос сўзлар жуда кўп ишлатилганини таъкидлаш керак. Шунинг баробарида бадий тасвирлашга уриниш бор. Деталларни келтиришда ҳам ўзига хос ёндашув борлигини алоҳида айтиш керак.

“Яна ўша, керосинчи табиб ҳақидаги бир парча қоғоздаги маълумотларга кўз ташлайман:

“Агар уни сиз ихлос билан истеъмол қилсангиз, 120 дан ортиқ хасталикларни даволайди ва соғайишига ёрдам беради. Кўп касалликларни олдини олади. Соғ одам ҳар йилда камида 5-10 кун ичиб қўйса фойдадан холи эмас.

14 ёшдан катта кишиларга кечаси соат 2 дан 3 гача ичишига рухсат берилади, 4 кун кичик қошиқда, 6 кун катта қошиқда, 11 кун клизма маслаҳати олган ҳолда. Ошқозон 12 бармоқ ичагида яра ёки яллиғланиш

¹⁰⁸ Ўша манба.

бўлса, устидан қошиқда облипеха ёки семичка ёғи ичилади. Бошқа вақти ўрик шарбати билан оғиз чайқалади, ичилмайди”¹⁰⁹.

Таъкидланганидек, ҳар бир жумлада халқнинг алданиб қолаётганига ишора бор. Муаллифнинг ёзуви келтиришидан муддао ҳам шу жиҳатга эътибор қаратиш зарурлигига бир ишора, десак янглишмаймиз.

Хулоса

Айни пайтда дақиқа сайин маълумотлар эскириб, ўзгариб бораркан, инсоният ҳар бир соҳадаги янгиликларни тезкорлик ва интиқлик билан кутади. Айниқса, бугунги кунда жамиятнинг ахборотга бўлган талаби ортиб бораётган бир пайтда янгиликларнинг холис ва аниқлиги, ёндашувларнинг адолатлилиги ҳар бир кишидан воқеаларга баҳо беришда синчковлик ва эътибор билан ёндашишни талаб қилади.

Ахборот манбалари эса холис ахборот тарқатиш ўрнига ўз манфаатларини устун қўйиб, “холис”лик баҳонасида сохта, уюштирилган маълумотларни тарқатишга зўр бериб ҳаракат қилишмоқда. Бундай ахборот урушлари, тафаккур урушлари авж олаётган бир даврда шубҳасиз,

¹⁰⁹ Ўша манба.

журналистнинг сиёсий ва мафкуравий даражаси юқори ўринларга кўтарилади.

У нафақат аввалгидек ахборот тарқатиш, узатиш билан чекланмай, шу билан биргаликда миллатнинг мафкуравий хуружларга қарши поспони бўлиши талаб этилади. Шу билан бир қаторда журналист ўзининг яқдил фикри бўлиши, ҳар бир маълумотни беришда холис баҳо бериши керак. Чунки, унинг вазифаси ва жамиятдаги ўрни, бурчи кенгайиб бормоқда.

Биринчидан, у миллий манфаатларнинг тарғиботчиси, миллатнинг поспони сифатида мафкуравий тазйиқларга қарши тиш-тирноғи билан қарши чиқадиган ва уларнинг нимага қаратилганлигини кўрсатадиган, омма ва халққа бу тўғрида муҳим маълумотларни берадиган, керак бўлса, мафкуравий тазйиқларни уюштирувчи кучларнинг илдизини топиб бутун афкор оммага кўрсатадиган бўлиши керак.

Иккинчидан, журналист жамиятда рўй бераётган ҳар қандай сиёсий-ижтимоий, иқтисодий, маданий-маърифий йўналишларини аниқ кўра биладиган ва чет эл тажрибасини ўзимизга мослаштирадиган, аҳолининг сиёсий жараёнлардаги фаол иштирокини таъминлаш ва оширишга ҳаракат қиладиган, ўзи ҳам бу жараёнларда фаол иштирок этиб, кишиларни бунга жалб этадиган етакчи сифатида намоён бўлиши зарур.

Учинчидан, журналист бугунги куннинг долзарб масалалари саналадиган, глобаллашув, оммавий маданият сингари маънавиятни емиришга қаратилган “оқим”ларнинг бошқарувчиларини, уюштирувчиларини аниқлаши ва бунинг зарарли жиҳатларини кўрсатиб, халқ ва ўсиб келаётган ёш авлодни миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга ундаши, уларга миллатнинг давомчиси эканлигини сингдириши жоиз.

Тўртинчидан, уяли телефон ва қўл телефонлари оммалашиши ахборот бозори маҳсулотлари “харидор”ининг ошишини таъминлабгина қолмай, ҳар бир киши ана шу маҳсулотга мижоз бўлишини кўрсатади. Бунда коммуникацияда бир неча киши фаол иштирок этаяпти. Бироқ, уларнинг

аксарияти фақат шахсий фикри билан ахборот тарқатади. Масаланинг ечими бир тарафда қолиб, ўз манфаатлари устун қўяди ёки бировдан эшитган миш-миш ва уйдирма орқали маълумот етказди. Журналистнинг бу жараёнда иштироки, таҳлил ва статистик маълумотларга суяниши албатта, воқеаларни турфа хил миш-миш, иғво ва уйдирмалар орқали эмас, айнан фактлар орқали изоҳлаш, исботлаш, кўрсатиш имконини беради.

Бешинчидан, оммавий ахборот воситалари ичига ўзида барча оммавий ахборот воситалари элементларини мужассам этган — интернет кириб келгани бошқа тур оммавий ахборот воситаларининг таъсир кўламини сусайтирагани баробарида асосий аудиториянинг эътиборини интернетга қаратди. Бироқ тўлалигича ҳеч бир аудиторияни қамраб олмаслиги учун аввало, бугун журналистлар кўпроқ ишлаши, жамиятнинг ишончини қозониш йўлида чинакам меҳнат қилиши, воқеаларни очик-ойдин, рўй-рост баён этиши, кўрсатиб бериши талаб этилади.

Олтинчидан, ахборотга эғалик қилиш, ахборот маконини аниқ белгилаш бугунги кунда имконсиз масалага айланди. Эътибор қаратилса, аксарият ёшлар мана шунинг ортидан эргашиб “Твиттер” ҳамда “Facebook” сингари маълумот базасининг “қул”ига айланиб бормоқда. Бундай мураккаб жараёнда ҳам журналистнинг миллий сайтларни ривожлантириш борасидаги уринишлари катта аҳамият эга. Уни миллий анъаналаримизга хос, миллий маънавиятимиз акс этган маълумот ҳамда материаллар билан тўлдириш зарурати журналистларимиздан катта меҳнат ва жасорат талаб қилади.

Еттинчидан, бугунги маънавиятга асосий юк юкланган ва жамиятда ноқонуний йўллар билан бойлик орттириш, ҳар турдаги жиноятлар содир этилаётган, жамиятнинг моддиятга бўлган талаби маънавиятга нисбатан кучайиб бораётган бир жараёнда журналистика энг асосий куч сифатида уни тўғри талқин қила олоғи жоиз.

Янги журналистика айнан мана шу жараёнларда муҳим ўрин тутиши, янги муаллифларни кашф этиши баробарида, миллий журналистика тараққиётида муҳим босқичларни белгилаб бериши аҳамиятлидир.

Таклифлар:

Журналистика ҳеч қачон тадқиқ этилиб, тугамайдиган соҳа. Замон янгилангани сайин ахборот оқими ҳам янада тезлашиб кетаверади. Жамиятнинг ахборотга бўлган талаби ўзгариб бораверади.

Янги журналистикада жуда кўп имкониятлар бор, улар адабиётдаги 32 та сюжет усулларида фойдаланиб, асарларининг жонли чиқишларига эришиш мумкин. Мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг журналистика факультети битирувчилари ҳам шу каби усуллари ўзлаштирган бўлишлари мақсадга мувофиқ. Негаки, бугунги журналистика талаблари доимо ўзгариб бораверади.

Бугунги кундаги аудитория талаби ўзгарди. Демак, бунда журналистика вазибалари ҳам кенгайди. Ёрқин америка матбуоти намоёндалари асарларидан фойдалиш даврининг талабига айланиб бормоқда.

Матбуотда давом этаётган жуда катта рақобат муҳотида уларнинг ўз ўрнини сақлаб қолиши учун албатта, ўзига хос ёндашувлар керак. Масалан, бугунги кун аудитория талаби ҳисобланган материаллар, ёки газеталарга назар ташласак, фақат бир йўналишга ихтисослашганининг гувоҳи бўламиз. Аммо АҚШ матбуотида бу усулдан қарийб 50 йиллар илгари воз кечилганлигини таъкидлаш керак. Маълум ихтисосликни ёритиш аудиторияни қисқартиришга олиб келишини мутахассислар кўп бора айтиб ўтишади. 100 бетлик газеталарга талаб айнан бугунги кунда жуда муҳим, десак асло хато қилмаймиз.

Берилаётган маълумотларда, хабар ва воқеаларда матнга алоҳида урғу бериш мумкин. «Ташриф буюрди», «бўлиб ўтди», «муносиб қатнашганлар тақдирланди» каби жумлалар билан аудиторияни ушлаб бўлмайди.

Сюжет борасида ҳам матбуотимизда жуда кўп оқсоқланишлар кузатилади. Масалан, уларнинг деярли ҳаммаси бир чизиқ бўйича давом этади. Кириш, асосий қисм ва хулосадан ташкил топади. Ваҳоланки, бунинг ўзи етарли эмас. Бугун одамларнинг дунёқараши ўзгарган. Улар фақат маълумот олиш учунгина газета ўқимайди. Ундан ўзига хослик кутади ва

излаган нарса уни ҳайратлантиришини истайди. Шунинг учун ҳам, берилаётган хабар, маълумот ёки воқеалик бўлсин, унда ўзига хос ёндашув бўлиши замон талаби ҳисобланади.

Мақоладаги хулоса тўғрисида эса гапириш бугун ўзини оқламаслиги ҳам мумкин. Негаки, аудиторияга ёмонни ёмон, яхшини яхши деб, сифатлаш ўрнига унинг ўзига хос томонларини кўрсатиш кўрсатиш зарурати пайдо бўлаяпти.

Доим янгилик яратиш осон кечмаган. Журналистикада ҳам доимо янгилик сифатида ҳар бир маълумотга эътибор қаратиш ҳам керак эмас. Фақат унинг йўналишини тўғри буриш аҳамиятга молик.

Юқорида келтириб ўтилганидек, янги журналистика элементларини бугунги замонавий коммуникация воситаларида қўлаб учратиш мумкин. Масалан, чет эл оммавий ахборот воситалари томонидан бериладиган ҳар бир «изоҳсиз», яъни «no comment»ларда шунинг аксини кўришимиз мумкин. Бу ерда фақат видео яратувчининг маҳорати акс этган, холос. На кириш, на асосий қисм бор. Ва ҳатто хулосага ҳам ўрин қолмайди, барчаси оддий икки дақиқалик эфирда рўй-рост кўрсатилади. Аудитория эса ўзи хулоса чиқариб олаверади.

Замонавий дунё адабиётига назар ташласак, бунинг барча унсурлари кўринади. Ҳеч қачон бирорта ёзувчи ортиқча баёнга берилмайди ва воқеанинг ичига араллашиб кетмасдан, бир четда турган ҳолатда унга ёндашади. Ортиқча изоҳлардан қочади, фақат турли усуллар, яъни сюжет ўйинлари орқали аудиторияни ушлаб туради. Буни ҳам ўз миллий матбуотимизга киритиш, материаллар тайёрлашда қўллаш муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлайман. Бу ОАВ тизимини ривожлантиришда жуда катта фойда келтиради, деб бемалол айтиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

I. РАСМИЙ АДАБИЁТЛАР:

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. — Т.: Ўзбекистон, 2012.
- 2.2. Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари. — Т.: Ўзбекистон, 2007.

II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ

АСАРЛАРИ:

- 2.1. Каримов И. А. Юсак маънавият-енгилмас куч. — Т.: Маънавият, 2008.
- 2.2. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. — Т.: Ўзбекистон, 2005.

III. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АСАРЛАРИ ВА МАЪРУЗАЛАРИ:

3.1. Мирзиёев. Ш. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь) — Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2016.

3.2. Мирзиёев. Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. (Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ) — Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2016.

IV. ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ АДАБИЁТЛАР:

4.1. Мўминов Ф., Нурматов А. Жаҳон журналистикаси тарихи. — Т.: Фан ва технологиялар марказий босмахонаси, 2008.

4.2. Дўстмуҳаммад Х. Оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришнинг демократик андозалари. — Т.: Ўзбекистон, 2005.

4.3. Худойқулов М. Журналистика ва публицистика — Т.: Тафаккур, 2001.

4.4. Фихтелиус Э. Журналистиканинг ўн қоидаси. — Т.: Шарқ, 2002.

4.5. Саидов Ҳ., Тўхлиева Н. Репортёрлик маҳорати. — Т.: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2008.

4.6. Дўстмуҳаммад Х. Ахборот мўъжиза, жозиба, фалсафа. — Т.: Янги аср авлоди, 2013.

4.7. Карвонли Ҳ. Мактабдан қочиб кетган келинлар. Маърифат газетаси. 2004.

4.8. Карвонли Ҳ. Илғаб бораётир мени фасллар. — Т.: Янги нашр, 2010.

4.9. Қодирий А. Диёри бакр. — Т.: Янги аср авлоди, 2007.

4.10. Сайид Ҳ. Туғилдингми, бу дунёда толибсан! — Т.: Маънавият, 2007.

- 4.11. Хатамова Д. А. Адабиётшунослик терминларининг қисқача изоҳли луғати. w.w.w. Ziyouz. Com.
- 4.12. Инглизча-ўзбекча луғат. — Т.: Фан, 2008.

V. РУС ТИЛИДАГИ АДАБИЁТЛАР:

- 5.1. Арасту. Поэтика. Library.ru
- 5.2. Вулф Том. Новая журналистика и Антология новой журналистики. — СПб.: Амфора, 2008.
- 5.3. Михайлов С. Современная зарубежная журналистика: правила и парадоксы. — СПб.: Михайлова В.А., 2002.
- 5.4. Михайлов С. История становления и развития американской журналистики. (Журналистика США в 1945-1995 годы).
- 5.5. Шибаета Л. Жанры в теории и практике журналистики.
- 5.6. Панюшева М. М. Благосфера: традиционные сми vs нетрадиционные. Вестник. — М.: Университет, 2010. № 4.
- 5.7. Лукина М. М. Фомичева И. Д. СМИ в распронстве Интернета. www. evartist. narod. ru
- 5.8. Прутцков Г.В Введение в мировую журналистику. Evartist.narod.ru
- 5.9. Лукина Мария. Технология интервью. — М.: Аспект Пресс, 2003.
- 5.10. Учебное пособие: История журналистики зарубежных стран. Lib.ru
- 5.11. Капоте Т. Хладнокровное убийство. — СПб.: Азбука, 2001.
- 5.12. Аграновский В. Вторая древнейшая. Беседы о журналистике. — М.: ВАГРИУС, 1999.
- 5.13. Балод А. Кризис жанра, Ортега-и-Гассет и роман-андрогин // Сетевая Словесность. 2005—2011. www.netslova.ru
- 5.14. Варламов А. Популярность жанра нон-фикшн вполне закономерна // РИА «Новости». 2008. 27 мая.
- 5.15. Грант Р. Анализ англоязычного рынка нон-фикшен // Справочник писателя: сайт.

- 5.16. Кадыкова И. Жанры журналистики. // Медiasпрут — журналистам: сайт. <http://www.mediasprut.ru>
- 5.17. Мильчин К. В чем правда? Почему в России растет интерес к реальной жизни // Русский репортер, 2010. 1 декабря. № 47 (175).
- 5.18. Тертычный А. А. Жанры периодической печати. М.: 2000.
- 5.19. Туманов Д. О жанровых особенностях журналистских материалов // Оазис: интернет-журнал.: <http://www.onego.ru>
- 5.20. Учебное пособие. Особенности журналистики США в XIX веке. Lib.ru
- 5.21. Муминова Ф. И. История мировой журналистики. Т.:, 2004.
- 5.22. Муминова Ф. И. Современная зарубежная СМИ. Т.:, 2004.
- 5.23. Рэндалл Д. Универсальный журналист. — Алмати.:, 1997.
- 5.24. Ворошилов В.В. Журналистика. Учебник. — СПбГУ.:, 1999.
- 5.25. Бозрикова С. А. Роман нон-фикшн как жанр журналистики. СГУ, г. Балашов.
- 5.26. Самарцев О. Р. Современный коммуникативный процесс. / Теория и методика журналистики: УлГТУ.:, 2000.
- 5.27. Соколов В. С. Американский «новый журнализм» — концепция социальной мифологии // Демократический журналист. — 1977.:, №4-6.
- 5.28. Нестеренко Ф.П., Эрназаров К.Т., Маматова Я.М. Труд журналиста: профессионализм, творчество, мастерство. Учебное пособие. –Т.:, 2002.
- 5.29. Ученова В.В. Беседы о журналистике. –М.:, 1985.
- 5.30. Прохоров Е.П. Введение в теорию журналистики. — М.:,1998.

VI. ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ АДАБИЁТЛАР:

- 6.1. Brooks S.Brian., Kennedy George.The Missoure group: News reporting and writing. — New York.: St. Press. 1996.
- 6.2. Chiasson Lloyd. Three centuries of American Media.—Englowood Colarado.: Morton Publishing Company, 1999.
- 6.3. Ranly D. Principles of American jurnalizm. — University Of Missuri.: Hunt publishing company, 1995-1997.

- 6.4. Conboy Martin. Journalism studies. Printed in USA, 2013.
- 6.5. Fallows J. Breaking the News. — New York:, Panteon Books, 1996.
- 6.6. Barbie Zelizer. CNN, the Gulf War and Journalistic Practice. — Oxford University Press., 1992.
- 6.7. The American Heritage Dictionary of English Language:
<http://education.yahoo.com>
- 6.8. The Encyclopedia Britannica.: <http://www.britannica.com>
- 6.9. The Oxford Dictionary of Literary Terms: <http://www.encyclopedia.com>
- 6.10. Wahe-Jorgensen K., Hanitzsch T. The handbook of journalism study. — W.: International Communication association, 2009.
- 6.11. Smith D. Introduction to journalism. — USA.: 2010.
- 6.12. Hatchen W.A., Scotton J.E. The world news prism. — Iowa State.: Press, 2002.
- 6.13. Mayeux P. E. Broadcast news. Writing and reporting, 2nd ed. — University of Nebraska.: Lincoln, 1996.
- 6.14. Wolfe T. The New Journalism: A la Recherche des Whichy Thickets. New York Magazine. New York Media LLC, 1972. February 21.
- 6.15. Charles S. The New Journalism?. — Quill and Scroll, December–January, 1973, pp. 10–11.
- 6.16. Philip M., Howard Jr., The New Journalism: A Nonfiction Concept of Writing, unpublished master's thesis.: University of Utah, August, 1971.
- 6.17. Grant G. The New Journalism We Need. — Columbia Journalism Review.: Columbia University Press. Spring 1970.
- 6.18. Hollowell J. Fact & Fiction: The New Journalism and the Nonfiction Novel.: — University of North Carolina Press, 1977.
- 6.19. Flippen Ch.C. Liberating the Media: The New Journalism.: — Acropolis Books, 1974.
- 6.20. Dennis ed. The Magic Writing Machine. (1971) see also The New Journalism in America. Dennis & Rivers eds (1974).

- 6.21. Russello, Gerald J. (November 21, 2005). How New Journalism Became Old News. The New York Sun.
- 6.22. Johnson M. The New Journalism: The Underground Press, the Artists of Nonfiction, and Changes in the Established Media.: University of Kansas Press, 1971.
- 6.23. Arlen M.J., Notes on the New Journalism.: Atlantic, 1972, p. 47.
- 6.24. Tebbel J. The Old New Journalism. — Saturday Review.: 1971.
- 6.25. Krim S. An Enemy of the Novel. — The Iowa Review.: Winter, 1972.
- 6.26. Bellows J. The Last Editor: How I Saved the New York Times, the Washington Post, and the Los Angeles Times from Dullness and Complacency.: Andrews McMeel Publishing, 2002.
- 6.27. Merrit D. Public Journalism and Public Life: Why Telling the News Is Not Enough. Columbia University Press. 1995.
- 6.28. Mencher M. M. News Reporting and Writing. Seventh Edition. Columbia: Columbia University Press. 1997.

VII. ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАР:

- 7.1. Holmes J. H., The New Journalism and the Old. Munsey's Magazine. April, 1897.
- 7.2. Chase D. From Lippmann to Irving to New Journalism. Quill August, 1972.
- 7.3. Beuttler B. Whatever Happened to the New Journalism?. Bill Beuttler.com.
- 7.4. Lester Markel. So What's New?. — Bulletin of the American Society of Newspaper Editors, January, 1972.
- 7.5. Оила ва жамият газетаси. 2015. 27 апрель.
- 7.6. Даракчи газетаси. 2013 йил. 8 август.
- 7.7. Маърифат газетаси. 2004. 3-ноябр.

WEB Ресурслар:

1. [http://www. Ziyouz. com](http://www.Ziyouz.com)
2. <http://www. Wikipedia. org>
3. <http:// www. Google.ru>
4. <http://www.evartist. narod. ru.>
5. <http://Lib.ru>
6. <http://www.encyclopedia.com>
7. <http://ejc.net>
8. <http://rusrep.ru>
9. <http://education.yahoo.com>
10. <http://www.onego.ru>
11. <http://rusrep.ru>
12. <http://www.netslova.ru>
13. <http://www.bigbook.ru.>
14. <http://avtoram.com>
15. <http://www.mediasprut.ru>
16. <http://:www.library.cjes.ru>
17. <http://en.academic.ru>
18. <http://newnewjournalism.com>
19. <http://journalism.missouri.edu>

ИЛОВА

ҚУДРАТ

Тонг. Қуёш оламга нур улашди. Қоронғилик чекиниб, шабнам тушган боғ ва хиёбонлар биллурдек товланди. Бу ўйиндан завқланган масрур кушлар дарахт шохларига қўниб пайдар-пай чуғурлашди-да, шулар ичидан биттаси канот силкиб, кўкка учди. Худди осмонинг тубига етмоқчидек канот қоқаверди.

Олмахон унга бир қараб қўйгач, ҳалиги кушнинг ҳаракатларга ҳавасланиб тик ўсган дарахт шохига тирмашиб юқорига чиқа бошлади. У айри шохга етиб чарчадими бирдан тўхтади-да, кушни кузатди. Узоқ тикилиб кўзлари толгач, аланглаганча қайрағочдан ерга тушди. У ёқдан-бу ёққа нимадир излаб зириллаб югургач нимадир топди, сўнгра фавворадан отилаётган томчиларга ҳайратланганнамо бир муддат қараб турди-да, шивирни пайқаб олислади.

...Мустақиллик метросидан чиққач хаёл суриб кетиб борарканман, олмахон ҳайиқмай мен томонга пилдираб келди-ю, аллақандай масъум тикилиб, кейин қўлидаги ёнғокни тушириб қўйишдан қўрққандек уни маҳкам ушлаганча изига қайтди. Гўё менга йўл кўрсатмоқчидек ортига қарай-қарай йўлакдан кетаркан, кушлар пир этиб ҳар тарафга тарқалди. Бу ноодатий ўйиннинг сабабини билмоқчидек ўша томонга ўгирилдим. Кушлар аллақачон шохга қўниб, яна сайрашга чоғланди. Бепарво олдинга қадам ташлаган ҳам эдимки, ногоҳон тик-тик этган товуш қулоққа чалиниб сергакландим. Олмахон эса сада биқинидаги ковакка бошини суқиб “ҳа” дегунча яширинди.

Тахминимча, бирорқизпошнасинитақиллатибортимданкеларди. У билангурунглашибкетармиздеганўйдақайрилдим.

Мингтаассуфки, бир киши ҳассатутганчааллақаергашошар, бирормажлис ё йиғилишгамиетишучунбамисолиучгудекшашти бор эди.

У тўрт-бешқадамбосиб, илкисмункиди. Шошганданкейин шу-да! Ҳасса кўлидан учди, у ниманидир қидириб, пайпаслади. Бошим ғувиллади: ёрдамга ошиқдим. Ана ҳассаси...

Ҳассани топиб, кўлига тутдим. Суяниб тургач кийимларини коқди-да, ҳассани кўлтиғига қистириб, кулди.

— Сизни ҳам йўлдан қолдирдимми?

— Қайтанга яхши, бир ўзим зерикардим.

У нимадан гап бошлашни билмай каловланаркан, андиша маънисини тушундим.

— Эрталабдан, йўл бўлсин, оғайни?

— Кутубхонага... — деди у дадил.

Ҳазиллашаяптими? Қандай ўқийди? Тўғриси, бир лаҳзада бошимда минглаб тахмину саволлар туғилди. Лекин вазият суҳбатдошимнинг кўнглига тегиб кетмаслик даражасида эҳтиёткорлик, ўта ҳалимлик муомуласини тақозо этарди.

— Кечикмай деб, югурушингизга қараганда... Ишласангиз керак!

У бош чайқади.

— Йўқ...

Тил тишлаб туролмадим.

— Бўлмаса нега?

— Кутубхонага нега боришади? — деди у ажабланганнамо.

Чиндан, кутубхонга нега боришади? Савол шу қадар ўринсиз эдики, панд еганимни англаб, мум тишладим.

Ҳаёжонданми ё ҳайратданми, ишқилиб, аллақандай туйғу таъсирида уни йўлакдан етакларканман, “Яқин ўртада кутубхона йўқ-ку!” деган ўй миямни чулғаб, ҳар бир бинонинг пештоқига қарардим. Сўл томонимизда “Саънат галерияси” ва “Ёшлар ижодиёти маркази” чиқди.

Ҳангома жонланиб, унинг исми Қудрат эканлиги, ёши мендан уч ёш катталигини билдим. Бир неча кун илгари келганида ҳасса ёрдамида

манзилга зўрға етиб олгани, кейин кечгача ўша ерда китоб титкилаганини эшитиб, ўқиган китобларини сўрашга тушдим.

Қудратдан қай китобни сўрамай “Ўқиганман” деб жавоб берар, тўлқинланиб, ўша асарда келтирилган жумлалардан иқтибос келтирар, қайси метод — реализм, романтизм ё сентаментализм, сюрреализмми дарров изоҳларди.

— Олдиндан узр, лекин бир савол мени қийнаяпти, — дея тутилиб гап бошладим. — Шунча китобни ўқиш...

У мулоҳазани дарров илғади.

— Тушундим. Адабиётга ихлос қўйишимда... — у негадир тўхтаб чуқур нафас олди. — Домламизнинг ҳиссаси катта. У барчамизни йиғиб китоб ўқир, биз берилиб, завқланиб тинглардик-да, асарнинг бирор ўрни тўла англашилмаса, мутолаа битгач устоздан сҳрардик. “Баҳор қайтмайди”, “Кўнгил озодадур”, “Чинор” ва “Ўзбек характери” сингари асарларни айнан ўша пайтларда устоздан эшитганман... Кейинчалик Брайль ёзувини ўргангач, ўзим ўқий бошладим. Ҳарфлар оламнинг чироғи. Ишонсангиз, барча нарсани тасаввур этишга уринаяпман. Одам қиёфаси, руҳияти, тоғ, дарё, табиатнинг кўриниши, меҳр-шафқатнинг улуғворлигию, муҳаббатнинг қудрати, ғурур, ор-номуснинг юксаклиги. Садоқат ва вафонинг қадри, ватаннинг азизлиги.

— Исмини хотирлайсизми, устозингизнинг? — деб сўрадим.

— Йўқ, — деди Қудрат бош чайқаб. — Овозини эслаб қолганман, лекин боягидек адабий оқимлар, ёзувчиларнинг услуби, буюк асарларнинг янги адабий даврни бошлагани ва ўзига хос йўналиши тўғрисида кўп гапирарди. Масалан, адабиётда айсберг назарияси. Ким олиб кирганини биласизми?

— Адабиётни яхши тушунмайман! — дедим, хато гапириб қўйишдан қўрққандек. — Мени синашингиз ажабланарли...

— Тасаввуримда анчагина эҳтиёткор одамга ўхшагандингиз! Мана исботи. Қадам ташлашингиздан маълум: етти эмас, етмиш ўйлаб гапираяпсиз. Бунинг яхши тарафи, кам хато қиласиз. Ортиқча мактаб юборди деб ўйламангу, бироқ сиз ҳам буларни билиб қўйсангиз келажакда асқотади.

Майли, бошқа соҳа кишиси бўлсангиз-да! Айсберг назарияси Эрнест Хемингуэйнинг кашфиёти. Айсбергнинг саккиздан бир қисми кўринади. Баъзи китобхонлар унинг бир қисмини, баъзилар эса саккиз қисмини ҳам кўради. Яъни, асл, синчков китобхон асар моҳиятни тўла англаши ва ёзувчининг мақсадини тушуниши мумкин.

Қудратни эргаштирардим. Хаёлдан эса бояги илакишган “Кутубхона каерда бўлса?” деган фикр ўтар, ишқилиб, бирор биладиган учраб қолсинда деб кўярдим, ичимда. Шу пайт иморат ёнидан қайрилиб бир киши биз томонга келаверди, афтидан, қоровул ё миробга ўхшарди: қўлида ключ, сув сачраган кўйлаги ҳўл. Ундан сўраш учун оғиз жуфтлаган ҳам эдимки, ҳамроҳим енгил тортди.

— Икки юз метрдан зиёд юрдик. Ўнгга қайрилган йўлак борми, ариқча ёнида?

— Ана, етай дедик...ҳозир сакраймиз.

— Ўшандан тўғри юрамиз, ўнгга томон.

Ариқдан ҳатлаб одимладик. Қудратнинг қадами янада тезлашди. Уни кимдир кутиб тургандек олдинга ошиқди.

— Яна шунчаюрсакетамиз! Чапқўлдаги иморат.

...Алишер Навоий кутубхонасининг лаби кенг мармар зина, чор атрофи эса ям-яшил майсазор эди. Қуёш нурида у янаям кўркам, чиройли кўринар, кўз қамаштирарди.

Сукутдан зерикибми у гап қотди.

— Брайль ёзувидаги асарларнингаксариятиянгинашр. Ҳаайтганча, ЖалолиддинРумийниўқигансиз-а? Ўқигансиз, алдаманг... “Учмоққа қанот йўқ вале учгаймен”. Кучли хоҳиш ҳар қандай ҳаракатларни жонлантириш қудратига эга.

Бизўнгтарафданкириббордик.

Кутубхонанинг чап биқинида икки киши гурунглашиб турарди. Уларнинг суҳбати бизгача етгач, Қудрат ғўлдиради.

— Ҳалиги киши қуш деганига, бир воқеа эсга тушди.

— Шунчалик сирлими? — дедим қизиқиб.

— Йўғ-эй! Бир туш кўрибман! Тушимда икки қуш бор эмиш. Улар тасодифан қудуққа тушиб кетишибди!

— Қанақа қуш экан?

— Қарға ва кабутар. Қарға у ердан чиқолмабди, кабутар эса қутилиб қолибди. Қизиқ-а, иккиси ҳам қуш-ку, лекин...

— Унинг қаноти синганмикан? — дедим шошиб.

— Баъзи қушлар тик, баъзилари қия, айланиб учармиш... Бири кўкка учди, бири қудуқни булғатди.

Унинг маънили гапидан киши лаззатланар, яна гапиришини истаб, бутун вужуд қулоққа айланарди.

У кулиб кутубхонанинг мармар зинасидан юқорига кўтарилди.

— Раҳмат! — деди Қудрат қўл силкиганча.

— Сизга раҳмат! — дедиму, негадир овоз чиқмади.

Изимга қайтмоқчи эдим, негадир кўнглим оғринди. Ҳеч бир сабабсиз ўша ерга михландим. Узоқ остонада туриб қолдим.

Қудрат юқориларди.

**“Хуррият” газетасининг 2013 йил 22 май сонида босилган
нонфикшн намунаси.**

НОНФИКШН ВА ГОССИП

Жаҳон журналистикасининг янгича қиёфаси

Замонавий оммавий ахборот воситаларининг тараққиёти ва яшаб кетиши бевосита унинг иқтисодий таъминланганлиги, аудиториянинг талабларига мувофиқ ижод этувчи журналистларнинг ҳозиржавоблиги ва, айти пайтда, сўзни топиб ишлатишига боғлиқ. Бугунги кунда ташкил этилаётган газета-журналларнинг “тақдири” икки асосий омилга бориб тақалапти: иқтисодий ва ижодий омиллар. Бу икки омил ҳам бир-бирига чамбарчас боғлиқдир.

“Медиа-бизнес”да эса ахборот даромад топишнинг энг қулай усули. Демак, бунда газетада чоп этилаётган материалларнинг алоҳида ўрни бор. Негаки, ўқувчи айнан газетанинг ижодий савиясига қараб уни харид қилади.

Бундан қарийб 50 йилча илгари америка матбуотида кенг қўлланила бошлаган нонфикшн йўналиши молиявий ўсишни таъминлашга катта ижобий таъсир кўрсатган ва матбуотнинг ривожланишига туртки берган энг асосий сабаблардан эди. Нима учун айнан нонфикшн аудиториянинг эътиборини қозонди? Бунинг эътиборли жиҳати нимада эди?

“Нонфикшн” инглиз тилидан таржима қилинганда (nonfiction — non — yo’q, fiction — уйдирма, иғво, миш — миш, тўқима) ҳодиса ёки воқеа ҳақидаги аниқ далиллар маъносини билдиради. У аниқ маълумот, ҳужжат ва фактларга асосланган публицистик асар ҳисобланади. Албатта, нонфикшн намуналари чоп этилиши ҳаманоқ кенг жамоатчилик, газетхонлар томонидан қизиқиш билан қаршиланди. Бозор ва расталар, чорраҳалар, одамлар гавжум жойларда югурдаклар “Нонфишкн!” деб қайта-қайта қичқирар, газетхонлар бир-бири билан фикр алмашаркан, улар шу тўғрида баҳслашар, маълумотларни сўзлаб, ўзаро тортишардилар. Нонфикшннинг аудитория томонидан илиқ кутиб олиниши бежиз эмасди. Чунки нонфикшн пайдо бўлмасидан олдинроқ чиққан ва ўша пайтда ҳам чоп этилаётган материалларда қуйидаги камчиликлар кўзга ташланарди:

— воқеликка бирёқлама ёндашув;

— услубнинг эскирганлиги ва жўнлиги;

- маълумот ва фактларни келтиришда холисликнинг йўқлиги;
- фактлардан палапартиш фойдаланилиши;

Бундан ташқари, журналистларга нисбатан жамоатчилик томонидан танқидий фикрларнинг кўпайиб, ахборот узатишдаги маълумотларнинг кечикиши ва журналистлар орасида асардудлик ҳолларининг кучайганлиги нонфикшнинг тезда ёйилишига сабаб бўлди.

Журналист ва таҳририят тайёрлаган нонфикш материаллари бевосита ахборот бериш баробарида, тил ва услуб жиҳатидан ҳам аудиторияга манзур бўла бошлаганди. Айниқса, ўша давр америка матбуоти ва америкалик газетхонлар таҳририят иқтисодини мустаҳкамлаш йўлида ўйлаб топилган “госсип” материаллардан тамоман безганди. Госсиплар сариқ матбуотнинг энг асосий даромад келтирувчи воситаси саналиб, таҳририятнинг кўпгина манфаатларини қамраб олар, ташқи томондан бу типдаги нашрларнинг мақсади, барча оммавий ахборот воситалари сингари, маълумот етказиш ва жамиятнинг ахборотга бўлган талабини қондириш бўлса-да, мухбирлар зиммасига сенсация кўтарадиган манбалар топиш вазифасини юкларди.

Яна бир томондан нонфикшни “госсип” (gossip — инглизча “уйдирма, миш-миш, тухмат, бўхтон”)нинг зидди деб талқин этиш ҳам мумкин. Негаки, нонфикш шаклланишида госсипнинг сирли жиҳатларини очиш, яъни фақат уйдирма ва иғволар асосига қурилган материаллардаги хатолар — миш-мишларга таяниш, муаллиф ва шахс номини сир сақлаш ёки, умуман, аноним материаллар ёзиш сингари камчиликларни тузатишнинг аҳамияти катта бўлди. Журналистлар ҳам проза услубларидан фойдаланган ҳолда материаллар чоп эта бошлади.

Журналистлар ёки таҳририят эмас, госсип ва нонфикш ўртасидаги бу ички “мусобақада” албатта, янги кашф этилган нонфикшнинг енгиб чиқиши табиий эди.

Госсипда, асосан, қуйидаги унсурлар кўринарди: воқеа қаҳрамонининг мубҳамлиги, далилларнинг асосланмаганлиги, учинчи шахс тилидан берилаётган маълумотнинг аллақандай ишончсиз “гапиртирилиши”.

Шубҳасиз, америка нашрларининг бу каби ўйинларини сарик матбуотнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши билан изоҳлаш мумкин.

Янги типдаги матбуотнинг “аждод”и “Sandi World” ҳисобланиб, бунга 1883 йили Жозеф Пулитцер томонидан асос солинганди.

Маълумки, Жозеф Пулитцернинг бу кашфиёти — кўнгилочар саҳифаларни кенгайтириш орқали аудиторияни жалб этиш, ҳар бир қатламга мос, мақбул янгиликларни топиш ва чоп эттириш, ҳар хил эътибортортар рангли сарик сураатлар (сарик матбуот деб аталиши ҳам айнан шундай сураатларнинг берилиши билан ҳам боғлиқ) орқали газетани безаш ўтган вақт давомида, нонфикшннинг туғилишига қадар янада такомиллашганди.

Улар ўртасидаги рақобатда нонфикшннинг ўсиши, ўз навбатида, уйдирма ёзувчи-журналистларни ҳам шунга томон оғдирди. Журналистларнинг асосий қисми шундай нонфикшн асарлар ёзишга жиддий бел боғлади. Улар орасида америка янги журналистикаси асосчиларининг саъй-ҳаракатларини таъкидлаш жоиз. Айнан шу даврда Хантер. С. Томпсоннинг “Дўзах фаришталари”: хавфли ва кўрқинчли кўшиқ”, Барбара Голдсмитнинг “Бу тотли Вива”, Том Вулфнинг “Радикал дабдаба ва яшин қайтаргични қандай синдириш мумкин”, Норман Мейлернинг “Армия тунлари”, орадан бироз вақт ўтиб эса, Рекс Рид “Кўринишингиздан толиққанга ўхшайсиз?” сингари муаллиф мақолалари чоп этилди ва кенг ўқувчилар оммаси томонидан такрор-такрор ўқилди. Замирида ҳам аллақандай муаммо, камчилик ва ноқисликлар борлиги сарлавҳаданок англашилади. Аллақандай ўзига тортиш хусусиятига молик бу сарлавҳалар муштарийларни оҳанрабодек ўзига тортар, америка матбуоти ихлосмандлари уларни севиб ўқирди.

Нонфикшнлар аудиторияга худди романдек таъсир ўтказарди.

Нонфикшннинг ўқишли, барчага маъқул бўлиши ва аудиторияга таъсири катта аҳамиятга эга. Буни қуйидаги омилларда кўриш мумкин:

· Воқеликнинг реаллиги.

· Воқеадаги шов-шув, муаммонинг шов-шувли тарзда кўтарилиши, бунинг трагик равишда оммага “кўрсатилиши”.

- Аудиториянинг аниқлиги ва бир вақтнинг ўзида унинг ҳаддан ортиқ кўпайиб бориши.

- Воқеани ёритишда янгича ёндашув.

- Типиклаштириш орқали ўйлаб топилган қаҳрамон — прототип эмас, балки қаҳрамон ва образнинг жамиятда аниқ мавжудлиги.

- Деталлар ва ҳаракатлардаги мутаносиблик (қурол-яроғ, упа-элик...).

- Жараённинг фактларга боғлиқлиги.

- Воқеа юз бераётган жойнинг ўзидан тайёрланган ахборотга ўқувчининг тез ишониши.

- Воқеликни таҳлил қилмасдан, буни ўқувчининг ўзига ҳавола этиш.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, 1950 — 1975 йиллар оралиғида АҚШда кундалик газеталар сони 12155тадан 11400тага қисқаради. Иқтисодий жиҳатдан ниҳоятда чарчаган нашрлар фаолиятининг бундай йўл тутишини, айнан ижодий муҳитнинг рақобатга дош беролмаганлиги сифатида баҳолаш мумкин. Иқтисодий барқарор газеталар эса, ёзувчи-журналистларни катта қалам ҳақи эвазига ишга чорладилар.

Хантер С. Томпсоннинг хотирлашича, аҳвол ниҳоятда танг бўлиб, каттароқ маош оладиган жой йўқ. Турфа хил газеталарда ишлайдиган Томпсонга мунтазам даромад келадиган манба йўқ эди. Бир куни “The Nation” газетаси муҳаррири Кейри МакВильямс унга Калифорниядаги мотоциклда юрадиган безорилар — “дўзах фаришталари” ҳақида мақола тайёрлашни топширади. Ёзувчи материал тайёрлаш учун улар орасида яшайди, маълумот тўплайди ва зудлик билан ёзишга киришади. 1965 йилнинг 17 майида «The Nation» газетасида унинг «Мотоциклдаги дарбадарлар: ожиз ва аутсайдерлар» номли мақоласи чоп этилади. “Дўзах фаришталари” ҳақидаги китоби эса унга катта шуҳрат келтиради; у Колорадо Вуди-Крикдаги машҳур ранчолардан бирини сотиб олади ва у ерда фаолиятини давом эттиради. Бу воқеа-ҳодиса эса таҳририят иқтисодий имкониятларини оширишга катта ҳисса қўшади.

Иқтисодий омил бевосита газетанинг адади, муассиси, рақобатда олдинга силжиши ёки синиши билан белгиланса, ижодий омил журналист кадрларнинг қай даражада тафаккур доираси кенглигига қаратилади.

XX аср 70 — йиллари Америка Қўшма Штатлари журналистикаси авангард даражада ўсди. Бир қанча муаллифларнинг эссе, мақола ва журналистик ижод намуналари кенг оммани ҳайратлантирди. The New Yorker, New York Magazine, The Atlantic Monthly, Rolling Stone, Esquire, CoEvolution Quarterly сингари нашрларда замонавий аудитория ва замонавий талабларга мос бир-биридан қизиқарли мақолалар чоп этила борди.

Янги журналистларнинг асосий мақсади — бадий-ҳужжатли битикларга арзирли инсонлар ҳаётини кузатиш, жадал суръатларда ипидан-игнасиғача ўрганиш, аудиторияни чуқур мулоҳазага ундайдиган интервьюлар олиш, репортажлар тайёрлаш, материаллар тайёрлашда наср усулларида кенг фойдаланиш, драматик сахнанинг борини борида аудиторияга кўрсатишдир.

Одатда, тарозининг енгил палласи баландроқ кўтарилади. Аслида эса бир томон оғирроқ. Буни нонфикшн ва госсип ўртасидаги доимо ўзгариб турадиган ҳолатга ўхшатиш тўғридир. Қанчалик у юқорига кўтарилмасин, танлов, албатта, оғирроқ томонга қаратилади. Госсипнинг ўлиши, нонфикшннинг тезда улғайиши, биринчи навбатда, услубнинг бетакрорлиги, факт ва маълумотларнинг аниқ берилиши ҳамда аудиториянинг талабларини инобатга олган ёзувчи-журналистларнинг ўз ишига усталигидандир.

Маърифат газетаси, 2013 йил, 22 май сонида чоп этилган.

КЕРОСИНЧИ “ТАБИБ”

Янги рукн: НОНФИКШН.

Нонфикшн нима, деган савол туғилиши табиий. Бунинг маъноси реал воқеликдир. Хар бир истилохни асл маъносида қабул қилиб, ўзимизга тадбиқ этамиз. Нонфикшн, америкалик ҳамкасбларимиз яратган бир жанр бўлиб, янги журналистиканинг барча элементларини ўзида мужассам этгани, унда жамият учун муҳим бир муаммога ечим ахтарилиши, уйдирмага эмас, реал воқеликка асосланиши билан аҳамиятлидир. Қуйида эътиборингизга ана шундай материаллардан бирини тақдим этамиз. Газетамизнинг кейинги сонларида ҳам мухтарам ўқувчига нонфикшнлардан намуналар бериб борамиз.

Анча пайтдан бери мени бир дард безовта қилаётир. Шунинг давосини тополмай ҳалакман. Тўғриси, ўша табиб ҳақида эшитганимдан сўнг қандай бўлмасин, уни топиш, гаплашиш, маслаҳат олиш тадориғига тушдим. Хасталик ҳақида эса сал кейинроқ...

Қўлимдаги маълумотномага кўз югуртириб, унинг манзили, даволаш усули, шогирдлари ва беморлар хусусида етарлича маълумот олдим, бироқ негадир бу нарсалар камдек туюлди. Қоғозда номи ва телефон рақами зикр этилган қашқадарёлик табиб Бобомурод Бегмировга қўнғироққилдим...

— Хўш, эшитаман сизни?

— Сизнинг усулингиз қандай касалликларга даво бўлаяпти?

— Газетданмисиз... Ўзим етмишга кирганман. Менга ортиқча бошоғриқнинг кераги йўқ. Битта-иккита келганларга маслаҳат бераман.

— Лицензиянгиз борми?

— Бор...

— Ким томонидан берилган?

— “Меҳр-шафқат ва саломатлик” фонди томонидан “ҳалқ табиби” деган китобча берилган.

— **Сир бўлмаса, бу даволаш усулини қачон, кимдан ўргангансиз?**

— Ўзим дўхтирман.

— **Тушунарли, лекин керосин билан даволаш ғалати-ку.**

— Ўа, бу ўша Пани Паулетта Гайнер хоним методи бўйича-да. Польшалик бор-у. Малахов, Казьминнинг китоблариям бор, интернетда бор. Энди бутун жаҳонда шуғулланишяпти-ку, битта мен эмас. Андижонда профессор Аскаров. Наманганда Маннон Шарипов бор.

— **Бобомурод ака, турли хил касалликларни битта керосин билан даволаш тўғрими?**

— Энди бу, ҳаётда исботланган-да. Масалан, Гайнер хоним ўзи саратон бўлган. Даволайман деб, ўзи ичиб ҳам саратонни, ҳам қўшимча бошқа касалликларни ҳам даволаган. Кейин ўғли оққон бўлган, уям яхши бўп кетган... Бу халқ табobati, медицинамас. Ибн Сино бобомиз ҳам чечакка қарши даво сифатида оқ нефтдан фойдаланинг, деб ёзиб кетган. Ота-боболаримиз ундан молларнинг куртини туширишда фойдаланган. Медицинада ўн хил курт бўлса, ўн хил дори бериш керак. Бунинг битта ўзи ўн хил куртни туширади.

— **Нохуш жиҳатлари ҳақидаям эшитдик-да?**

— Салбий таъсири йўқ...

Яна ўша, керосинчи табиб ҳақидаги бир парча қозғоздаги маълумотларга қўз ташлайман: “Агар уни сиз ихлос билан истеъмол қилсангиз 120 дан ортиқ хасталикларни даволайди ва соғайишига ёрдам беради. Кўп касалликларни олдини олади. Соғ одам ҳар йилда камида 5-10 кун ичиб қўйса фойдадан холи эмас.

14 ёшдан катта кишиларга кечаси соат 2 дан 3 гача ичишига рухсат берилади, 4 кун кичик қошиқда, 6 кун катта қошиқда, 11 кун клизма маслаҳати олган ҳолда. Ошқозон 12 бармоқ ичагида яра ёки яллигланиш бўлса, устидан қошиқда обливеха ёки семичка ёғи ичилади. Бошқа вақти ўрик шарбати билан оғиз чайқалади, ичилмайди”.

(Парчалар асл ҳолича келтириляпти)

Даволаш усулидаги хилма-хиллик, айниқса, ноодатийлик ҳар қандай кишининг эътиборни тортиши мумкин. Беихтиёр ана шу қизиқиш уни табиб олдига етаклайди. **Ҳар қандай касалликни 10 кун ичида тузатиш, бефарзандлик, жигар циррози, “сарик”-гепатит, бош оғриғи, асаб тизими, бод сингари хасталикларни даволаш** ҳақидаги ваъда-реклама ҳар қандай кишини шошилиш чорлаши аниқ. Лекин бу каби касалликларни бирдан даволашнинг иложи борми?

Умида ГАЗИЕВА,

Қашқадарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари:

— Беморни даволаш учун лицензияга эга тиббиёт муассасаси (давлатга қарашли ёки хусусий), шунингдек, олий маълумотли шифокор масъул ҳисобланади. Энди керосин билан даволашга келсак, шифокор сифатида қуйидаги фикрларни билдирмоқчиман: авваламбор, якка тартибда халқ табobati билан шугулланиш учун лицензия бўлиши шарт. Ҳар қандай киши дуч келган жойда беморларни даволаши мумкин эмас. Тавсия этилаётган ҳар бир малҳамнинг рухсатномаси бўлиши, бемор уни қўллашдан олдин тиббий текширувдан ўтиши, албатта, шифокор маслаҳати, тавсиясига биноан қабул қилиши зарур. Баъзи касалликларга керосин мумкин эмас. Қанча вақт, неча маҳал ичиш, касаллик турига мувофиқ унинг миқдори белгиланиши шарт.

Ҳаммага бир хил миқдорда бериш нотўғри. Бунинг ортидан тошмалар тошиши мумкин. Керосиннинг таркиби текширилиб, шифокор маслаҳати билан қабул қилинсагина мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги табиб муолажаси бўйича эса деярли бир хил керосин ичиш, бир хил миқдор ва бир хил вақтга амал қилиши кузатилаётир. Аммо хасталиклар турли хил, бир-бирига ўхшайди, ўхшамайди. Фойдаси кўп, деган ҳар нарсани ичавериш ҳам соғлиққа нисбатан беписандлик эмасми?!

Ҳабибулло ПАРДАЕВ,

**Қашқадарё вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати
маркази бош шифокори ўринбосари:**

— Маълумки, керосин ўзида олтингугуртли, азотли ва кислородли углеводородларни сақлайди. Унинг техник ва маиший тури мавжуд. Техник керосиндан асосан, реактив ёқилғи(авиакеросин) сифатида, маиший керосиндан эса ёритишда ҳамда унинг тозалангани — халқ табobatiда фойдаланиши қатор манбаларда келтирилган. Кейинги пайтда одамлар орасида авиакеросин билан даволаш ҳоллари учраётганлигини эшитяпмиз. Авиакеросин техник керосин, у тозаланмаган ва унинг таркибида турли хил кимёвий моддалар, яъни углеводородлар инсон организмида биринчи навбатда жигарни, кейинчалик буйрак, нерв тизимини зарарлаши ва турли аллергия ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин. Шундай экан, турли хил гап-сўзларга ишониб, ўз соғлиғимизга бефарқ бўлмайлик.

Баҳриддин Жавлиев:

— Умуртқа поғонамни компьютер томографиясида текширтирганимдан сўнг, шу жойда 0,6 см.лик чурра борлигини аниқлашди. Шифохона ва клиникаларда даволаниб, шифо топгандек бўлдим. Шу орада одамлардан Бобомурод табиб ҳақида эшитиб, излаб топдим. Лекин миждозлар кўп экан. Касалимни айтгач, “даволаш”ни бошлади: умуртқа поғонамни иккита таёқча билан босиб кўриб, бел қисмида бир нуқтани белгилади-да, хонадаги бир кишига ана шу жойга керосин суртиб, тиш чўткасида ишқалаш кераклигини тушунтирди. Ёрдамчи дарров керосинни белимга суртиб, 10 дақиқа электр печкасига тутдириб, баданимни қиздирди. Муолажа тугагач, табиб яна икки кун шу маҳалда келишимни тайинлади. Аммо оғриқ зўрайса зўрайдики, пасаймади. Зўрга уйимга қайтиб келдим. Охири юролмай, тўшакда ётиб қолдим ва муолажаларга бормадим. Хайриятки, неврохирургнинг беминнат кўмаги билан юриш-туришим ўнгланди.

Г. Қосимова, Китоб тумани:

— Биз эр-хотин ўша табибга бордик. Хўжайинимга осмондан тушгандек, ошқозон раки деб, таъхис қўйди, менга эса ошқозон яллиғланиши. “Гайнер”дан ичдим. Икки кунча аҳволим яхшилангандек туюлди. Учинчи ўзимни ниҳоятда беҳол сеза бошладим. Эрим эса тушкунликка тушиб, руҳий сиқилди. Охири Тошкентдага келиб, малакали шифокорлар қўлида даволаниб, тузалдим. 20 минг сўмга сотиб олган керосинни ичиб, соғайиш ўрнига баттар бўлдим..

ТАҲРИРИЯТДАН:

Хулосага шошилмайлик. Биз бу билан ҳеч кимни ёмонотлиққилмоқчи ҳам эмасмиз. Балки биз тилга олган Бобомурод Бегмиров ҳам ўзича ҳақдир. Унинг ҳам кўнгида эзгулик аталмиш хайрли ният бордир. Хўш, унда айб кимда, дейсизми? Энг аввало, ҳамма хатолик сизу биздан ўтаяпти азизлар! Соддалик десак бўлмас, ҳамма бало тиббий саводсизлигимиз ортидан келаётир. Ёки ёлғонми, айтинг. Бўлмаса, биргина Китоб туманидаги катта бир қишлоқдан шу табиб хузурига борган фермер ҳамқишлоқларига Бобомурод табибнинг ўзи кўрмасдан бериб юборган неча ўнлаб шиша идишлари, “реклама-қоғоз”ларини тарқатармиди. Ана сизга тиббий маданиятсизликнинг бир кўриниши.

Бу дунёда соғлиқдан улуғроқ, кадрлироқ бойлик йўқ эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Лекин ана шу муқаддас ақидага амал қилишни ҳам ўрганайлик. Қаердан бирор сохта табиб ёки башоратчи чиқибди деса, ўша ёққа югургандан кўра, кўзимизни каттароқ очиб, замонавий илм-фан сирларини, тиббиётдаги янгиликларни билишга қизиқайлик.

Оила ва жамият газетаси 2015 йил 27 апрель сонидан чоп этилган.